

Дилмурод САЙИД

ТЕРМИНАТОР

ЛАНИМРК

*ЙИТЁАҲ , ШАЗУГРАС
ҚИССА ВА ҲИКОЯЛАР,
ПУБЛИЦИСТИКА,
ОШИҚОНА.*

ЙИШИМ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент-2006

Муаллифнинг ilk ҳикояси "Ҳордиқ" газетаси (2002 й., декабр)да чоп
~~танилган~~ VKT
PRESS"...

"Қасоскор" қиссаси немис тилига ўгирилган.

Дилмурод САЙИДИ! Бу ном нафақат Ўзбекистон, балки кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам бутунги Ўзбек журналистикасининг дадил, қалами ўткир, тили аччиқ ва равон вакили сифатида яхши таниш.

Ушбу мўъжаз китобдан муаллифнинг ўзбеку хориж ОАВда қайта-қайта эълон қилинган ҳамда мутлақо чоп этилмаган бадиий ва публицистик битиклари ўрин олган.

Д.Сайиднинг тожикчадан ўзбек тилига ўгирган "Жаноби Расулуллоҳ васиятлари" рисоласи (1992 й.) ҳамда унинг масъулигида "Тошкентянги номлар" маълумотнома китоби ўзбек-рус тилларида нашр қилинган.

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент-2006

ҚАСОСКОР

КРИМИНАЛ-САРГУЗАШТ ҚИССА

**Аёл қасосини ИЛОНнинг интиқомига қиёслайдилар –
ўта фаросат ва маккорлик билан ҳеч кутилмаган пайтни
топиб қасд олар экан... ИЛОН!
Муаллиф**

УМИДАНИНГ СИРИ

ФАРИДА ўчоқбоши томон бораётиб, сомонхона эшиги очиқ турганига кўзи тушди. Негадир юраги увишгандек бўлди. Ўзи сезмаган ҳолда қандайдир ҳадик билан ўша тарафга юрди. Сомонхона ичкараси гира-шира ёруғ бўлса-да, ҳамма нарса яққол кўриниб турарди. Аёл бир қадам қўйди-ю, ҳайкалдек қотди. Бундан уч кун аввал — тўй куни сўйилган новвоснинг арқонига эри ўзини осганди.

Фарида дод солмади — овози чиқмасди, бир лаҳзагина карахтланиб турди-ю, остонага беҳол чўқди. Орадан қанча вақт ўтганини билмади. Шовқинданми ё муолажа таъсириданми, ўзига келиб, атрофга аланглай бошлади. Нигоҳлари қидирган одамани топди: куни кеча «ёр-ёр»-у сурнай наволари билан келинлик либосида ота уйидан чиқиб кетган, кун ўтмай куёв хонадонидан шармандаларча ҳайдалиб келган қизи - Умида ҳеч кимга қўшилмай, тирик мурда мисоли, пойгақда ўтирарди.

Фарида қизига тикилиб қолди, сомонхонада эрининг осиглик жасадини кўриб йўқолган овози қайтгандек бўлди. Ички нидо куч билан бўғзига, ундан тилига кўчди:

-Эй, худо-о-о, сенга нима ёмонлик қилган эдим?

ЧОРАК АСР АВВАЛГИ ГАП

ШЕРЗОД билан тенгқур эдилар йигит ҳарбийдан қайтгач, колхоз фермасига ишга кирди.

-Мен ҳам ўқишга кетсам, подани ким боқади? Қизлар сигир соғсинми, ярим тонналик буқаларга ўт тарқатсинми? — дерди.

Аслида ўқигиси бор эди, лекин Фаридани кўзи қиймади. Қиз буни яхши биларди. Эл қатори тўй қилиб, турмуш қуришди. Аллоҳнинг синови эканми, беш йилгача фарзандлари бўлмади. Орада эшитилган маломатлар, бедор ўтган надоматли тунлар Шерзод,

Фарида ва яна худога аён. Тилаб-тилаб топганлари якка-ю ёлғиз шу қизлари — Умида бўлди! Арзанда, тантиқ қилиб ўстиришмади, лекин керагидан ортиқроқ қарашди кўнглига. Қишлоқ қизлари бажарадиган юмушларнинг тенг ярмини қизи учун Фарида адо этарди. Ўн ёшида велосипед минди. Бу қишлоқдан уч нафар қиз ёзги таътилда дам олишга борарди: раиснинг, ферма мудирининг ва Шерзоднинг қизи!

Фарида шу топда қизига тикилиб туриб, эслагандек бўлди: ўтган йили қизини ўқишга киритиш учун Тошкентга олиб боришди. Шароит қилиб бердилар, репетитор ёлланди. Тирикчилик — ота қишлоққа қайтди. Икки ой ўтиб, Умида ҳам келди. У қандайдир ғамгин, камгап бўлиб қолганди. Буни ўқишга кира олмаганликка йўйдилар. Келаси йили атаганларига битта буқа билан новвосни ҳам сотиб, қўшишларини айтишди. Ўқишга киролмай, кўнгли яримта бўлган қизнинг кўнглини бутунлаш учун бир талай зеб-зийнат, кийим-кечак олиб беришди. Ҳеч қандай ишга, хаттоки, рўзғор юмушларига ҳам уринтиришмади. Умида-нинг ўзида ҳам ҳеч нарсага хоҳиш йўқ эди. Қандайдир одамови бўлиб қолганди. Бу орада совчи устига совчи келавериб, эшикнинг кесақисини синдирар даражага етди. Ўшанда қизи Фаридага бир гапни айтди:

-Мени ўзим танлаган одамгагина узатасизлар!

Бу талаб қабул қилинди.

Қишлоқдошлар ҳайратдан ёқа ушладилар.

-Ё, тавба, шундай ойдаққина қиз ўша чалажинни, чўтирюз чойхоначини танлабди-я!

-Чойхонача бўлса ҳам бир нави эди, чой ташувчи югурдак денг, ўргилай!

-Агрономнинг Алпомишдек ўғлига Барчиндек жуфт бўларди-ю... Аҳмоқ!

Умида фақат ўша югурдакка тегишини айтиб, сўзида туриб олди. Ночор рози бўлишди. Халқ мақолини келтириб, таскин топдилар: «Ҳар ким суйган ошини ичади!» Минг афсуски, Умида «оши»ни ярим йил аввал ўзи истамаган ҳолда » ичиб келган» эди.

Фарида мунғайиб ўтирган қизига ачиниб кетди. Турай деса, ҳоли келмади. Қизини имлаб чақирди. Умида бироз каловланиб туриб, сурилганча онасининг тепасига келди. Она беҳолгина қўллари билан қизининг заъфарон юзидан, сочларидан сийпади. Астагина ўзига тортиб, шивирлади:

-Жон қизим, йиғлагин, ўкириб-ўкириб йиғлагин, енгил тор-тасан!

Вақт-малҳам, дейдилар. Эрининг йили ўтгач, она-бола ўзларини ҳайҳотдек ҳовлига сиғмай қолгандек ҳис этдилар. Устига-устак, бир ҳовлида фақат иккиси, яна камдан-кам гаплашадилар. Умидага оид «сир» ҳақида сўрашга онанинг юраги дов бермас, қизи ҳам ўзидан билиб ошкор этмасди.

«Ошкор қилганда нима ўзгарарди? — ўйларди она, - бегим тирилиб келармидилар? Ё...»

Ўша куни шиддатли ёмғир ёғди. Фарида ҳам ишдан барвақт қайтди. Анчадан бери қилмаган ишлари — она-бола биргалиқда овқат тайёрладилар. Овқатдан сўнг Умида гап бошлади:

-Бошқа ёққа, узоқ-узоқларга кўчиб кетайлик!

Тўғриси, онанинг хаёлида бу ўй бор эди, лекин қизини авайлаб, айтмаганди.

-Майли, қизим! Лекин қаёққа кўчамиз?

Қизи елка қисди:

-Билмасам, аммо қаёққа бўлса ҳам, бу ерлардан узоқларга.

Она сукутга чўмди. Нималарнидир чамалагандек бўлди. Сўнг дадил оҳангда деди:

-Қизим, тоғанга хат ёз Олмалиққа, ўн кундан кейин борамиз, деб ёзгин!

Умиданинг чиройи очилгандек бўлди. Ўтган бир йилдан ортиқ вақтдаги ичидаги сир, алам, нохушликлар бир қадам ортга чекинди. Она қизи томонга ўтиб, уни маҳкам бағрига босди-да, йиғлаб юборди:

-Қизим, ўргилай қизим...

Умида ҳам йиғларди.

ИНТИҚОМ

ГЎЗАЛ аёлнинг, айниқса, «боши очиқ» бўлса, ошиғи кўпинча олчи келади. Олмалиққа кўчиб келганларида Умида эндигина ўн тўққизга тўлганди. Тоғасининг маслаҳати билан аввал компьютерда ишлашни, кейин машина ҳайдашни ўрганди. Тоға ягона опасини, ёлғиз жиянини ҳам жуда қадрларди.

-Қизингизни зўр ишга жойлаштираман, бообрў хонадонга узатаман. Унгача аралашмай турсангиз бўлди, опа! — дерди ҳаммаша.

Она-бола уч хоналик уй олгандилар. Жиҳозлар янгиланди. Фарида болалар боғчасига хўжалик ишлари мудирлигига ўтди. Умида олти ой нари-берисида компьютерда ишлашни ҳам, машина ҳайдашни ҳам ўрганиб олди. Унга аввал компьютер совға қилишди. Кўп ўтмай, янги бўлмаса-да, «ВАЗ-2109».

Яшаш шароити яхшиланиб, танишлари кўпайган сари Умиданинг ўзига бўлган ишончи ҳам ортиб, кўксидаги алами кучая борарди. Алам кундан-кунга нафратга кўчар, нафрати эса унинг миясида бир-биридан ваҳший режаларни пайдо қилар, бу режалар эса қизни баъзида видеофильмларни хуфёна кўришга етакларди. Фильмларнинг фақат қотиллик ва қийноқлар тасвирланганини томоша қиларди. Шу орада ўзидан ўн ёш катта йигит билан танишди. Тўғрироғи, бу танишувни атайин ўзи уюштирди. Яхшигина спортчи бўлган Баҳром икки бора «ўтириб чиққан» эди. Икковида ҳам муштлашиб тушган. Биринчи марта икки йигитни уриб, бирининг қўлини, иккинчисининг қовурғасини синдирган. Қамокдалигида хотини «юриб кетган». Хуллас, азияти бир олам. Лекин азроилдан ҳам қўрқмайдиган вазоҳатли бу йигит Умидага жуда маъқул келди. Энг эътиборлиси, жангари Баҳром заифларга зўравонлик қилувчиларни сира ёқтирмасди. Шу одати сабаб, икки марта қамалди. Бу феълени қамок ҳам йўқота олмади, аксинча, ҳаётининг мазмунига айлантирди.

-Ўзинг гўзалсан, шароитинг ҳам ёмонга ўхшамайди, - деди бир куни йигит Умидага, - лекин негадир кўпинча маъюс, ўйчан юрасан?

Умида «Фанта» қуйилган бокални у ёқ-бу ёққа қийшайтириб, бироз жим қолди. Кейин:

-Баҳром ака, менинг ичимда сичқон бор, - деди дабдурустдан, - ўша сичқон жигаримни кемириб ётибди.

-Сичқон ичингга қандай кириб қолди? — қизиқди йигит.

-Уни бир қора мушук қувиб киритган!

-Сичқонни ҳайдаб чиқаришнинг иложи йўқми?

-Бор! Бунинг учун ўша қора мушукнинг қонидан бир пиёла керак!

Баҳром Умидага тикилиб қолди. Рўпарасида икки ойдан бери ўзи таниб-қўриб юрган ғамгин, камгап аёл эмас, балки бир вақтлар катта экранларда томоша қилгани — КЛЕОПАТРА ўтирар эди.

-Бир пиёла қон оёгинг остига сочилиши ҳеч гап эмас, лекин қон тилашингнинг боисини билишим керак!

-Ўн етти ёшли ҳимоясиз, ўз қишлоғидан нарини кўрмаган қизнинг ётоғига бостириб кирган, кўрқитиб зўрлаган, мақсадига етгач, уйланишга ваъдалар бериб, оқибатда эса бузуқликда айб-лаб, ноҳақ шапалоқ урган қора мушук нега жазосиз қолиши керак? Очироқ айтсам, ўнинчини битириб, ўқишга кириш учун Тошкентга бордим. Дадам раҳматли ижарага уй топдилар-да, мени жойлаштириб, анчагина пул бериб кетдилар. Уй эгаси ёлғиз аёл бўлиб, бевақт ўлган эри хотирасига унинг чироғини ўчирмай яшаб юраркан. На қизининг, на сингисининг, на акасининг хонадонига кўчиб боришга кўнмас экан. Ўша аёл билан иккаламиз она-бола бўлиб яшай бошладик. Мен имтиҳонларга тайёрланар эдим, аёл ҳовлисида етиштирган кўкатларни боғлам-боғлам қилиб, эрмак учун бозорчага олиб чиқарди. Уй эгасининг армиядан келган жияни бўлиб, аёлга кўмаклашиш учун кунора келиб-кетиб юрарди. Иккинчи имтиҳон олдидан кун иссиқлик қилибми ё кечалари кўп ўқиганимданми, уйқу босиб, кўзим илинибди. Аёлнинг жияни — Аброр келганини ҳам пайқамабман. Фақат... Қисқаси, устимга тушган оғирликдан уйғониб кетдим. У қип-яланғоч эди. Бир қўли билан оғзимни беркитиб, иккинчи қўли билан томоғимдан бўғиб олди:

-Фиринг десанг, ўлдираман!..

Кейин ялиниб-ёлворди

-Умида, мен сени биринчи кўришдаёқ севиб қолганман, сенсиз яшай олмайман. Имтиҳонларинг тугаши билан уйингга совчи юбориб, сенга уйланаман!

Мен шармандалиқдан чўчиб, ноилож дардимни ичимга ютдим. У ҳар куни келар, турли совғалар келтирарди. Бир куни никоҳ узуги кўтариб келди. Бармоғимга тақдим, лопша-лойиқ эди.

Имтиҳонлар охирлаб, сўнгиси қолганди. Бир кун олдин институтга боришим зарур бўлиб қолди. Аброр буни биларди, лекин келмади. Институтдан чиқиб, автобус бекати томон бораётгандим, бир оқ «Жигули» келиб тўхтади. Ҳайдовчи — ёшгина йигит:

-Умидахон бўлсангиз керак, бир дақиқага тўхтанг, - деди. Уни танимасам ҳам тўхтадим. У машинасидан тушиб, мен билан қуюқ сўрашгач:

-Умидахон, мени Аброр юборди, ўзи келолмаганлиги учун узр сўради. Мен унинг хизматдош дўстиман. Ҳозир сизни «Анҳор» кафесига олиб боришим керак. Совчи юбориш, тўй масаласида

маслаҳатлашар экансизлар, - деди қўлини кўксига қўйиб. Мен иккиланиб қолдим. Шунда у яна:

-Бўла қолинг, Умидахон, менинг вақтим ўлчовли, отам касалхонадалар. Сизни қўйиб, кейин касалхонага кетишим керак, - деди.

Машинага ўтирдим. Айтилган жойга яқин ерда тўхтатиб:

-Кўчанинг нариги томонига ўтасиз, зинадан тушсангиз бўлди, - деди ҳайдовчи. — Хўп хайр, бахтли бўлинглар!

Мен кўрсатилган жойга тушиб бордим, лекин Аброр кўринмади. Ярим соат, бир соат кутдим, дарак бўлмади. Энг ёмони, ижара уйга қандай қилиб боришни билмасдим. Бундан ҳам ёмони, турар ерим жойлашган кўчанинг номинигина биламан, холос: «2-ая Набережная». Бир-икки йўловчидан сўрасам, елка қисди. Битгаси эса, «Ўзингиз сув бўйида турибсиз-ку» деб калака қилди. Кейин ҳеч кимдан сўрамадим. Ҳозир ўзимга-ўзим айтаман: «Аҳмоқ, тўқимачилик институтини сўрасам бўлмасмиди?!» Хуллас, адашиб, ҳориб, оч қолиб, қоронғу туша бошлаганида уйни топиб келдим. Не кўз билан кўрайки, эшик олдида Аброр турарди.

-Соат тўққиз бўлаяпти, қаерларда юрибсан? — деб сўради жаҳл аралаш.

Нима дейишимни билмай, бақрайиб қолдим.

-Институтингга бориб келдим. Сени таниганлар битта оқ «Жигули»да ёшгина йигит билан кетганингни айтишди. Кимнинг тагидан чиқиб келаяпсан, қанжиқ?

Аброр шундай деб бир шапалоқ урди. Устига уй эгаси — аёл чиқиб қолди. Уч-тўртта қўшнилари ҳам.

-Хола, кимни ижарага қўйгансиз ўзи, бунингиз фирт ҳалигиз-ку! — деди Аброр қўлини бигиз қилганча овозини баландлатиб, - сиз хавотир олиб, мени қўярда-қўймай институтга жўнатдингиз. Бу ифлос бўлса, оқ жигулида ёш йигитлар билан ўйнаб, худо билади, яна нима балолар қилиб юрибди!

Мен тирик мурдага айланиб қолдим. Аввалига ўзимни ўлдирмоқчи бўлдим. Лекин негадир қўлим бормади... Бу кўргуликлар орқасидан отамдан айридим, туғилган еримдан шармандаларча кўчиб кетишга мажбур бўлдим! Шунақа гаплар, Баҳром ака!

Баҳромнинг қўллари мушт бўлиб тугилган, кўзлари ғазабдан ёнарди.

-Қаерда туради у мараз?

Умида машинасининг калитини йигитга берди. Баҳром рул

томонга, аёл унинг ёнига ўтирди. Машина Тошкент тарафга шамолдек елиб кетди...

-Умида, - деди Баҳром қайтишда, - икки кундан кейин «қора мушук»ни кутиб оласан, келишдикми?

Аёл мамнун эди.

Айтилган кун кечга яқин Баҳром «қора мушук»ни олиб келди. Аброр беҳуш эди.

Умида унга тикилиб турди ва ғазаб аралаш:

-Аблаҳ, мараз! — деди бўғиқ овозда.

-«Қора мушук» келтирилди, - деди Баҳром таниш ҳайдовчини жўнатиб юборгач, - энди бир иш қолди!

Умида савол назари билан унга қаради.

-Яъни буни ҳушига келтирамиз. Сен жим турасан, аввал мен гаплашаман, тушунарлими?

Новшадил спиртининг кучи-ю, бир коса сув билан Аброр ўзига келди. Рўпарасидаги барзангини кўриб, довдираб қолди.

-Бу аёлни танийсанми? — сўради Баҳром оёқларини чалиштирган кўйи.

Аброр Умидага қаради-ю, илонга дуч келган бақадек безрайиб қолди. Гарданига тушган муштан ўзига келгандек бўлди.

-Сендан сўраяпман, танийсанми бу аёлни?

-Ҳ-ҳ-ҳ-а, таний-йман, - деди Аброр дудуқланиб, титроқ овозда.

-Қаердан танийсан?

-Бу... Бу Умида, холамнинг уйларида ижарада турган.

-Кейин-чи, кейин нима бўлган?

Аброр жавоб ўрнига бошини қуйи эгди. Навбатдаги мушт ҳам бўйнига тушди.

-Кейин нима бўлганини эслай олмаяпсанми?

-Мен... Мен унга уйланмоқчи эдим, - деди йиғламсираб Аброр.

-Демак, оқ «Жигули» эгаси ҳам танишинг бўлган, тўғрими? Сен узоқдан унга Умидани кўрсатгансан. Режа амалга ошиб, Умида машинага ўтиргач, қуённинг расмини чизгансан.

Аслида ҳам худди шундай бўлганди. Аброр ўз пасткашлигини тан олди, лекин оқибатини ўйламади.

-Умида, «қора мушук» сеники, ичингдаги сичқонни ҳайдаб чиқарадиган дорини пиёлага ўзинг тўлдириб оласанми ёки қарашиб юборайми? — сўради Баҳром аёлга тикилиб.

-Ўзим! — жавоб қилди Умида эътирозга ўрин қолдирмайдиган кескин оҳангда.

Баҳром «ҳар эҳтимолга қарши» деб Аброрнинг оёқларини ҳам боғлаб қўйгач, қўшни хонага ўтди. Лекин Умиданинг қандай жазо қўллашига қизиқиб, хона эшигини қиялатиб ёпди. Унга аёл ҳам, Аброр ҳам яққол кўриниб турарди.

Умида олдиндан тайёрлаб қўйган нарсаларини сумкасидан чиқарди. Аввал клеёнка пешбандини тақди, тиббий резина қўлқопни кийгач, йигитнинг оғзини елим тасма — скоч билан ёпди, сўнг ҳафсала билан чархланган пичоқни қўл етар даражада полга қўйди. Кейин чаққонлик билан Аброрнинг шимини, шимга қўшиб трусигини ҳам тортқилаб тушира бошлади.

Қўшни хонада ўтириб, эшик ойнаси орқали аёлнинг ҳаракатларини кузатиб турган Баҳром аввалига ҳеч нарсани тушуна олмади. Тушунганда эса...

Умида Аброрнинг эрлик аъзосини кесиб ташлади.

-Бу... сенга ҳайф! — деди аёл кесилган аъзони Аброрнинг шими чўнтагига тиқиб қўяётиб.

Баҳром бундай бўлишини сира кутмаган эди. Уч-тўрт сония карахтланиб қолди. Кейин:

-Алами жонидан ўтиб кетган экан-да, бечоранинг, - деди ўзига-ўзи овоз чиқариб.

«ЖИНОЯТ ИШИ»

ЖАРДАН топилган мурдани кўздан кечирган прокуратура ходими зудлик билан марҳумнинг шахсини аниқлаш, ваҳшиёна қотиллик юзасидан суриштирув ишларини бошлаш ҳақида кўрсатма берди. Зарур бўлса, қўшни туманлардан тажрибали изқуварларни чақиртириш алоҳида уқтирилди.

Прокурор розилигини олган тезкор ходим ўша куниёқ Тошкентга келиб, телевидениеда чиқиш қилди. Марҳумнинг сурати кўрсатилиб, кийган кийимлари тасвирлаб берилди. Орадан бир соат ўтар-ўтмас марҳумнинг шахси аниқланди. Тезкор ходим унинг яқинларидан икки киши — хотини ва холаси билан Олмаликқа қайтди.

-Ишнинг бошланиши ёмон эмас, лекин...- бироз жим қолди прокурор ёрдамчиси, - лекин яқинларининг берган маълумотига кўра, ўлдирилган шахс умрида бу тарафларга келган эмас ва бу ерларнинг отини ҳам айтган эмас. Яна Тошкентга боришга тўғри келади. Аброр кеча кундузи соат 13ларда уйдан чиқиб кетган.

Хўш, шундан кейин уни яна ким кўрган? Шу саволга жавоб топсак, иш олға силжийди.

Марҳум билан боғлиқ расмиятчиликлар тугагунча унинг хотини ҳам, холаси ҳам бир кун Олмаликда қолишди. Устига-устак, эрининг жасадини кўргач, келинчак беҳолланиб, ҳам ғамдан, ҳам қўрқувдан ҳушини йўқотганди. Яхшики, кўпни кўрган холаси бирга экан. Расмиятчиликлар тугагунча келинини касалхонага ётқизишга тўғри келди.

Айнан шу бир кун — 24 соат кўп нарсани ҳал қилди. Прокурор ёрдамчиси қотилни излашни, аввало, Олмаликдан бошлаш режасини тузиб чиқди.

«Тошкентнинг ўзида ҳам хилват жойлар етарли, демак, марҳум бу ерга келганида ё олиб келинганида тирик бўлган. Унинг ўзи осмондан тушиб қолмаган. Тошкентдан шу йўналиш бўйича қатновчи автобусларни ҳам суриштириш бошланди. Натижани кутиб ўтирмай, ҳаракат қилиш керак!»

Прокурор ёрдамчиси қоронғу туша бошлагач, касалхонага йўл олди. Марҳумнинг холасини чақирди:

-Холажон, ҳозир сиз билан икки-учта жойга бориб келсак. Тўғриси, у жойларга яхши ҳам, ёмон ҳам йиғилади. Балки уларнинг орасида бирорта таниш одамни учратиб қоларсиз.

Хола индамайгина бош ирғаб, палатага кириб кетди. Келинининг аҳволи анча дуруст, тинчлантирувчи уколдан кейин ухлаб қолганди. Келиндан кўнгли тинчиб, ўрнига навбатчи ҳамширани қолдириб, прокурор ёрдамчисига эргашди. Ташқарида кутиб турган «Волга»га ўтиришиб, биринчи манзил — сув устида жойлашган чойхонага бордилар. Ярим соатча чой ичиб ўтирган бўлишди. Кейин кўпчиликни ўзига «боғлаб олган» видеобарга жўнадилар.

-Хола, бирор таниш одамни кўриб қолсангиз, иложи борича унга танилмай, мени хабардор қилинг, - дея яна такрорлади касалхонадан чиқишда айтган гапини.

Видеобарда одам сийрак эди.

«Қотиллик юз берганини эшитиб, кўпчилик собиқ жиноятчию бекорчилар уйдан чиқмаганга ўхшайди бугун» — хаёлидан ўтказди прокурор ёрдамчиси.

Видеобарнинг кириш йўлагидан ичкарини бемалол кўриш мумкин эди. Хола заdda ўтирганларни бир-бир кўздан кечирди. Кейин боши билан «йўқ» ишорасини билдирди. Ёши ўтган, яна рўмолик аёлнинг бу ерда туриши одамлар эътиборини тортиши

аниқлигини ҳисобга олган прокурор ёрдамчиси холани кўчага бошлади. Машинанинг орқа ўриндигидан келувчиларни кузатишда давом этишди. Бир соатга яқин пойлашди. Шу вақт ичида икки киши кириб, бир киши чиқди, холос. Хола келинини эслаб, бетоқатлана бошлагач, касалхонага қайтмоқчи бўлишди. Шу орада мусиқали оғоҳтовушни қисқагина чалганча бир енгил машина келиб тўхтади. Ундан икки киши — аёл ва барваста йигит тушди.

-Безориларнинг каттаси келди, - кулиб имо қилди «Волга» ҳайдовчиси.

Хаёли келинида бўлиб ўтирган хола ҳайдовчининг гапи билан беихтиёр ўша тарафга кўз ташлади. Бир аёл ва эркак видеобар эшигидан кириб кетганини кўрди. Аёлнинг ортидан қараб туриб, хаёли яна касалхонадаги келинига кетди. Касалхонага етиб келишгач, прокурор ёрдамчиси узр сўради:

-Хафа бўлмайсиз, хола, ишимиз шунақа, сизни ҳам уринтириб қўйдим. Бирор ёрдам зарур бўлса, сира тортинмасдан қўнғироқ қилаверинг, - дея телефон рақами ёзилган қоғозни узатди.

Хола индамай бош ирғаганча келини ётган палата томон юрди. Келин ҳамон укол таъсиридан ухларди. Тонгга яқин холани уйқу элитди. Шу орада келин уйғониб қолди. Қўлларига таяниб, гавдасини кўтарди ва ўтириб олди. Бироз ўтгач каравотдан тушиб, эшик томон қадам қўйди. Хола дарҳол унинг қўлтигидан тутди.

-Қўяверинг, холажон, - деди синиқ овозда келин, - мен ўзим...

Шу вақт навбатчи ҳамшира кириб келди. Беморнинг билагидан енгилгина тутиб, бирга чиқа бошлади. Келиннинг ортидан тикилиб қолган хола ҳорғин хаёлга чўмди:

«Бояқиш, бир кунда чўкиб қолди-я, қандай қомати бор эди. Худди...»

Шундай хаёл билан келинни қиёслашга беихтиёр кечқурун ортидан бир зумгина кўрган аёлини эслади:

«Худди ўшандай бўйдор, адл юрарди. Ҳаммадан ҳам синглимга қийин бўлди. Абрордан айрилди, эндигина чилласи чиққан келинчакнинг аҳволи бу! Сингилгинамнинг дарди ўзига етмасмиди... Бу кўргуликлар уни тўшакка бутунлай михлаб ташламаса яхши».

Холанинг кўзларидан ёш оқарди. Шу орада прокурор ёрдамчиси кириб келди. Салом-алиқдан сўнг холани врач хонасига бошлади. Хонага киришгач, қўлидаги дипломатни стол устига қўйди.

-Холажон, яна сизни безовта қилганим учун узр, лекин ишимиз шунақа, - деди мулойим оҳангда. Кейин дипломатни очиб, альбом ва бир даста сурат олди.

-Шу суратларга ҳам бир қараб чиқсангиз.

Хола хаёлини бир жойга тўплаб, суратларни кўздан кечира бошлади. Айримларига узоқ тикилиб қолар, кейин «йўқ» ишорасини қилиб, бошини чайқаб қўяр эди. Баҳромнинг суратига ҳам шундай узоқ разм солди, кейин столга ташлади.

-Буни кеча кечқурун кўрдингиз, хола, видеобарга кириб кетаётганида, - деб изоҳ берди прокурор ёрдамчиси.

Хола чамаси эслагандек бироз сукутга толди.

-Ёнида аёл ҳам бор эди-я? — сўради ҳазин овозда.

-Тўғри, хотирангизга қойил, хола! — деди прокурор ёрдамчиси, - эслаб кўринг, балки Абборнинг танишларидан чиқар. Исми Баҳром.

Хола суратни қўлига олиб, яна синчиклаб тикилиди.

-Йўқ, жиянимнинг катта ёшдаги ошнаси йўқ, фақат маҳалладагиларни айтмаса, - дея жавоб қилди. Кейин негадир суратдаги одам билан бирга келган аёлни эслади, - тўғри, мен икковиниям орқасидан кўрдим. Эр-хотин бўлишса керак...

Прокурор ёрдамчиси бош чайқади:

-Йўқ, хола, биздаги маълумотларга кўра йигит оиласиз, ёнидагиси кимлигини эса ўзим ҳам билмайман.

Марҳумни ПАЗ автобусига юклаб, икки нафар милиционер ҳамроҳлигида Тошкентга жўнатишди. Хола эса, бева келини билан «Волга»да кетишди. Уларни кузатгач, прокурор ёрдамчиси хонасига қайтиб келиб, бир нуқтага тикилганича ўйланиб қолди: «Автобусларни текширишдан фойда чиқмаяпти ҳозирча. Тошкентга кетган тезкор ходимнинг ҳам иши натижа бермай турибди. Хўш, нима қилиш керак? Гумондор тарзида келтирилган беш киши ҳам бу жиноятдан йироқ чиқди... Баҳром безори, муштумзўр, жанжални пулга сотиб олади. Лекин қотилликка келсак. Агар одам ўлдирса ҳам уриб ўлдирар-у, бунақа усулни қўлласмас... Кейинги пайтда анча юввош бўлиб қолгандек, балки ёнидаги аёлнинг таъсиридандир. Жуда чиройли экан топгани, холанинг кўрмаганини-чи! Ким экан бу ёш гўзал?»

Прокурор ёрдамчиси ўйловни тўхтатиб, олдидаги оқ қоғозга «Бу аёлнинг кимлиги аниқлансин!!!» деб ёзди-ю, ишга киришди. Аввал ГАИга сим қоқди, тез орада Баҳром ва нотаниш аёл миниб

келган машина эгасига тегишли барча маълумотларни тўплади. Аёлниг суратини ҳам топгирди. Навбатдаги топшириқ аниқ бўлди: «Умида Тошкентда бўлганми? Унга тегишли машина Тошкент-Олмалиқ йўналишидаги бирор постда қайд этилганми?»

Прокурор ёрдамчиси тўғри йўлдан бораётганлигини ички бир сезги билан идрок этарди. Ниҳоят, зарур маълумотлар тўпланди. Гапнинг очиғи, бундай бўлишини унинг ўзи ҳам кутмаган эди. Прокурор ҳузурида навбатдаги йиғилишда тўпланган маълумотларни баён қилди:

-Умида Р., 20 ёшда, бир йил олдин Фарғонадан кўчиб келган. Онаси билан яшайди. Водийлик ҳамкасблар берган маълумотларга кўра, мактабни тугатиб, Тошкентга борган, ўқишга киролмай қайтган Тошкент шаҳри ва вилояти оралиғидаги ГАИ постларидан иккитасида айнан унга тегишли машина бундан беш кун аввал ҳужжат текшириш учун тўхтатилганлигини ходимлар тасдиқлашди.

-Жуда соз, - деди прокурор, - билишимча, йўналишни тўғри олаётгандекмиз. Навбатдаги режа қандай?

-Умиданинг суратини марҳумнинг яқинларига кўрсатиш керак. Шундан кейин буёғи аниқ бўлади.

-Тўғри фикр, -қувватлади прокурор, - Тошкентга кимни юборамиз, терговчиними?

-Рухсат берсангиз, ўзим бориб келсам, - илтимос қилди ёрдамчи.

Тушликка яқин холанинг уйига келди. Аёл сингисининг уйида эди, ўша ёққа борди. Ҳассакашлар билан сўрашиб, кейин холага учради. Беговта қилгани учун узр айтиб, холироқ ерга ўтишгач, мақсадга кўчди:

-Хола, ўша кунги эркак ва аёл ёдингиздадир, уларни фақат орқа томондан кўрганлигингизни айтгандингиз. Мана бу суратга қаранг-чи!

Прокурор ёрдамчиси шундай деб, Умиданинг суратини узатди. Хола ўйлаб ҳам ўтирмади.

-Бу Умида, 2-3 йил олдин менинг уйимда ижарага туриб, ўқишга киролмай, қайтиб кетганди, -деди суратдан кўзини узмай.

-Жиянингиз ҳам танирмиди буни?

-Нега танимасин, сингисидек кўриб, «сен»сираб гапирарди.

-Айтинг-чи, улар орасида бирор нохуш воқеа, масалан, жанжалга ўхшаш ҳодиса бўлмаганми?

Хола анча ўйланиб қолди, кейин Умиданинг қандайдир оқ машинада ёш йигит билан кетгани-ю, кеч келганлиги учун Аб-рор уни койганлигини сўзлаб берди.

Прокурор ёрдамчиси қайтишда йўл бўйи ўйлаб келди: «Холанинг айтиб берган воқеаси Умиданинг қотилликка қўл уришига сабаб бўла олмайди. Лекин Олмалиқда марҳумни таниган якка-ю ягона одам ҳозирча Умида! Гумондор шахс дейиш мумкин!»

Ишхонага келибоқ, тўғри прокурор ҳузурига кирди. Қисқа маълумотни эшитган прокурор қўшимча қилди:

-Умида Р. Ўқишга кира олмай, қишлоғига қайтган, кейин тўйи бўлган. Бокира чиқмагач, шармандаларча ҳайдалган, отаси ўзини-ўзи осиб қўйган. Энди бор маълумотлардан хулоса чиқаринг ва аёлни чақиртиринг. Марҳумнинг суратини кўрсатинг, бу ёғини кейин маслаҳатлашамиз. Ҳа, айтгандек, бирор сабаб топиб, Баҳромни ҳибсга олдинг. Лекин ҳибсга олиш чоғида аёл бўлмаслиги керак. Баҳромнинг қамаб қўйилганини шу ерга келиб билсин, бироқ сабаби мавҳум қолсин, тушунарлими?

Прокурор ёрдамчиси ҳаммасини, яъни қандай йўл тутиш кераклигини нафақат тушунди, балки ҳисоблаб чиқди ҳам.

Фақат бир нарсани ҳисобга олмаган эди...

Умида шафқатсизларча қасос олди. Аммо бу ишдан заррача афсусланмади. Аксинча, енгил тортиб, юраги яйради.

* * *

ТОНГ қоронғусида мурдани жарга ташлаб қайтишди. Кейин навбати билан ювиниб чиқдилар. Умида барибир бу ишнинг ҳиди чиқиши мумкинлигини тахмин қиларди. Шу баробарида Баҳромнинг ҳам кўнгли нотинч эди.

-Баҳром ака, - деди йигитнинг кўзларига тикилиб, - русларда бир нақл бор: «Надейся худшему, лучшее само придёт!» Шунинг учун маслаҳатни бир ерга қўйиб олсак.

-Қанақа маслаҳат? — сўради йигит.

-Маслаҳат шуки, ишимизнинг ҳиди чиқиб қолса, қандай йўл тутиш кераклигини ўйлаб олишимиз керак.

-Сен гулламасанг, мен гулламасанг, иси қаердан чиқиши мумкин? Ундан кўра, яхши ният қилайлик.

-Ният тўйда қилинса ярашади, бу фирт жиноят бўлса! Хўп денг, Баҳром ака, мени эшитинг, илтимос.

-Майли, эшитиб келяпман, яна эшитавераман, гапиравер.

Умида сумкачасидан учта юз долларлик ва икки тахлам беш юз сўмлик чиқариб, стол устига қўйди.

-Буни қулайроқ жойга яшириб қўясиз. Агар ишнинг «ҳиди» чиқиб қолса, сиз ҳеч нарса билмайсиз. Мен ҳақимда сўрашса, маъшуқангизман, холос. Ўтмишимдан эса буткул беҳабарсиз. Мурда менинг бўйнимга, негаки у мараз менинг эски танишим бўлган. Мен аёлман, олдин қамалмаганман, менга оғир жазо бермайди. Яна бир ўзим бўлсам, осонроқ қутуламан. Сизни отувга ҳукм қилишлари мумкин!

Баҳром бундай маслаҳатни кутмагани учун жавоб топа олмай қолди. То бир гап айтгунча бўлмай, Умида сўз улади:

-«Аёл кишини қаматиб қўйишга ғурурим йўл бермайди!» деганг. Илтимос сиздан, Баҳром ака, кўрганларингиз етарли сиз учун, бу галгиси оғир бўлиши аниқ. Шунинг учун менинг маслаҳатимни қабул қилинг, ўтинаман сиздан, хўп денг!

Баҳром анча ўйланиб тургач, рози бўлди. Қўл ташлашдилар.

-Нима бўлганда ҳам, бўйнингизга ола кўрманг, - деди Умида илтижолли тикилиб, - мен ҳеч қачон сизни тортмайман!

Умида қасос илинжида юрган пайтида фақатгина қотиллик ва қийноқ акс эттирилган фильмларни кўриш билан чекланиб қолмай, балки жиноят кодекси, жиноят-процессуал кодекси, уларга шарҳларни ҳам қайта-қайта ўқиб чиққан, «ҳуқуқшунос бўлмоқчиман» деган баҳона билан тоғасининг юрист ошналаридан бир неча марта изоҳли маслаҳатлар ҳам олганди. Бир сўз билан айтганда, Умида назарий тарзда бўлса-да, жиноят учун жавобгарликка ҳам ўзини руҳан тайёрлаб бўлганди.

* * *

ПРОКУРОР ёрдамчиси тезкор ходимларни йиғиб, Баҳром ва Умидани ҳибсга олиш режасини ишлаб чиқди. Баҳромнинг ҳам уйи кузатув остига олинди. Янги ишга келган каратэчи лейтенант «объект» билан жанжал чиқарадиган, муштлашадиган ва олдиндан тайинланган патрул хизмати ходимлари ҳар иккисини ҳам ички ишлар бўлимига келтирадиган бўлдилар. Айни шу чоғда «иккинчи объект» — Умиданинг уйига прокурор ёрдамчиси борадиган, қисқача суҳбатлашиб, прокуратурага бошлаб келадиган бўлди. Бу ёғига ҳар икки «объект» орасида бир лаҳзалик учрашув ташкил қилиш жўн иш эди. Лекин кўп нарса айнан мана шу «жўн иш»га боғлиқлигини яхши тушунишарди. Аксига олиб, тузилган режа бошланмасданоқ барбод бўла бошлади. Тушликка қадар Баҳром уйдан чиқмади. Йўлакка кўз тикиб ўтирган

пойлоқчи — фуқаро кийимидаги милиция сержанти ҳам, икки юз метрча нарида машинадан тушмай кутаётган каратэчи лейтенант ҳам, хабар кутиб, иш бошлай олмаётган прокурор ёрдамчиси ҳам асабийлаша бошлашди.

Тушлиқдан кейин режага ўзгариш киритилди — Умида билан суҳбатга йўл олдилар. Аксига олиб унинг онасига дуч келдилар.

-Нима ишингиз бор эди? Ўзи ким бўласиз? — сўради Фарида эшик олдида турган прокурор ёрдамчисидан.

Ташрифчи ўзини танитди.

-Тинчликми? — безовталанди она.

-Тинчлик, айрим масалалар бўйича озгина гаплашиб олишим керак.

-Ўозир уйда йўқ. Ярим соат аввал чиқиб кетган эди. Ишон-масангиз, марҳамат, кириб кўринг, - деди Фарида.

Прокурор ёрдамчиси ичкарига кирди. Оёқ кийимини ечаётиб у ёқ-бу ёққа кўз югуртирди. Чунки пойлоқчи берган маълумотга кўра «объект» кўчага чиқмаганди. Чақирилмаган меҳмоннинг ҳар бир ҳаракатини уй бекаси синчиклаб қузатиб турарди. Аёл атайлаб хоналар эшигини очиб қўйди.

-Бу ётоқхона, бу емакхона, бу зал, балкон билан ошхона у томонда, - деб ҳаммаёқни кўрсатиб, кейин ошхонага қўйилган стол атрофидаги стуллардан бирига ишора қилди, - марҳамат, ўтиринг.

Прокурор ёрдамчиси хоналарга бир-бир кўз югуртириб, хатога йўл қўйганди.

-Нима гап ўзи? — сўради Фарида.

«Меҳмон» ёнидан Аброрнинг суратини олиб кўрсатди.

-Опа, бу йигитни танийсизми?

Аёл суратга бир-икки сония қараб тургач, бош чайқади:

-Мутлақо танимайман.

-Узр, мен фақат шуни билгани келгандим. Афсуски, қизингиз йўқ экан.

Прокурор ёрдамчиси суратни кўрсатиб, иккинчи хатога йўл қўйганди. Йўлакка чиқаётиб, сўради:

-Пастда, майдончада турган машина қизингизники эмасми?

-Ҳа, Умиданинг машинаси, - аёл саволдан кўзланган мақсадни дарҳол англади. — Калити ётоқдаги тошойна олдида турибди. Менимча, шахсий машинаси бор одам доим ҳам минавермаса керак!

Прокурор ёрдамчиси хонасига келибоқ кузатувчиликка қўйилган ходимни чақиртирди.

-«Объект» уйида йўқ-ку!-деди ходим кириши билан ўшқириб.

Пойлоқчи шошиб қолиб гудранди.

-Нега, нега йўқ бўлар экан, ахир машинаси турибди-ку!

Прокурор ёрдамчиси учун шу жавобнинг ўзи етарли эди.

-Эй калтафаҳм, сиз органда эмас, машиналар пуллик тўхташ жойида ишласангиз бўлар экан,-деди ва бирдан ғазаб билан бақирди,-йўқол кўзимдан, умуман бу соҳадан йўқол!

Баҳром бир кун олдин кечқурун Умиданинг илтимосига кўра Тошкентга жўнаб кетганди. Ўзи билан қамоқда бирга ўтирган икки нафар тошкетлик ошнаси бўлиб, шулар кўмагида шаҳар четроғидан ижарага уй топиши керак эди. Икки кундан кейин эса, ҳаммаёқ тинч бўлса, Умидани кеч соат бешда курант олдида кутиб олишга келишилганди. Аёл келмай қолса, бир иложини қилиб, Қозоғистон томонга ўтиб кетиши лозим эди. Умида бу эҳтиёткорликни шундай изоҳлаганди:

-Баҳром ака, «эҳтиёткорни худо ҳам асрайди!» дейишган. Бекор ҳам юрибмиз-да булбулнинг калласидай шаҳарчада. Ҳаммаёқ тинчлик бўлса, уч-тўрт кун ҳаво алмаштириб, ўйнаб келамиз. Пул бўлса етарли. Худо кўрсатмасин, ишқал чиқиб қолса, бу режамиз фақат бизнинг фойдамизга ўйнайди.

Тўғриси, йигит ҳам дам олишни жуда истарди. Айниқса, Абдор воқеаси уни қаттиқ толиқтирганди. Шу боисдан ҳам аёлнинг таклифини ҳеч бир эътирозсиз қабул қилди.

-Фақат, машинасиз боргин, номер областники бўлгани учун Тошкентнинг ментлари тўхтатавериб, ҳиқилдоққа келади,-деди танишганларидан бери ўтган бир неча ой ичида илк марта Умиданинг сочларини силаб.

Баҳромни кузатгач, аёл бироз шаҳар айланган бўлди. Йўлда ҳайдовчиликка бирга ўқиган, ўзидан уч ёш катта Хосиятни учратиб қолди. Хосият машинаси капотини очганча қўлини белига тираб турарди. Машинадан тушиб келаётган аёлни таниб, Хосият чапак чалиб юборди.

-Вой Умидагинам, асалгина ўртоғим!

Қучоқлашиб, қайта-қайта ўпишдилар.

-Нима қилиб турибсиз, Хосият опа худди дўкондаги манекенчиларга ўхшаб қўлингиз белда?

-Эй, ўлсин, оти «Тико»-ю, феъли фирт ҳакка. Бир кун қиз боладай, уч кун офироёқ хотиндай.

Иккови кулиб юборди.

-Машина ковлаш бизнинг иш эмас, келинг, шатакка оламан, - деди Умида машина томига шапиллатиб, -ёпинг офзини, яна пашша ўтириб кетмасин!

Хосият ҳам кулди:

-Трос борми?

-Топамиз, опажон, бизда эрдан бошқа ҳамма нарса бор.

Иккови қийқириб кулишиб, қўл ташлашди. Умида юкхонадан трос олди. Йўловчилардан икки йигит тўхтаб, уларга кўмаклашишди. Ўқиб юрганларида Умида Хосиятнинг уйига икки-уч марта борган, биргалиқда «шаблон» ечишганди.

Ўн дақиқа ўтар-ўтмас манзилга етиб келдилар. Хосиятнинг қайниси чиқиб, машинани гаражга киритишга ёрдам қилди.

-Бир пиёла чой ичирмасдан кеткизмайман, - деди Хосият.

Ичкарига киришди, овқат ҳам тайёр экан, кичикроқ лаганда манти келтирилди. Хосиятнинг оvsини ўз синглиси эди. Айни шу жиҳати, яна қайнонаси йўқлигидан ҳам Хосият хонадоннинг маликаси ҳисобланарди.

-Умида, - деди аёл хайрлашишдан олдин, -эртага туғилган куним, кундузи соат бирларда келинг. Эрталабдан келсангиз яна яхши.

Умида маъқул ишорасини қилди. Уйига келгач, машинасини умумий тўхташ жойига қўйиб, шошилмай хонадонига йўналди. Эрталаб кузатувчиликка келган милиция ходими «объект»нинг машинасини тўхташ жойида кўриб, хотиржам бўлганди.

Умида уйқудан тургач, юз-қўлини ювиб, пастда сут сотиб юрган хотиндан қаймоқ олиб чиқди. Кузатувда турган пойлоқчи уни кўрди ва «объект уйида» деб хабар қилди. Қаймоқ олиб чиқилиб, нонушта ҳозирланди. Она-бола нонушта қилдилар. Кейин одатига кўра хоналарни тозалаб чиқди, соат ўнларга яқин ваннага тушди. Чўмилиб чиқиб, пардозга уринди. Шанба бўлганлиги учун онаси уйда эди.

-Ҳа, тошойнага тикилиб қолибсан, қизим? -сўради Фарида.

-Ҳайдовчиликда бирга ўқиган Хосият опа бор эди-ку, таний-сизми?

-Нега танимас эканман, ўзинг айтгандек, Рекхага ўхшаган чиройли опанг.

-Ўша Рекхага ўхшаган опамнинг туғилган кунига бораман.

Пардоз-андоз-у кийинишдан кўнгли тўлгач, совға масаласи ҳал этилди. Кетишга чоғланиб турганди, кўчадан шовқин-сурон эшитилиб қолди.

-Нима шовқин?-эшик олдида туриб балкондаги онасидан сўради.

-Ўлмагур, нариги подъезддаги монтер бор-ку, яна ичиб олиб, ким биландир жанжаллашяпти. Қўлида бир қулоч таёқ ҳам ушлаб олган.

Умида: «Мен кетдим, хавотир олмай ўтиринг», деганча чиқиб кетди. Кўчага чиқиб қаради, ҳақиқатан икки йўлак нарида қўшни монтер билан уч-тўрт эркак жанжаллашиб туришарди. Умида қарши томонга бурилиб, уйни айланиб ўтганча катта йўлга чиқиб олди. Айнан жанжалкаш монтер сабаб пойлоқчиликда турган ходим аёлни кўрмай қолганди. Орадан ярим соатча ўтгач, прокурор ёрдамчиси келиб, Умидани учрата олмаганининг боиси ҳам шу эди.

* * *

ФАРИДАНИНГ кўнгли ғашланди, қандайдир нохушликни сезгандек тинчини йўқотди. Телефон рақамлари ёзилган дафтарчадан Хосиятнинг телефонини топди. Гўшакни кўтарди-ю, ўйлиниб қолди. Гўшакни жойига қўйиб, телефонни узди-да, қўшнисиникига чиқди.

-Келинг, Фаридахон,-деганча очиқ чеҳра билан кутиб олди қўшни аёл.

-Узр, Маъмурахон, бизнинг телефон ишламай қолди, бир кўнғироқ қилиб олсам.

-Бемалол.

Фарида Хосиятга сим қоқиб, туғилган кун билан табриклади. Умидани сўраганди, эндигина келиб ўтирган қизи ҳайрон бўлиб гўшакни олди.

-Қизим, меҳмондорчиликдан кейин тўғри тоғанникига боргин, мен ҳозир ўша ёққа кетаяпман.

-Хўп бўлади,-деди қизи,-лекин нима гап, тинчликми?

-Ҳа, тинчлик, сен кетгач Маҳмуджон келиб қолди, ҳозир пастда кутиб турибди, тоғанг иккимизни қандайдир маслаҳатга чақиртирибди, борсак билар эканмиз. Келишдикми қизим, уйга келиб ўтирма овора бўлиб, тўғри тоғаннинг уйига боргин.

-Хўп бўлади!

Фарида қўшнисига раҳмат айтиб, уйига чиқди. Апил-тапил кийиниб, укасининг уйига жўнади, омадига укаси ҳам уйида видео кўриб ётган экан. Ҳол-аҳвол сўрашганларидан сўнг укаси сўради:

- Умидахон қани? Ё тоғасини соғинмадимми?

-Келиб қолади, ука, ҳозир меҳмонга кетганди. У келгунича маслаҳатли гап бор.

Фарида прокуратурадан одам келганини гапириб берди. Укаси ўйланиб қолди: «Унча-мунча нарсага прокуратура ходими келмайди, мелисадан бирортасини юборади!»

-Кўрсатган суратидаги одамни ҳеч кўрганмисиз, опа?

-Умуман билмайман.

-Балки Умидахон танир?

Аёл елка қисди. Умидани кутишдан бошқа илож йўқ эди.

У шомга яқин келиб, ёш боладай тоғасининг бўйнига осилди. Бироз у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришгач, тоғаси хотини ва болаларини бошқа хонага чиқариб юборди. Уйда учовлон — Умида, онаси ва тоғаси қолдилар.

-Жиян, ишқилиб ўзинг тинчмисан? -қайта-қайта сўради тоға.

-Худога шукур, юрибман, -жавоб қилди жияни жилмайиб.

-Тинчга ўхшамаяпсан-да, -шундай деб жиянига қаттиқ тикилди.

Орага анча жимлик чўқди.

-Нега унақа деяпсиз, тоға? -сўради ниҳоят Умида билинар-билимас безовталаниб.

-Гап бундоқ, бугун сен ўртоғингникига кетгач, уйлариңгга сени излаб прокуратурадан одам келган. Қандайдир йигитнинг суратини сенга кўрсатмоқчи экан.

Умида онасига қаради.

-Мен кўрдим суратини, ёш йигит. Жингалак сочи эди назаримда, яна ўнг кўзи бўлса керак, ҳа ўнг кўзи остида нуқтадан каттароқ холи ҳам бор...

Умида бу ёғини эшитмади. Суратдаги йигит Аброр эканини билди. Лекин тан олмади:

-Билмасам, қанақа одамнинг сурати, менинг йигитлардан танишим йўқ ҳисоби. Борлари ҳам ё тепакал, ё сочи силлиқ!

Унинг қувлик қилаётганлигини тоғаси сезиб турарди.

-Опа, бизни бир пас холи қолдиринг, майлими? -деди Фаридага.

Аёл туриб чиқиб кетди.

-Жиян, мен ер тагида илон қимирласа биламан. Икки кун олдин шаҳардан бир ёш йигитнинг ўлигини олиб кетишди. Тушунишимча, сурат ўша ўлганнинг сурати бўлиши керак. Сен уни танийсанми-йўқми, бу — иккинчи масала. Фақат айт-чи, прокуратура ходими нега айнан сени сўраб келди? Чунки у ерда ишлайдиганлар аҳмоқ эмас, нима иш қилишаётганлигини яхши билишади. Тўғриси гапир, жиян, бало газак олмасдан чорасини кўрайлик!-дея тоғаси бироз жим қолиб, кейин қўшиб қўйди,-худо кўрсатмасин, сенга бир гап бўлса, онанг кўтара олмайди.

Умида ерга қараганча анча вақт индамай ўтирди.

-Тоғажон, танийман у маразни,-деди бир қарорга келгач,-кетган ўлик ўшанинг мурдаси! У мараз мени, оиламизнинг шаънини тупроққа қориган, отамнинг ўлимига сабабчи бўлган қон душманам эди. У қилмишига яраша жазосини олди,- Умида тоғасига тик қаради-ю, гапида давом этди:

-Мен прокуратура тугул, ундан каттасидан ҳам қўрқмайман. Қилган ишим учун ҳатто худонинг олдида ҳам жавоб бера оламан!

Тоға лол қолди. Улар бир неча сония бир-бирига тикилиб қолишди. Айниқса, жиянининг кўзларидаги оловни ҳис қилиб, ўз вужудида титроқ сизди.

-Нима гап ўзи, жиян? Очиқ гапиришнинг иложи борми?-сўради деярли шивирлаб.

Умида уч йил аввалги воқеани Баҳромга гапириб бергандек, тоғасига ҳам айтди. Фақат қотиллик ҳақидаги ҳақиқатни четлаб ҳикоя қилди.

-Бир ҳафтача олдин Тошкентга, «Отчопар»га ўз машинамда боргандим, кутилмаганда Аброрни учратиб қолдим. Ёлғизлигимни кўриб илакишди. Қисқаси, ўша ерда уни алдаб-авраб, Олмаликқа келишга кўндирдим. Икки кун ўтиб келди. Кейин ухлаб ётганида сездирмай оёқ-қўлини бузоқ тушовлагандек боғладим. Ўлдириб, эрталабга яқин жарга олиб бориб ташладим.

-Шунча ишни бир ўзинг қилдингми? -ҳам ҳайрат, ҳам шубҳа билан сўради тоғаси.

-Бир ўзим қилдим,-деди Умида қатъий ва қўшиб қўйди,-ҳозир бировга ишонадиган замонми, у кўзинг бу кўзингни ўйман, деб турибди-ю...

Тоға бошини эгганча узоқ ўйланиб қолди. Бир қарорга келди,

шекилли, бошини кўтарди.

-Бу гапларни онанга ҳам гапирма ҳозирча. Бугун шу ерда қоласан, Андижонда яқин дўстим бор, эртага ўша ёққа жўнайсан. Бу ёғига энди худо холиқ!

-Дўстингизни бу ишга аралаштирмаганингиз маъқул, тоға. Яхшиси, Тошкентга кетаман. Ишончли, ҳеч ким билмайдиган хонадон бор. Уч-тўрт кундан кейин қўнғироқ қиламан.

Тоға-жиян гапни бир ерга қўйиб, Фаридани чақиришди. Сўраганларга «Умиданинг қаерда эканлигини аниқ билмасликларини» айтишга келишиб олдилар. Маслаҳат тугаши биланоқ Умида тоғаси берган икки юз доллар ва юз элик минг сўмни ёнига жойлаб, тоғасининг ўғли учун яқинда олинган, ҳеч ким яшамайдиган секция-уйига кетди. Эрта тонгда эса, Ангрендан келаётган йўловчи «Жигули»да Тошкентга йўл олди. Шаҳарга кирибоқ бошқа машинага ўтирди. Бундан уч йил аввал ўзини алдаб ташлаб кетишган «Анҳор» кафесига келди. Овқатланиб олгач, кун пешиндан ўтгунча ўша атрофда, одамлар гавжум жойларда айланиб юрди, бир-икки сидра кийим, пардоз анжомлари харид қилди. Кейин яна шу кафега келиб тушлик қилди. Кундуз соат учларда курант томонга пиёда йўл олди. У ёқ-бу ёқни томоша қилиб боргунича ҳам анча вақт ўтди. Йўл-йўлакай олган кроссвордди газетасини курантга яқин бекатда тиззасига қўйиб, бошқотирма ечиб ўтирди. Соат чораги кам бешда курант остига борди. Шу чоғ хиёбон томондан келаётган Баҳромга кўзи тушди. Қора костюм-шим, оқ кўйлак, қора туфли кийиб, сочларини чиройли тараб олган Баҳром ЗАГСга кетаётган куёвни эслатар эди. Умида қўлини кўтариб силкитганди, йигит кўриб у томонга ошиқди. Масофа ярим қадамдан ҳам кам қолди.

-Мен келдим,-деди салом бериб Умида. У Баҳромнинг елкасидан қучиб, кўксига бош қўйди. Бироз сўзсиз туриб қолишди.

-Сендан қаттиқ хавотирда эдим,-деди йигит аёлнинг сочини сийпаб.

-Мен ҳам...-деди аёл бошини кўтарганча йигитга меҳр билан тикилиб,-мен ҳам сизни жуда соғиндим, Баҳром ака!

Кейин йигитнинг қўлидан тутди:

-Хавотир олманг, ҳаммаси жойида!

Умида йўлка четига қўйган чоғроқ сумкасини олмоқчи бўлганди, Баҳром жилмайди.

-Бу ёққа бер хазинангни, малика,-деди ҳазил аралаш.

Кейин биргалашиб Сирғали томонга — Баҳром кеча ижарага олган шинамгина икки хонали уйга кетишди. Уйни ўша атрофдаги маиший гуруҳларни бошқарадиган Банзай лақабли корейс топиб берганди.

Қамоқда «семейка» деган тушунча бўлиб, бир дастурхондан овқат егувчи маҳкумлар икки ёки бир неча кишидан иборат бўларди. «Семейка» жуда муқаддас саналиб, унинг аъзолари бир-бирларини беҳад қадрлайдилар. Баҳром билан Банзай бир «семейка»да бўлишган. Аброрни Тошкентдан осонгина олиб чиқиб кетишда ҳам Банзай ёрдам қилганди.

Шинамгина ижара уйни кўриб Умида севинди. Нарсаларини жойлагач, «йўл губори»ни ювиб ташлаш учун ваннага кирди.

Кийимларигача янгилаб, ўзига оро бериб чиққан аёл эртақдаги маликалардек бўлиб қолди.

Безатиғлик столдаги егуликларнинг аксари уйғурча ва корейсча бўлиб, чой — Англияники, шампан билан коньяк французларники эди.

Умида ширин жилмайди.

-Меҳмон кутишда дидингиз зўр экан, Баҳром ака. Уй танлашингизга-ку, қойил қолдим, -мебеллар-у телевизор, видеоманитофон, ҳатто қандилгача чет элники! Лекин энг ёққани — бояги кийиниб юришингиз бўлди.

-Эй, қаёқда дейсан, бу нарсаларни ошнам бериб юборибди, эрталабдан бери иккита корейс ва уйғур хотин дастурхон безашди. Уй масаласига келсак, очиги, эгасини ҳам танимайман, ошнамнинг божаси бошлаб келиб кўрсатди, кейин калитини бериб кетди. Кийимни ҳам ўшаларнинг маслаҳати билан кийдим, қўниқўшнига интеллигент одам бўлиб кўриниш учун. Лекин сенга ёққан бўлса, доимо шундай юраман.

-Менинг келишимни ошнангиз биладимиз?

-Ҳа, хабари бор, айтганман. «Ошна, сен менга қанчалик қадрдон бўлсанг, шунчалик яқин одам келадиган, фақат аёл киши», дедим.

Бу таъбир Умидага, айниқса, хуш келди. Икки сирдош, икки шерик анча вақтгача овқатланиб, гаплашиб ўтиришди. Бироқ Умида прокуратура ҳақида умуман гапирмади.

-Энди иккаламиз битта ипга боғланиб қолдик, -деди Баҳром гап орасида, -худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Лекин

сенга икки марталаб қойилман, ишонавер, бу ақлинг-у дадиллинг билан ҳар қанақа эркакка ибрат бўла оласан.

«Фанта»-ю чойдан бошқа нарсани ичмайдиган Умида бу сафар бир шиша шампан виносини деярли бир ўзи ичди. Баҳром ҳам унда-бунда кўпи билан 100-150 грамм коньяк ичарди. Лекин бу ўтиришда иштаҳаси очилиб, «Napoleon»ни охиригача ичди.

-Коньяк жуда зўр экан, -деди ширакайф йигит, -аммо яна бор очилмагани.

-Баҳром ака, очилмагани тураверсин, шундоғам яхши ўтирибмиз, -деди эркаланган оҳангда.

Йигитнинг вужудида эҳтирос жўш уриб, қони кўпира бошлади...

Баҳром уйқудан уйғонганда тонг ёришиб, соат саккиздан ўтганди. Умида аллақачон уйғониб, ювиниб, меҳмонхонани йиғиштириб, тартибга келтириб улгурган, энди нонушта тайёрлаётганди.

Йигит ваннага кириб кетди. Чўмилиб чиққанида ётоқхона йиғиштирилиб, нонушта тайёр бўлганди.

«Яхши хотиннинг бори яхши!» хаёлидан ўтказди Баҳром.

Спорт кийимини кийиб чиққанида, Умида ювиниш хонасини тартибга келтириб бўлиб, қўлларини сочиққа артаётганди, дарҳол салом бериб:

-Яхши ётиб турдингизми? -деди ердан кўзини узмай.

Баҳром аёлни авайлаб қучди. Умида ҳам йигитнинг бўйнига осилди. Узоқ ўпишдилар. Шу билан гўё тунги «шўхликлар» учун ийманиш туйғуси барҳам топди.

-Бугун ошнамнинг қароргоҳига борамиз, -деди Баҳром нонушта чоғида, -ё бошқа режа борми?

-Энди сиз нима десангиз шу, қаерга десангиз, эргашиб кетавераман. Фақат... Олдин бирорта домла топиб, никоҳ ўқиттириб олсак, Баҳром ака.

Умиданинг таклифи йигитга маъқул келди. Нонуштадан кейин кийимларини алмаштиришди — йигит кечаги куёвсифат кийимда, аёл кулранг фин костюм-юбкасини ва итальянча туфлини кийгач, йўлга отланишди.

Бу жуфтликни кўрган кишининг кўзи қувнарди...

* * *

ИККАЛА «объект»нинг бирдан йўқолиб қолиши изқуварларни шошириб қўйди. Баҳромнинг собиқ хотинини ҳисобга олма-

ганда, ҳеч кими йўқ, Умиданинг онаси ҳам, тоғаси ҳам аниқ гап айтишмади.

-Суратларини телевизордан кўрсатиб, қидирув эълон қил- сак-чи? -таклиф киритди қидирув бўлими бошлиғи.

-Нима деб эълон қиламиз, қотил дебми? Қани исбот? -жаҳл аралаш сўради прокурор.

-Бедарак йўқолган дейиш мумкин-ку, -фикр билдирди проку- рор ёрдамчиси.

-Қани яқинларидан ариза? -унга ҳам савол қайтарди проку- рор, -Баҳромнинг тириги тугул, ўлигига қуядиган одам йўқ, фа- қат аёлнинг онасидан олиш мумкин, агар ёзиб берса!..

Орадан уч кун ўтиб, Умиданинг ўзи қўшнисига телефон қилиб, онасини чақиртирди. Фарида қизига вазиятни қисқача гапириб, бедарак йўқолганлиги ҳақида қидирув бериш учун ариза талаб қилишаётганини қайта-қайта такрорлади.

Умида телефонда гаплашиб бўлгач, ташқарида кутиб ўтирган Баҳромнинг ёнига келди.

-Кетдик ижарамизга, -деди жилмайиб. Никоҳланган эр-хо- тин қўлтиқлашганча йўлга тушдилар. Уйга келгач, Умида овқатга уннади. Эрининг таъбига қараб манти тайёрлади. Ҳали аср вақ- ти бўлмасдан кечки овқат сузилди. Кейин бир соатча телевизор кўрдилар. Умида телевизорни ўчириб, пардани тортди. Хонага ним қоронғулик чўқди. Баҳромнинг тиззасига ўтириб, бўйнидан қучоқлади. Лаблар лабларга жуфтлашди...

Барвақт ётганлари учун тонг ёришар-ёришмас туриб олди- лар. Ювиниб чиққач, нонуштага ўтиришди.

-Бугун бир «Телеминора»га бормаймизми? -сўради Баҳром.

Умида жилмайди. Бошини йигитнинг кўксига қўйди. Кўзла- ридан сизган ёшини билинтирмай артиб ташлади.

-Бугун... Бугун мен Олмаликқа қайтаман, -деди Умида оҳиста шивирлаб, -қайтмасам бўлмайди.

Баҳром изоҳ сўрамади, ҳаммаси тушунарли эди.

-Сиз ҳам бу ердан кетинг, иложи бўлса, бошқа республикага. Агар ҳозир шундай қилмасак, кейин кеч бўлади, қаттиқ афсус- ланамиз, -деди Умида қатъий.

Баҳром анча ўйланиб қолди, сўнг ўз қарорини айтди:

-Умида, нима бўлганда ҳам сен — меникисан, мен — сени- киман! Бизни боғлаб турган ипни ўзимиз узмасак, ҳеч ким уза олмайди. Ошналаримга тайинлайман, ҳар қандай шароитда ҳам

сени қўллашади.

Умида шундан сўнг телефонда онасидан эшитган қидирув ҳақидаги гапни айтди. Тоғасининг турар жойини оғзаки тушунтирди. Уларни ҳам огоҳлантириб қўйишга сўз берди.

-Фақат сиз ўзингизни эҳтиёт қилинг, жоним! Сизга бир гап бўлса, менга яшашнинг қизиғи қолмайди, -деди Баҳромни маҳкам қучоқлаб.

Бир соатдан сўнг башанг кийиниб, фақат йўл учун етарли пул олиб йўлга чиқди. Ҳар эҳтимолга қарши Баҳром уни кузатмайдиган бўлди. Умида — автобекатга, Баҳром эса Банзайнинг уйига томон кетдилар...

Тушликка яқин прокурор ёрдамчисига хабар келди: «объект» уйида, кўрсатмангизни кутаман!» Ўн дақиқага қолмай прокурор ёрдамчиси Умиданинг уйига етиб борди. Эшикни Фарида очди. «Меҳмон» йўлакка кириб, иккиланиб қолганди, уй бекаси қўли билан ошхона томонни кўрсатди. Умида балконда овқатланиб, чой ичиб ўтирарди. Прокурор ёрдамчиси ўзини танитиб, ҳужжатини кўрсатди.

-Қаерларга йўқолиб қолдингиз? -гап саволдан бошланди, -биз қидирув эълон қилмоқчи бўлиб тургандик.

Умида масхараомуз жилмайди:

-Нима, бу шаҳарликлар бирор жойга кетишдан олдин сизга ҳисоб беришадими?

-Ҳеч бўлмаса онангизга айтсангиз бўларди-ку!

-Мен балоғат ёшига етган, мустақил шахсман, хоҳласам айтаман онамга, хоҳдамасам йўқ. Гапни айлантирмай, мақсадга ўтаверинг.

Прокурор ёрдамчиси суратни кўрсатди.

-Танирдим, исми Аброр бу маразнинг!

-Нима учун мараз?

-Қолган саволларга ёзма жавоб олсангиз қалай бўлар экан?

-Яхши фикр, қани кетдик бўлмаса!

Онаси ҳам бирга бормоқчи эди, Умида кўнмади. Прокурор ёрдамчиси ҳам, терговчи ҳам барча саволларга тўлиқ жавоб олдилар. Фақат Баҳромнинг бу жинойтга шериклиги ва ҳозир қаердалиги мавҳум қолаверди. Кечқурунги соат ўнгача тўрт бора сўроққа олиб чиқишди. Эрталаб прокурорга кирдилар.

-Наҳотки, шундай ўта оғир жинойтни ёлғиз ўзингиз содир этгансиз? Яна мурдани кўтариб чиқиш, машинага юклаш... Бир

Ўзингизга оғирлик қиларов! -деди прокурор.

-Одам ғазабга келганда кучи ошиб кетишини билсангиз керак, -жавоб қилди Умида, -қолаверса, мен қишлоқ қизиман, ёшлигимдан этак-этак пахта кўтариб, ўрни келса от миниб чиниққанман. Ундан кейин ўлик унчалик оғир эмасди. Ишонмасангиз, ўша ҳажм ва оғирликдаги буюмни беринг, қандай кўтарганимни кўрсатаман.

Прокурор қамоққа олиш ҳақидаги санкцияга имзо чекиб, муҳр босди.

Бирор бир далил ё гувоҳнинг йўқлиги, айбланувчининг кўрсатмалари ҳамда яна бошқа сабаб-у хулосаларга кўра «Жиноят иши»нинг Баҳром билан боғлиқ қисми чиқариб ташланди. Бунда, айниқса, тоғанинг ҳаракатлари жуда иш берди. Ҳатто «Жиноят иши» устига «Ўз айбига иқдор бўлиб келди», деган таъкид ҳам битилди. Мантиқан қаралса, аслида ҳам шундай! Зеро, адлия соҳаси кишилари орасида касбий бир ибора бор: «Қонунни бузиб бўлмайди, айланиб ўтиш мумкин!..»

Умида ҳибс этилмасдан олдинок КПЗдаги тутқунларга хабар келди: «Бу аёлни ҳурмат қилинглари ва ёрдамлашинглари!» Икки кундан кейин Тоштурмага жўнатилди. «Столипин» деб аталувчи зек-вагонда ҳам аёлнинг ҳурматини жойига қўйишди.

Турмада ҳибс этилганларни қабул қилиб олиш жойи — «Вокзалчик»данок Умидага яхши муносабатда бўлишди. Бошқаларга ўхшаб уни қип-яланғоч ечинтириб тинтишмади, олиб келган кийимларини четга улоқтиришмади.

«Монастир» деб юритилувчи аёллар корпусида уни икки нафар жувон худди эски қадрдонлардек кутиб олди. Қўлидан сумкаларини ҳам олишди.

-Бўлди, начальник, энди бу бизники! - дедилар соқчи прапорщикка. Кейин эшиги қия очиқ камерага бошлаб боришди.

-Киравер Умидочка, ўз уйингдасан!

Ичкарида яхши кийинган ёш аёл ўтирарди. Умида қўлини ювиб, янги рўмолчага артди, сўнгра унинг ёнига бориб ўтирди. Ўртада турли ноз-неъматлар қўйилган стол турарди.

-Сен Умидасан, бу Лайло, бу Кумуш, мен Юлдузман, сенсираб гаплашамиз, келишдикми?

-Гап йўқ, -деди Умида Лайло узатган чойни олар экан.

-Ўзинг ҳақингда гапириб ўтирма, «прогон» келган. Лекин қойил, мужиклар ҳам беш кетишди, -деди Юлдуз кулиб, -аммо жуда

қотиргансан, унақа тварларнинг бошини эмас, эркаклигини кесиш керак.. бунақаси ҳали бўлмаганди. Бу ёғидан кўнглинг тинч бўлсин, билиб ишингни қил, дуч келган одам билан гаплашаверма. Кам гапир, кўпроқ эшит, қолганига мен ёрдам қиламан. Зонада ҳам ўзим кутиб оламан сени! Ҳозир йўл юриб келгансан, бироз ётиб ухлагин.

Бир ҳафта ичида Умида турмадаги паст-баладни билиб олди. Айниқса, ўзаро сўзлашув тили-жаргонни яхши ўзлаштирди. Энг муҳими «иш» бўйича «прицеп»сиз ёлғиз кетаётганидан жуда севинарди.

Баъзи сабабларга кўра суд бироз орқага сурилди. Қамалганига бир ойдан ошганда, бир куни кўнгли айнаиб, қайт қилди. Корпус врачига ҳам қаноат қилмай, тиббий бўлимга олиб чиқилди. Уни эътибор билан текширган доктор аёл:

-Табриклайман, она бўласиз,-деди жилмайиб,- иложи борича тезроқ бу ҳақда адвокатингизни хабардор қилинг. Ўзингиз учун яхши!

Юлдуз кетгач, Лайло билан Умида биргаликда унинг ўрнига ўтдилар. Янги келганларни кутиб олиш, кўмаклашиш каби юмушлар икковининг зиммасида эди. Суд арафасида адвокати яна келди.

-Тез кунда суд бўлади,-деди ўсиқ қошларини сийпаб,-энг асосийси, сира асабийлашманг, ўзингизни ва туғилажак фарзандингизни ўйланг. Энди мана буни ўқиб, қисқача жавоб ёзиб беринг.

Адвокат кўзойнак филофидан найча қилиб ўралган ва целлофан билан ёпилган қоғозни узатди. Умида шошилмай қоғозни целлофандан чиқариб олди. Негадир ҳаяжонланиб юраги тез-тез урарди. Қоғоз ўрамини ёйди. Бу- Баҳромдан хат эди.

«Салом, жонимдан ҳам азиз бўлган Умидагинам!..» Умида-нинг кўзларидан ёш қуйилиб, нигоҳлари хиралашди. Кўзларини энги билан апил-тапил артганча қайтадан ўқий бошлади: «Салом, жонимдан ҳам азиз бўлган Умидагинам! Тириклигимнинг сабабчиси, суюкли умр йўлдошим! Мен умримда йиғлаган эмасман, аммо ҳозир негадир кўз ёшимни тўхтата олмаяпман. Жоним! Соғлиқларинг яхшими? Мен учун энг муҳими-сенинг соғлигинг! Умидам! Мендан сира хавотир олмагин, ўзингни ва туғилажак фарзандимизни авайла!

Сени севиб, соғиниб-соғиниб кутиб қолувчи...»

Хат нега қисқа, анча содда ёзилганлигини аёл яхши тушунар эди.

Адвокат қўшимча изоҳ берди:

-Эрингиз бир ҳафта олдин бошқа ўлкадан келибди. Тижорат ишлари билан кетганини биларкансиз. Бу воқеаларни ошнала-ридан эшитибди. Ҳозир ўз уйида, бежавотирлигини айтиб юборди, -деб адвокат айёрона жилмайиб қўйди.

Умида ҳам қисқача жавоб ёзди:

«Суянган тоғим, юрагимнинг мадори! Хатингизни ўқиб, тинч ва соғ эканлигингизни билиб, хурсандлигимдан йиғладим. Сиз ҳам мендан хавотир олманг, ўзингизни авайланг! Бу кунлар ўтиб кетади, биз яна бирга бўламиз! Сизни севиб қолувчи Умидангиз».

Хатни буклаб адвокатга берди. Кейин оғзаки тайинлади.

-Тайинлаб айтинг, судга келмасинлар, умуман, мен қутулиб чиққунимча ошналари билан тижорат ишида бўлаверсинлар. Онамга, тоғамга мендан салом айтинг, сира хавотир олишмасин.

Суд ёпиқ ҳолда олиб бориладиган бўлди. Шу боисдан ҳам залга санокли одамлар киритилди: Умиданинг онаси, тоғаси, марҳумнинг фақат холасигина келганди.

Ўзига қўйилган айбловни Умида тўлиқ тасдиқлади. Берган кўрсатмаларини мутлақо инкор этмади. Гаплари дадил, ишонарли эди. Даъвогар томон деярли ҳеч қандай талаб қўймади. Охирги сўз берилди.

-Мен жиноят содир этганимни тўлиқ бўйнимга оламан, -деди Умида қисқагина сўзлаб, -лекин тушунинглар, бу ишни ўзим хоҳламаган эдим. Аммо марҳумнинг ўзи «Отчопар бозори»да мени бир буюм ўрнида кўриб муомала қилиши, қабих ниятда мен яшаб турган шаҳарга келиши мудҳиш йўлга бошлади мени. Агар ўлдириш қасдим бўлганида, ўша пайтлардаёқ ўлдирад эдим. Жазо тайинлашда шу жиҳатни алоҳида эътиборга олсангизлар!

Уч кун давом этган суд жараёни ниҳоясига етиб, ҳукм ўқилди. Барча жиҳатлар эътиборга олиниб, шунингдек, жиноят-процессуал кодексининг 57-моддаси қўлланилиб, ўн йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Орадан етти ой ўтиб, Мустақиллик байрами муносабати билан мамлакат Президентининг «Амнистия тўғрисида»ги Фармо-

ни эълон қилинди. Айнан шу куни колония туғруқхонасида Умиданинг кўзи ёриди — ўғил кўрди. Чақалоққа ОЗОДБЕК деб исм қўйдилар...

ОЙ ЙИФЛАГАН ОҚШОМ

Гиёҳвандлик иллоти ва асоратлари, айниқса, «игна учидаги ажал»- героиннинг касофатлари хусусида алоҳида изоҳга ҳожат йўқ! НАРКОМАНИЯ сўзи таржимада: «нарке» - онгнинг тундлашуви; «мания» - ўчлик деган маъноларни англатади. Булардан энг хавфлиси ва бедавоси гиёҳвандлик эритмасини инъекция шаклида шприц орқали томирига юборадиган наркоманлардир. Бундайларни «ТИРИК МУРДА» дейдилар. Ундай кимсаларда инсонга хос фазилатларнинг бирортаси мавжуд эмас. Ўз аёли, синглиси ва, ҳатто қизига қўшмачилик қилишдан; ўз отаси, ака-укасига хиёнатдан тоймайди бундай кимсалар. Бу тоифа учун ягона муқаддас нарса - ГЕРОИН!

— Гапир, тўғриси айт, билагузукни нима қилдинг? Қайси ўйнашинга бериб юбординг, гапир? — Замира ғазабдан бўғриққанича оғироеқ келинини юзи демай, кўзи демай қўшқўллаб тўхтовсиз муштларди.

Покиза бир қўли билан бошини, иккинчи қўли билан қорнини ҳимоялашга уринар, лекин суяги йўғон қайнонанинг мушт залвори анча кучли эди. Келин чўккалаганча қайнонанинг оёқларидан қучоқлаб олди-ю, ёлвора бошлади:

— Ишонинг, аяжон, худо ҳақи ишонинг, мен ҳеч қандай билагузукни олганим ҳам, кўрганим ҳам йўқ.

Ғазаб олови бойлик ҳирси билан қоришиб, Замиранинг инсоний фикрлаш қобилиятини куйдириб ташлаганди. Уни келинининг оху ноласи ҳам, ҳомиладорлиги ҳам қизиқтирмасди.

— Билагузук қани, айт, яшашни истасанг, тўғриси гапир, мегажин, — баттар авжига чиқди қайнона.

— Нега ишонмайсиз, аяжон, ҳомилам ҳақ-ҳурмати ишонинг, аяжон, мен...

Покиза илтижосини тугата олмади. Замира бор оғирлиги билан ўзини унинг устига ташлаб, босиб тушди.

— Ўзингни ҳам, ичингдаги итваччангни ҳам эзиб ташлайман

сен таги пастнинг!

Келиннинг зору нолиши фалакка етдими, ҳайтовур шу вақт девор қўшни аёл чиқиб қолди. Ҳовли юзида юмалашиб ётган қайнона-келинга кўзи тушди-ю, бир лаҳза тўхтади. Сўнг:

— Вой шўрим, бу нима жиннилик, ахир, у ҳомиладор-ку... — деганча югуриб келиб Замиранинг билагига ёпишди. Жон ҳолатда тортганди, қайнона чалқанчасига ағдарилди. Қўшни аёл келиннинг қўлтиғидан тутиб, авайлаб ўзига тортди, кейин суяб, туриб олишига кўмаклашди.

— Ҳе, башаринг қурсин, ёсуман, — деди ўрнидан турган Замирага нафрат билан ўқрайиб, — нари тур!

Қўшни аёл Покизани авайлаб бир қўли билан қўлтиғидан, иккинчи қўли билан белидан тутиб, ётоқхонага кирди. Келинни ўрнига ётқизиб, сочиқ хўллаб келди. Покизанинг мушт зарбидан ёрилган лабини, ёноқларини, бўйнида қотган қонларини артди. Пешонасига сочиқни босди. Яна ҳовлига чиқиб, айвон четида турган чойнакни олиб қайтди. Келин титраб-қақшаб икки-уч хўплам илиқ чой ичди.

— Ҳаҳ қўлинг сингур, жодугар, — ҳовли томонга қараб қарганди қўшни аёл, — қўлгинанг синсин-а, сен бўҳча-қўнғизнинг.

Замира маҳаллада фақат шу қўшнисини- Нозимадан ҳайиқарди. Тўғрисўз, чўрткесар бу аёл билан ҳатто анча-мунча эр-йигитлар ҳам ўйлашиб гаплашар эдилар.

— Нозима хола, — деди Покиза кўзларида ёш билан ҳазин овозда, — сиз эшитинг, худо ҳаққи, аям йўқотган билагозукни мен олганим йўқ, худо ҳаққи!

Қўшни аёл чиқиб кета туриб Замирага газаб билан тикилди:

— Эшитиб ол, молпараст, худо кўрсатмасин, агар Покизага бир гап бўлса, нафақат онангни, етти пуштингни учқўрғондан кўрсатаман!

Замира индамади. Айни чоғда гап ташлаш оловга мой қўйиш билан баробар эканини сезиб, бир сўз айтмади...

* * *

Покиза ота-онасидан эрта етим қолганди. Аксига олиб, она томон қариндошлари бошқа республикада, бу ерда отасининг ёлғиз синглиси бор эди. Ака хотираси учун жиянини шу аммаси олиб кетди. Покиза аммасининг оддийгина, анча камхарж рўзгорли оиласига еттинчи фарзанд бўлди.

14 ёшидан ўқишни тўхтатди. Аммасининг ёнида юриб, чоғ-

роққина ошхонада идиш ювиша бошлади. Шу зайлда уч йилдан ортиқ идиш ювиб, ошхонада сабзи, пиёз, картошка артиб юрди. Жуссаси кичикроқ бўлса-да, ҳусни бир жаҳон Покиза ҳатто ошхонанинг кирланган, жомакор-халатида ҳам гулгун кўриниб, бўй етди. Ўша кунларда институтда сиртдан ўқийдиган бир йигит Покизага тикилиб туриб, шундай гап қотди:

Сиз ўн бешинчи асрда Хиротда ҳам яшаган бўлсангиз керак.

Қиз бу сирли эътирофдан ҳайратланиб, саволомуз қараб қолди. Йигит қулимсираб изоҳ берди:

— Алишер Навоий ҳазратлари ўз форсий ғазалларидан бирида шундай деганлар:

Нэгор-э турку тожэкам кўнад сад хонэ вайрона

Ба-дон мэжгон-э тожэконаву чэшмон-э туркона!

Яъни:

«Турку тожик нигорим айлагай юз уйни вайрона —

Ўшал тожикча киприклар, ўшал кўзлар-ла туркона!»

Сизни ҳар кўрганимда бу байт ёдимга келаверади ва назаримда, сиз ўн бешинчи асрда яшагансиз-у, улуғ шоир бу изҳорни айнан сизга қараб ёзгандек туюлади.

Йигит ҳар куни келар, чой ичиб ўтирган кишидек баъзан соатлаб кетмасди.

Етимлик, устига устак фақирона шароиту идиш ювувчилик иши Покизани руҳан сиқиб, анча одамови қилиб қўйганди. Қиз имкони қадар ўзи сезиб-сезмай одамлардан тортиниб юришга ҳаракат қилар ва кўпинча шунга эришарди ҳам. Шу орада ошхона хўжайини кенжа ўғлини уйлантирди. Тўй куни ошхона ишчилари оҳорли оқ халату бош кийимда хизматда турдилар. Покиза ҳам тўй бошланганидан қўлида патнис тутиб, қудалар ўтирган уйга хизматда бўлди: чой, овқат ташиди, бўшаган идишларни олиб кетиб, ювиб берди. Қиз ҳар жихатдан ўз номига мувофиқ эди. Лекин ҳалолу табиатан тортинчоқ одамнинг бу ўрқачмонанд ташвишли дунёда тинчгина яшаши қийин. Айниқса, қиз бола, боз устига, етим бўлса! Ошхона хўжайинининг уйидаги тўйдан сўнг уч ёки тўрт кун ўтганди. Қандайдир меҳмонлар келишлари сабабли аммаси ишга чиқмади. Шу куни қиз икки киши учун ишлади. Иш тугар арафасида ошхона хўжайини чақиртирди.

— Мана буни амманга бер, — деди белидан боғлиқ бир даста пулни узатиб, — ҳозир эшик олдига чиқсанг, сариқ «жигули» турибди, рўзғор учун озроқ ул-бул ортилган, уни ҳам ам-

мангга олиб бор.

Табиатан бўйсунувчан Покиза «хўп бўлади»ни икки-уч қайта айтиб, чиқиб кетди. Аммаси кутиб ўтирган экан чоғи, хуш-хандон қаршилади. Қиз одатига кўра кийимини алмаштириб, юзқўлини ювгач, емакхонага кирди. Хона ўртасидаги тўкин дастурхонни кўриб, ҳайрон қолди. Ўн йилдан ортиқ яшагани бу оилада ҳали бундай тўкинликка дуч келмаганди. Бир пиёладан чой ичилиб, бир ликопчадан қазили норин ейилди, сўнг поччаси томоқ қириб, ўрнидан кўзғалди, болалари ҳам эргашиди. Хонада қиз билан аммаси қолдилар.

— Ол, қизим сомсадан егин, жуда мазали бўлган экан, — мулозамат қилди аммаси.

— Еяпман, амма, — деди Покиза, кейин оҳиста сўради, — меҳмонлар келишдимми, кимлар?

Аммаси бироз жим қолди, салфетка-сочикни гоҳ ёйиб, гоҳ тахлаб, секин жавоб қайтарди:

— Меҳмонларми, қизим, келишди. Яхши одамлар экан, сенга келишибди.

— Менга? — ҳайратланди қиз.

— Ҳа, қизим, сенга келишибди совчи бўлиб. Ёлғиз ўғил экан, институтда ўқиркан, отасиз ўсган экан йигит бояқиш...

«Совчи» сўздан бир қалқиб тушган Покиза «институтда ўқиркан»ни эшитиб, беихтиёр ҳаяжонланди. Хаёлига шеър ўқиб берган йигит келди: ўз хаёлидан ўзи қизариб уяганидан тили калимага келмай қолди.

— Энди қизим, бу нарса Одам Атодан мерос. Худога шукр, эс-ҳуши бутун, келишган қизсан. Келганлар тушунган одамлар экан, ҳатто истасанг, техникумда ўқитишар ҳам экан. Йигит сени анчадан бери кўриб кузатиб юраркану, ўзинг билан гаплашишга тортинаркан. Бу ҳам унинг фазилати. Хуллас, йўқ дея олмадим. Патир синдирдик. Юзимни ерга қаратма, қизим. Сени яхши жойга узатиб, акам раҳматлининг арвоҳини шод қилай!

Амманинг кўзларидан ёш сизди. Отасини эслаб, беихтиёр Покизанинг ҳам кўнгли бўшашиб, кўзига ёш келди.

Гарчи патир синдирилган бўлса-да, таомилга кўра бўлғуси келин-куёвларни учраштиришди. Келишув бўйича улар кўришиб, ЗАГСга ариза беришлари керак эди. Покиза билан аммаси бирга чиқди. Айтилган вақт ва белгиланган жойда қиз бўлғуси умр йўлдошини илк бор кўрди.

— Ҳув анави кувемиз, — деди аммаси боши билан ирғаб бронза ранг «Нексия»га суяниб турган йигитни кўрсатиб, — ёнидагиси у куни бизнинг уйга келган холаси.

Йигитга кўзи тушдию, Покиза тўхтаб қолди. Қиз негадир Навоидан байт ўқиган йигитни эслади ва хаёлидан ўтказди: «У эмас-ку!..»

Сардор Покизани ўша тўй куни кўрган ва ёқтириб қолганди. Онасининг мўлжалидаги қизларни рад этиб, шу қизга уйланишини айтиб, гапида туриб олди. Кайвони Замиранинг ўғлига қилган панду насиҳатлари, ҳатто ота арвоҳини ўртага қўйиши ҳам кор қилмади.

— Гап тамом, ая, — деди Сардор, — мен шу қизга уйланаман, насиҳатни туғилажак неварангизга асраб қўйинг.

«Феъли туққанига маълум» — ўғилнинг гапи шу маҳалгача иккита бўлмаганди. Она чор-ночор розилик берди. Ошхона хўжайини Замиранинг эски таниши, ёшлиқдаги жазмани эди.

— Гап йўқ, — деди аёлнинг оҳини эшитиб, — лекин «посудамой»чини келин қилиш... Қандай бўларкин? Дўст-душман дегандек...

— Бўлди қилинг, эговмисиз?! Кўнгли кетибди, майли, 3-4 ой давр сурсин, буёғи бир гап бўлар. Менинг ҳам ташлаб қўйган обрўйим йўқ...

— Бир айтдим-да...

— Ким-ким, сиз айтмай қўяқолинг, ўзингиз ҳам тирикчиликни фаррошдан бошлагансиз... Ҳозиргингиз адашмасам тўртинчиси, иккинчингизни «карночистка»дан топгандингиз.

Хўжайин жим бўлди. Замира эса гапни яқунлади.

— Ўғлим бир яйраб олсин, кейин битга тагли-зотлигини топиш иш эмас. Сиз буёғини тезлаштиринг!

Тўй кутилгандек дабдабали эмас, эл қатори ўтди. Ҳатто келинга қўйилган сарполарнинг асосийлари — қимматлари омонат экан, ҳафта ўтмай эгалари олиб кетишди. Шу орада «омонат итальян этиги»нинг эгаси ҳам келди. Покиза дастурхон тузаб, ошхонада овқатга уннади. Ҳеч кутилмаганда қайнонасининг гапи қулоғига чалинди.

— Ўргилай, Сарвара бону, нима, мен аҳмоқманми тагзоти номаълум бир етимга ёнимдан сарпо қилиб, — гап уқтирарди қайнонаси меҳмон аёлга, — бу нарсалар эл кўзига эди, айланай.

Этик эгаси инсофли экан, бу гапни маъқулламади:

— Қўйинг эгачи, тахтини эмас, бахтини берсин. Келинингиз ойдеккина, одоби ҳам ҳуснидан камга ўхшамайди. Сардорбек хотин танлашда янглишмаган, диди бор экан. Бу нарсаларнинг ҳаммаси топилади. Ана, Маъмура отин нима бўлди, тагли-зотли деб, ўғлига прокурорнинг қизини келин қилганди. Сарпони-ку айтмай, ўзингиз кўргансиз. Оқибат, мақталган келин қиз чиқмади. Ҳам молига куйди, ҳам обрўйига... Ношукр бўлманг, Замира бегим!

Сарвара овқат пишгунча ўтирмади. Омонатини олди-ю, иши шошилиш эканини айтиб жўнаб қолди.

Қайнонаси айтган гапдан Покизанинг хўрлиги келди. Ётоқхонага кириб, ичи-ичидан эзилиб йиғлади. Қанча ётди-билмади. Ташқаридан қайнонасининг шанғиллаши уни хушига келтирди.

— Юки енгил эшак ётагон бўлади, дейишган. Бу келин ётагонмижоз чиқди. Келганига ҳафта-ўн кун бўлмай, бошқоронғи хотиндай ухлайди.

Покиза шоша-пиша югуриб чиқди. Ҳовлида қоғоз халта қўлтиқлаган эри онасининг гапига бепарво турарди. Салом берганча эрининг қўлидагини олиб, айвон томон одимлади. Юриб бораётиб хаёлидан бир ўй кечди: «Қизик, Сардор акам жуда галатида, қачон қараса, маст одамдек кўзлари қизарган, унча-мунча гапга парво ҳам қилмайди. Лекин шу ... баъзан ҳеч кимдан тортинмай қашиниб ўтиришлари галати. Яна оғзида сигарет, гоҳо мудраб қоладилар. Ё ишлари офирмикан? Йўғ-ей...»

Шу зайл орадан беш ой ўтди. Покиза юкли бўлган. Сардор эса кескин ўзгарган — қандайдир баджаҳл, гап уқмас... Айниқса, эрталаблари титраб-қақшаб, арзир-арзимасга сўкиниб, дуч келган нарсани отиб қоладиган одат чиқарганди. Покиза бир куни:

— Сардор ака, асабларингиз толиққанми-ей, шифокорга қаратиб кўринг, ўзим бирга бораман, — дедию, балога қолди.

Безовталаниб, титраб ўтирган эри сапчиб турдию, Покизани зарб билан урди. Нима гаплигини англаб етгунича яна кетма-кет мушт еди. Ўшанда уч ойлик келин эди. Айнан ўша воқеадан кейин яна беш-олти марта калтакланди. Лекин ичига ютди. Нима қилсин, осмон-узок, ер-қаттиқ!

Бир ҳафта олдин фианит кўзли зираги йўқолганди. Роса излади, тополмади. Эрига айтганди, Сардор қорнини қашиганча кўзларини ҳам очмай, лоқайд жавоб қилди:

– Бирор жойга қўйгандирсан, чиқиб қолар, топилмаса бошқасини олиб бераман.

Эри узоқ қашинди, қўшқўллаб бошини, ияги остини, бада-нию оёқларининг тагигача қашиди. Кейин пешонаси тиззасига теккудек бўлиб, хуриллаганча ухлаб қолди.

«Нима бало, қичима бўлганми?» – ўйлади Покиза. У фақат ўй билан чекланарди, холос...

Бугун эса билагузук – қайнонасининг Амир Олимхон даврида ясалган мерос билагузуги йўқ!

Калтак зарбидан танаси, туҳмату хўрликдан қалби жароҳатланган Покиза ҳам алам, ҳам хўрлик исканжасида тўшақдан туролмай қолди. Тун ярмидан ўтганда кўнгли айниб, безовталиги кучайди. Бир амаллаб ўрнидан турганди, боши айланиб, чўккалаб қолди. Кейин аста эмаклаб эшикдан чиқиб ҳовлига йўналди. Саҳндаги гулзор четига етар-етмас қайт қилиб юборди. Кетмакет ўхчиди, яна қусди. Шу вақт айвон чироғи ёқилиб, қайнонаси кўринди:

– Ҳа таги паст ўғривачча, қоронғуда билагузукни кўмган ерингни тополмаяпсанми?

Замира эс-ҳушини буткул вазаб қўлига тутқазган, хонадонига лойиқ бўлмаган етим келинга нисбатан нафрати эса вазаб ўтига керосиндек куч берарди.

Покиза бошини хиёл кўтарсада, қадини тиклай олмади. Нимадир демоқчи бўлди, лекин ўхчиқ йўл бермади. Бу орада қайнона калхатдек унинг тепасига келиб олганди:

– Гапир, билагузук қаерда?

– Аяжон, худо... Худо ҳақ...

Покиза гапиришга улгурмай, ўхчиқ тутиб қайт қилди. Кутилмаганда дарвоза тақиллади. Замира аввал тек қотди, кейин йўлакка шошилди.

– Ким у?

– Очинг, ая!

Сардорнинг овозини таниб, зулфинни туширди, сўнг қулфни очди. Кўзлари ярим юмуқ ўғил ичкарига кириб, икки-уч қадам юргач, таққа тўхтади.

– Иййя, бу нима янгилик? – сўради қўлини Покиза тарафга бигиз қилиб.

– Ўвв бола, танлаб-танлаб топган тозинга айт, яхшиликча

билагузукни берсин, йўқса бурда-бурда қилиб ташлайман бу таги пастни, — деб ўғлини силталади Замира.

— Нима, билагузукингни... Билагузугингизни олибдими? — Сардор қизариб, қисилган кўзларини Покизага қаратди.

— Олса гўрга эди-я, ўғирлаб, йўқ қилган бу жувон ўлгур. Амир Олимхон даврида ясалган, ҳозир камида 20 минг доллар турадиган мерос билагузук!

«Йигирма минг доллар»ни эшитган Сардор бир зум анграйиб қолди. Кейин бирдан хотинига ташланиб, тепкилай кетди. Покиза юзтубан ётиб қолган, фақат «Эй худо!» деб зорланарди.

Сардор аёвсиз тепкиларди.

— Энди бир-икки кун оч қолдирсак, билагузук топилади, — деди хансираганча тепкилашдан тўхтаб.

Онага бу гап маъқул келди. Икковлашиб ҳушсиз ётган Покизани ҳужрага судраб бордилар. Кейин ҳужрага киритиб, устидан қулфлаб қўйишди...

Бу бешафқат воқеа юз берган тунда қўшни аёл Нозима уйда йўқ эди. Кундузги жанжалдан сўнг бетоб ётган синглисини кўргани қўшни туманга кетганди. Эрталаб қайтди. Кун пешиндан ўтганда Замиранинг дарвозасини қоқди. Кундузлари доим очиқ бўлгучи эшик ичкаридан қулфланганди.

— Ким у? — Замиранинг овози эшитилди.

— Мен, оч-ей эшигингни, — деди Нозима.

Ичкарига киргач, қисқагина сўрашиб:

— Хамир тахта билан ўқловингни бер, бизники чирк босиб кетибди, — деб кулди.

Замира шоша-пиша ўқлов-тахтани олиб чиқди.

— Покиза кўринмайдими? — сўради Нозима.

Замира бироз каловландию, мужмал жавоб қайтарди:

— Ҳа, шу... кетганди, поччасими касал экан... кеча кечқурун кетганди...

Замиридаги безовталик, олазарак қараш, айниқса, ҳужра томонга кўз ташлаб каловланиши Нозиманинг хавотирини кучайтирди.

Уйига қайтдию, кўп ўйлаб ўтирмай дўконга югурди. У ердан милицияга телефон қилиб, шубҳаю тахминларини айтди.

Орадан ўн дақиқача ўтиб, туман ИИБнинг ходимлари етиб келишди...

Покиза тирик, лекин аянчли бир аҳволда эди. Шошилишч «жон-

лантириш бўлими»га ётқизишди, лекин вақт ўтганди. Бегуноҳ келин шифохонада бир неча сониягагина ҳушига келди. Ва шу сонияларда Аллоҳнинг бандалари ҳузурида ҳам ўз-ўзига оқлов сўзларини айтиб улгурди.

— Аяжон, худо ҳақи, мен олганим йўқ билагузукни, худо шохид!.. — деган сўзлари Покизанинг ҳаёт билан видолашуви бўлди.

Бир нуқтага тикилганча очиқ қотган кўзларнинг кенгайган қорачиқларида ҳаётга тўймаган аёл билан ёруғ дунё юзини кўришдан буткул умидини узган бир парча эт — ҳомиланинг армонли сиймоси муҳрланиб қолгандек эди гўё...

* * *

Тергов ҳибсхонасида аъзойи бадани қақшаб, гужанак бўлиб қолган Сардор фақат бир нарсани ўйларди:

«20 минг доллар, билагузук, йигирма минг доллар-а! Ҳа мараз, барийга бор-йўғи беш грамм берди... Қани энди ҳозир уч точка раствор бўлсайди...»

Сардор инграб ўрнидан турди. Бурнининг тўхтовсиз оқиши, яна ичкетарлик икки кунда уни адо қилганди.

Камерадагилардан бири гап қотди:

— Ҳа, хумор қиляптимми?

Жавоб ўрнига ҳожат жойидан қаттиқ инграш эшитилди...

Прокуратура терговчиси эринмаган хилидан экан. Навбатдаги сўроқда Сардор жазавага тушиб қолди:

— Начальник, хоҳласанг сўй, хоҳласанг ос, лекин тўрт-беш кун тинч кўй, хумордан чиқиб олай. Бўлмаса ўлиб қоламан.

Терговчи пинагини бузмади.

— Билагузук қаерда?

— Барийгага героинга алмашдим, беш граммга... Вой жоним-ей...

— Ўша героинфуруш барийганинг манзилини айт!

Сардор жавоб ўрнига гужанак бўлиб ётиб олди. Сўнг инграб, типирчилай бошлади.

Терговчи шифокор чақиртирди. Шифокор келгач, Сардорга деди:

— Агар манзилини айтсанг, тинчлантирувчи укол оласан.

— Бешинчи микрорайон... Уй номерини билмайман, бир қўли йўқ, лақаби «Герой».

Уколдан кейин бироз энгил тортган Сардорни камерага олиб кетишди. Терговчи вақтни ўтказмай прокурорга кириб тинтув

учун ордер олиб чиққач тезкор гуруҳ «Герой»нинг изига тушди.

— Билагузук қандай кўринишда эди? — сўради терговчи Замирадан икки нафар холис иштирокида.

Аёл худ-бехуд, чала-ярим бўлса-да, таърифлаб берди. Терговчи стол устига бир неча фотосурат ташлади.

— Қаранг-чи, шу суратларда борми билагузугингиз?

Замира адашмай бир суратни кўрсатди. Терговчи сейфдан билагузукни олди. Аёл довдираган кўйи ҳайрат аралаш сўради:

— Вой, худди ўзи, топилибди-да, қаерда экан?

Терговчи баённома тўлдириб, холислар имзо чекишгач, саволга жавоб қайтарди:

— Ҳозир биласиз, қаерда эканини.

Навбатчи милиционер Сардорни олиб кирди. Тергов жараёни мўлжалланганидан кўра тезроқ тугалланди.

«Айбланиш фикри» кутилаётган кунларнинг бирида Сардор ҳожатхонага кирди, бироз ўтиб икки-уч қайта ингради.

— Яна хумор тутиб, ломка бошланди, шекилли, — деди маҳбуслардан кимдир.

Орадан ўн дақиқа ўтса-да, Сардор чиқавермади. Камерадошлардан бири бетоқатланди:

— Бўла қолсанг-чи, чўкиб кетдингми?

Жавоб бўлмагач, ичкарига мўралади. Бирдан:

— Мужики, анави томи кетган ўзини кесиб ташлабди, — деб бақирди.

Дарҳол навбатчини чақиришди, кетма-кет шифокор келди.

— Тирик, — деди шифокор, — уч еридан кесибди: қорни, билагининг икки жойидан.

Сардорни икки кун даволашди, сўнг беш сутка карцер билан «сийлашди».

У мўлжални тамоман йўқотганди. Унинг қаршисида икки йўл турарди: ё руҳий касал деган ташхисни олиш, ёки ўз жонига қасд қилиш.

Карцерга тушган кун тундаёқ бошини бетон деворга зарб билан урди. Учинчи ё тўртинчи зарб урилишдан сўнг юз-кўзи қонга беланиб, беҳуш йиқилди. Изолятор назоратчиси шифокорни чақиртирди. Охир-оқибат қайтадан текшириш учун ёпиқ турдаги руҳий касалхонага жўнатадиган бўлишди.

Иккинчи ва биринчи қаватлар оралиғида Сардор зинадан тушаётиб, ўзини боши билан ташлади. Шифокор етиб келганида

бошидан оққан қон Сардорнинг очиқ қолган кўзларида қотиб улгурганди...

Ўғлининг ўлганини Замира суд куни билди. Бир нуқтага тикилиб турганича узоқ сукутга чўмди. Кейин бирдан бор овози билан беўхшов кула бошлади:

– Йа-ҳҳа-ҳа-ҳа, Сардор... Ҳ-ҳа-ҳа-ҳа... Ўғлим Сардор, кел, топилди билагузук, кел Покизани... Йа-ҳҳа-ҳа-ҳа... чақир хотинингни, топилди қурмағур билагузук...

Судлов ҳайъати бир соатча кутди. Замира гоҳ кулар, гоҳ йиғлар, гоҳ яхши сўзлар айтар, гоҳ қарғанарди. Ноилож, шифокорга мурожаат қилдилар.

Қарийб ярим йиллик муолажа ва махсус тиббий текширувдан сўнг Замира ёпиқ турдаги руҳий касалхонада қолдирилди.

МУҲАББАТНИНГ МУНГЛИ ҚИССАСИ КРИМИНАЛ – ФОЖЕАВИЙ ҲИКОЯ

*«Ҳақиқат кутиб тураверади, чунки у қаримайди,
доимо навқирон; эҳтимол, уни таниб ҳам қолишар!»*

Ж.Гюго

СУД ҳукми ўқилди. Шоҳрух тамоман тилдан қолганди. «Наҳотки? Қайси гуноҳим учун бу шафқатсиз ва ноҳақ айблов, қаттолона ҳукм? Энди мени отишади... Наргизага етти йил! Нима учун?..»

Шоҳрух кўлига урилган кишаннинг силтанишидан ўзига келди. Судьяга қаради. Гарчи ҳеч қандай хавф бўлмаса-да, судьяни уч нафар милиционер ўраб турар, икки нафар соқчи қафас эшигини очгач, Шоҳрухнинг орқага кишанланган қўллари юқорига тортиб, қаддини икки буклагудек ҳолда суд залидан гўё югуртириб олиб чиқиб кетди. Шу чиққанча «Тигрятник»ка эмас, тўғри зек-машина — «Воронок»ка тиқишди. «Воронок»нинг ҳам «Оди-ночка» дейилувчи тор, темир бўлмасига, кишанланган кўйи қамаб, огоҳ товушни чинқиртирганча қамоқхона томон елиб кетдилар.

Шоҳрухни суд залидан зек-машина томон олиб бораётганларида йўлақда ҳассага таяниб, бир бурда ҳолда ғарибона турган ОНАсига кўзи тушган эди. Сониянинг ўндан бир улушига тенг лаҳзадаги шу нигоҳ ОНА сиймосини ўғилнинг кўзларига муҳрлаб қўйгандек бўлди.

«Онагинам, оҳ, менинг муштипар ОНАгинам! Бу ҳукм – ноҳақ жазо менинг жиноят содир этганим учун эмас, балки камбағаллигимиз учун берилди. Агар... агар терговчи сўраган пул-порани бера олишга қурбимиз етганида, менга қотил деган айблов эмас, балки... нари борса, беш йил озодликдан маҳрум этувчи енгилроқ модда қўйилар эди. Ўз тилию ҳаракатини жиловлай олмаган бир ифлосдан ноҳақ ҳақорат эшитган бўлгуси келинингиз Наргиза ҳам етти йилга қамалмас эди, онагинам!»
— деган ўй кечди Шоҳруҳнинг хаёлидан. Кейин ҳукм ўқиладиганида ҳимоя учун атрофига милиционерларни соқчи қилиб олган пингвиннусха судьяни эслаб, тишларини гижирлатди: «Жон шунчалар ширин сенга, лекин ўзгалар умри ва тақдирига буткул лоқайдсан!»

Машинанинг силтаниб тўхташи Шоҳруҳнинг хаёлини бўлиб юборди. Машина ёнида қамоқхона соқчибошиси билан милиционернинг таниш овози эшитилди:

- Тўппончани топширинг. Анча барвақт қайтибсизми?
- Биттасига отув беришганди, шунга...

Қамоқхонанинг қабул қилиш жойидаги расмиятчилик тугаши билан Шоҳруҳни тинтув хонасига киритиб, эшикни ёпишди. Сўнг кип-яланғоч ечинтириб, ўлимга маҳкумларнинг махсус кийимини кийдирдилар. Битта тўшакни юмалоқлаб қучоғига тиқишди ва қўлига кишан уриб, тезлик билан ерости йўлаги томон тортиб кетишди.

Оғир темир эшик, ундан сўнг темир панжарали тўсиқ очилиб, Шоҳруҳ «ўлимга ҳукм этилганлар камераси»га киритилди. Асли икки нафар маҳкумга мўлжалланган камерида у учинчи маҳкум эди. Камера узунлиги каравот бўйи бўлиб, каравотлардан бири бетонга қотирилган, иккинчиси кўтарма тарзда. Кўтарма каравот остида ҳожат жойи бор. Шоҳруҳ икки каравот оралигида тик туриб қолди...

«Ўзига яқин аёлни қизғанишни билмаган эргийит даюсдир!»
Ҳадис

Шоҳруҳ билан Наргиза мактаб чоғи — 16 ёшидан бери кўнғил яқин сирдош. Қарийб тўрт йиллик ошиқона самимият уларни бир умрга боғлаб қўйгандек.

Шоҳруҳнинг касалманд, ногирон онасидан бўлак суянчиғи

ҳам, дардкаши ҳам йўқ. Наргиза йигит ҳақида ҳамма нарсани билади. Чунки йигитнинг одамлар кўзидан яширадиган сири ҳам, бойлиги ҳам йўқ. Унинг дунёдаги ягона сири — Наргиза, бебаҳо давлати — онаси! Наргиза уни қалбан тушунади, негаки ўзи ҳам оддий оилада, эл қатори ўсган...

Шоҳруҳнинг онаси шифохонада эди. Ўша куни кеч соат еттилар чамаси онанинг ҳолидан хабар олиб қайтишаётганди. Шаррос ёмғир ёғиб қолди. Яқинроқдаги дўконча панасига ўтдилар. Аввалига эътибор қилишмаган экан, дўконча ичида икки йигит ичкиликбозлик қилиб ўтирарди. Улардан бири — полвонкелбатлиси Наргизага кўз қисди. Қиз сўз демай ижирғанганича орқа ўтирди. Кайфи баланд йигит аввал қийқирди, сўнг гап қотди:

— Ўв-в попоч, нега орқайиззи ўтирасиз, бизга олдингиз ҳам бўлаверади.

Ичкиликбоз йигитлар қийқирганча қўл ташлашишди. Шоҳруҳ ток ургандек титранди:

— Кимга гапиряпсан? — деди жаҳл аралаш.

Улфатлар яна қийқиришди. Жуссаси кичикроғи жавоб қайтарган бўлди:

— Қўрқма, сенга эмас, сен попочмассан-ку!

Шоҳруҳ шахд билан дўконча эшигини очиб, ичкарига кирди. Муштлашув бошланди. Полвонкелбатлиси Шоҳруҳни урмоқчи бўлиб олдинга ташланганида, мастлиги боис мувозанатини йўқотиб, мункиб кетди. Дўконча бурчагида турган фиштин электр плитка — иситгичга боши билан тушди. Аксига олиб жиртаки шеригининг зарб билан отган шишаси мук тушиб ётган йигитнинг орқа миясига келиб тегди...

Терговда эса... Шоҳруҳ марҳумнинг бошига электр иситгич билан урган, шишани эса Наргиза отган бўлиб чиқди. Буларнинг барчасига Шоҳруҳнинг дўкончага бостириб кирганлиги асос қилиб олинди. Қолган кўрсатмалар детектив асарлардагидек тергов «ижодхонаси»да яратилди... Бу яратувчиликнинг «илҳомчиси» — марҳумнинг отаси, аниқроғи, Россиядан мол келтириб, бойлик тўплаган отанинг пуллари бўлди. Отанинг шиори ҳам, талаби ҳам қатъий эди: «Менинг ўғлимни ўлдирган ҳам ўлиши керак!»

«Эҳсон қилинган» оқ тулпор — ВАЗ 21063 ота талабини рўёбга чиқарди.

— «09»га кучинг етса, 10 йил оласан, — деганди терговчи Шоҳруҳга. — Қизинг шартлига кетади. Агар «31»га кучинг етса,

қизинг гувоҳ бўлиб, гувоҳлик бераётган йигит Наргизанинг ўрнига ўтади. Сен эса кўпи билан беш йилга қамаласан. Агар белинг бўш, чўнтак қуруқ бўлса, «зелёнка» нақд сенга!

Шоҳруҳ руҳан синган, ҳатто, адвокати ёзиб берган шикоят натижасига ҳам ишонмас, «ўлимга маҳкумлар камераси»да жимгина, умрига сўнги нуқта бўлувчи ўқни кутиб ўтирарди. Унинг бу кунларини **ТИРИКЛИК** ва **АЖАЛ** оралиғидаги мавҳум иқлимга қиёслаш мумкин...

Орадан 167 кун ўтди. Шу кунлар ичида Шоҳруҳ, 167 марта ўлиб, яна шунча марта тирилди. Бу давр ичида уни камида ўн беш бора камерадан камерага кўчирдилар. Лекин 168-кунга ўтар кечаси негадир тиниқиб ухлади. Туш ҳам кўрди. Тушида уни дор остига олиб бордилар. Сўнги тилагини сўрашди кўзларини боғлашдан аввал. Шоҳруҳ дор остидаги курсига чиқиб, атрофга аланглади. Ўзидан элик қадамча нарида турган темир қафасга кўзи тушди. Қафас ичида қўллари боғлиқ Наргиза ўтирарди. Йигит бирдан дадиллашди:

— Наргизанинг қўлларини ечиб, қафасдан чиқариб юборинглар. Бу — менинг сўнги тилагим!

Узун қора либос кийган одамлар мунозарага киришдилар. Узоқ тортишишди. Ниҳоят, ўртада — тахтсимон курсида ўтиргани Шоҳруҳга қаради:

— Бу тилагингни бажаришнинг ҳозирча иложи йўқ! — деди салмоқлаб. — Аммо бизда шундай таклиф бор. Яъни севгилингнинг қўлларини ечамиз, бироқ қафасдан чиқармаймиз. Яна битта қафас келтириб, унинг рўбарўсига қўямиз ва сени осмай, шу қафасга қамаймиз!

Шоҳруҳ эътирозга чоғланган эди, ундан олдин Наргиза гапирди:

— Рози бўлинг, рози бўлинг, Шоҳруҳ!

— Наргизам, сенинг қафасдан чиқишингни истайман! — деди Шоҳруҳ дадил.

— Йўқ, агар мен қафасдан чиқсам, сизни осишади, бунинг менга кераги йўқ! Ундан кўра, мен қафасда қолай, сизнинг ҳам умрингиз узайсин!

Электр қулфнинг қисқа огоҳтовуши, сўнг калитнинг «қатир-қутур» овозидан маҳкумлар сапчиб туришди. Эшик очилиб, панжара ортида назоратчининг бўйи кўринди:

— Илжанов!

Шоҳруҳнинг аъзои бадани музлаб, оёқларида жон қолмади.

— Илжанов! — ўшқирди назоратчи.

— Шоҳруҳ Иминжанович, 1977 йили туғилганман. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми, 25-164-моддаси 3- қисми, 277-моддаси 2-қисми, 105-моддаси 1-қисми билан ўлимга ҳукм қилинганман.

— Чиқ буёққа! Деворга ўтирил! Қўл орқага!

Кишан урилгач, Шоҳруҳни йўлак бўйлаб бошлаб кетишди. Йигитнинг фикрлаш қобилияти чекланиб қолгандек, фақат тили бир жумлани тўхтовсиз такрорлар эди: «Ло илаҳа иллаллоҳу Муҳаммад ар-расулуллоҳ!»

* * *

Шоҳруҳни кенг саҳнга тик турфазиб қўйиб, суд ажримининг якуний қисмини ўқиб беришди! «...Олий жазо — ўлим жазоси 20 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилсин. Жазонинг 5 (беш) йили ёпиқ тартибдаги, қолган қисми қаттиқ тартибдаги колонияларда ўтказилсин...»

Шоҳруҳ ўзига келиб олгунича назоратчилардан бири юма-лоқланиб, белидан боғланган бўхчани унинг олдига ташлади. Бу Шоҳруҳнинг ўз кийимлари эди. Яна алаким қандайдир қоғозга қўл қўйдириб, ажримдан кўчирмани берди. Ўнг қўлидаги резина гавронни чап қўли кафтига уриб турган назоратчи уни қарама-қарши томондаги бинога бошлаб кетди.

Янги камерадошлар Шоҳруҳни тўрдаги «тапчан»га ўтқозишди. Дарҳол ширинлик, сигарет ва «чефир» дейилувчи аччиқ чой келтирилди. Шоҳруҳнинг (қамалганлар тилида) «зиндон» деб аталувчи ўлимга маҳкумлар камерасидан кўтарилганлигини эшитиб, камера ичи жим-жит бўлиб қолди. Ҳар бири соатга тенг сонияларда ЎЛИМ сўзининг залвори маҳкумлар тилини боғлаб ташлагандек эди гўё!..

— Братишка, сув исит, — деди ўзини «хатник» деб танитган озғин йигит камера эшиги олдида қопсимон ўриндиқда ўтирган сепкилик маҳкумга. Кейин нариги «тапчан»га қараб: — Ара, қопингни оч, мадепалан, совун, сочиқ бер! — деб буюрди. Сўнг кичкина жуссали мала йигитга ўтирилди: — сен, Малиш, кечаги адидасни чиқар!

Шоҳруҳ атрофи клеёнка ва аёл билан тўсилган ҳожатхона ҳамда қўл ювиш жойи бўлган бўлмага кириб, ювиниб чиқди. Армани йигит узатган ич кийим, Малиш берган спорт кийимини

кийди. Қайтадан даврага келиб ўтирди. Дастурхонда сариёғ, қуюлтирилган сут, ёпилган нон, ширинликлар тартиб билан терилган. «Хатник» бир қутича КЕНТ сигаретини узатди:

— Бу сенга именной, Шаҳ!

Армани йигит чақмоқтош тутди:

— Бу ёндиргалка ҳам!

Шоҳруҳ тенги бўлган Малиш сутчой узатди:

— Сарёғ солиб ич, жўра, сенга керак...

Кечга яқин камера эшиги очилиб, спорт кийимидаги икки йигит кириб келди. Бирининг қўлида чоғроқ сувқоғоз халта. Камерадаги маҳкумлар ҳурмат юзасидан ўринларидан туришди. Меҳмонлар умумий саломлашиб, тўрдаги «тапчан»га ўтдилар. Маҳкумларга хос қисқача саломлашув ва ҳол сўрашишдан сўнг меҳмонлардан бири «Хатник»ка қаради. «Хатник» дарҳол тушунди:

— Шаҳни бугун кўтаришди «зиндон»дан, как надо кутиб олдик, — деди Шоҳруҳнинг елкасига енгилгина қўл ташлаб, Кейин Шоҳруҳга гапирди: — Шаҳ, булар братва, бу Қудрат овулнинг ответида, буниси Жасур — продолга қарайди.

— Братухадан салом, судга қатнаётгани учун бугун тушолмади, а так шанба куни гаплашасизлар. Тўғри тушун, Шаҳ оғайни, зиндон қалай, нима етишмовчилик бор?

Шоҳруҳ қисқа, лўнда жавоб қилди. Бир пиёладан чой ичилгач, меҳмонлар қўзғалишди. Туриш олдидан Жасур ўзи билан олиб кирган целлофан халтани очди. Чой, сигарет, ширинликлар олиб, дастурхон четига қўйди.

— Бу мужикларга Братвадан, — деди Қудрат.

Кейин тушёнка, пишлоқ, патир нон, майиз, ёнғоқ ва икки қутича «L&M» сигарети қўйилди.

— Бу сенга, Шаҳ, именной. Мана бунда мадепалан, тапочка и майда-чуйда бор. Бу ҳам сенга, — деди Жасур газетга ўроғлиқ нарсани узатиб.

— А так, жим бўлма, камчилик бўлса, сразу айт. Сизлар ҳам, мужики, так же, — деди Қудрат чиқиш олдидан...

Камерадошлари Шоҳруҳга алоҳида эътибор беришди. Судгача ўтган қарийб уч ой — 88 кун, «зиндон»даги 167 кун, жами 255 кунлик асабий босим вужудини тарк этгандек бўлди.

«Энди ўлмаيمان, энди яшайман! — хаёлидан ўтказди Шоҳруҳ, — Наргиза... ҳозир нима қияпти экан?»

Шоҳруҳ ўрнидан турди.
— Уйқу келмаяптими? — қизиқди «хатник».
Шоҳруҳ унинг рўбарўсига ўтирди.
— Гап бор, Марат, — деди «хатник»ка.
Марат кулимсиради:
— Тушуниб турибман, Шаҳ, монастирга ксево жўнатмоқчи-сан!
Шоҳруҳ чиндан ҳам аёллар корпусига Наргизага хат ёзмоқчи эди.
— Сен ёзиб қўйгин, етказиш бизнинг иш!
Шоҳруҳ хат ёзишга киришди..
Икки кун ўтиб, адвокат келди. Ростини, йигит сира кутмаган эди.
— Шоҳруҳ, — деди адвокат вазмин оҳангда, — сени нотўғри судлашди, Наргизани ноҳақ қамадилар. Ёзамиз, укам, тепада адолат бор. Керак бўлса, БМТгача ёзамиз. Қайта суд қилишлари шарт.
Шоҳруҳ бошини қуйи солганича индамай ўтирарди. Буни ўзича тушунган адвокат гапида давом этди:
— Менга хизмат ҳақи керак эмас. Зарур бўлса, ўз ёнимдан харажат қиламан. Менга сенинг розилигинг керак.
Адвокат чарм папкасидан машинкаланган қоғозларни олиб, ўртадаги столга қўйди:
— Ўқиб чиқ, Шоҳруҳ, кейин имзо қўясан.
Йигит биринчи варақнинг ўзига анча тикилиб тургач, сўнгги варақдаги ўз фамилияси ёнига имзо чеқди. Кейин адвокатга қаради:
— Акбар ака, агар иложи бўлса... онамларни олиб келинг учрашувга, — Шоҳруҳнинг овози титраб, кўзидан ёш сизди. Адвокат маъқул ишорасини билдирди.

* * *

«Эй насиҳатгўй, нетай ёрсиз жонимни мен!»

Ҳусайн БОЙҚАРО

Адвокат бўш келмади, сўзида турди. Икки ой ўтиб, ажрим бекор қилинди. Иш қайта кўрилиши учун вилоят судига юборилди. Гарчи адолат тўла-тўқис қарор топмаса-да... Наргиза суд залидан озодликка чиқарилди. Шоҳруҳга қўйилган айбловлар аввалига қайта малакалантирилди, охир-оқибат барибир «қасддан одам ўлдириш» — ЖК 97-модда 2-қисми бир неча банди билан

айбдор деб топилиб, 15 йилга озодликдан маҳрум этилди. Шунинг уч йили ёпиқ тартибдаги колонияда ўтказиладиган бўлди.

Наргиза темир қафас панжарасини маҳкам ушлаганича, кўзларидан ёш қуюлиб, сўзсиз туриб қолди.

Суд ҳукмидан кейин уч кун ўтиб, Шоҳруҳ учрашувга чақирилди. Одмигина кийинган Наргиза йигитнинг онаси билан келганди.

— Ойимлардан хавотир олманг. Мен ўзим сиз келгунингизча ёнларида бўламан, — деди қиз ҳам жилмайиб, ҳам кўзларига ёш тўлиб.

Ярим соатга етиб-етмай тугаган «икки соатлик» деб аталувчи, телефон орқали гаплашилиб, ойна ортидан кўриладиган учрашувдан сўнг Шоҳруҳ жуда енгил тортди: «Энг муҳими, Наргиза озодликда! Ўн беш йил — қоғозга ёзилган гап!..»

— Шаҳ, сенга гапиряпман, Шаҳ, — деди камерадошларидан бири.

— Тинчликми?

— Абдулов деган битта твар судья бўлар эди, эшитганмисан? Пингвинга ўхшаган, бўйни йўқ, қўллари калта-калта.

Шоҳруҳнинг кўз олдидан милиционерлар билан ўзини ҳимоялаб, ўлим ҳукмини ўқиган судья ўтди.

— Эшитганман ҳам, кўрганман ҳам, нима эди?

— Кўпларни қақшатган порахўр, шакал. Менга ҳам тўққиз йилни ўша берганди низачто. Ўзи ҳам илинибди думидан, поскуда!

Шоҳруҳ қизиқиб қолди.

— Сен учрашувга чиқиб кетганингда, братвадан хабар келди. Пора билан тушибди шакал. Бунақа тварлар ўзи бошқа нарса билан тушмайди!

Гапга бошқалар аралашди. Кимдир:

— Эй, барибир қутилиб кетади. Шунча йил йиққанининг ўндан ё бешдан бирини ўзига ўхшаган битта ҳаромхўр лапочникка ташлайди, вассалом! Сену менга, Шаҳга ўхшаган камбағаллар арзимаган нарсага 8-15 йилга кетадиган, — деди.

Шоҳруҳ гап эгасига ўқрайиб қаради. Кейин:

— Нима, ўшанақалар билан ишлашганмисан, жуда ишонч билан гапиряпсан? — деб савол ташлади.

Бошқаларга эрмак топилди...

Икки ҳафта ўтиб, Шоҳруҳни ёпиқ тартибдаги муассасага

жўнатишди. Чамаси уч ойдан кейин порахўр судья Абдуловга 12 йил жазо тайинланганини эшитди. Худди бу муддатни Шоҳруҳга белгиланган 15 йилдан кесиб, Абдуловга беришгандек ҳис этди ўзини...

Ойлаб зах-бетон камераларда ўтириш, айниқса, отувга ҳукм қилингандаги қаттиқ сиқилишлар, маҳкумлиқнинг очин-тўқин ҳаёти ўз ишини қилди — Шоҳруҳ ўпка силига йўлиқди. Бу вақтда у эндигина қаттиқ тартибдаги очиқ колония — зонага ўтказилганди. Қоидага кўра, йилда икки марта маҳкумлар рентгендан ўтказилар эди. Ўндан ортиқ маҳкум қатори Шоҳруҳ ҳам «Сангород» деб аталувчи маҳбуслар шифохонасига жўнатилди.

— Илжанов, — деди лейтенант кийимидаги врач, — анави турганлар ёнига бор. Ҳозир МОПга ўтиб, рентгенга тушасан.

Муассасанинг сил касалликларидан бошқа ҳудуди шундай аталар, у ерда нисбатан енгил бемор маҳкумлар даволанар эди.

Рентгендан қайтаётиб, ўтиш йўлагига қандайдир капитан билан гаплашиб турган жуда таниш башарага кўзи тушди. Ўз корпусига кираётганида эслади: «судья Абдулов-ку!»

Маҳкумлар либоси ва «чепчик» дейилувчи бош кийимидаги собиқ судья бу ҳаёт чиғиригида анча эзилган шекилли, Шоҳруҳ тили билан айтганда, бус-бутун пингвиндан ўсмай қолган тюленчага айланибди.

Бир ҳафта ўтиб, ўзига қўйилган ташхисни билиб олди: ГДУ-1, форма «Б», БК минус! Шоҳруҳ бу қандай дард эканини яхши тушунар эди. Кун бўйи қарахт юрди. Йўқ, ўзини ўйламас, балки Наргизанинг ташвишини қиларди.

«Ўзимдан совутишим шарт, — дерди Шоҳруҳ. — Совутишим шарт. Бу касаллик, яна ўн йилдан ортиқ муддат елкамда. Шунинг беш йилини ҳам ўташга умрим етмаса керак энди. Наргиза вақтини ўтказмай турмушга чиқиши зарур. Мен унинг бахтига тугун бўлишим... Йўқ, асло!»

Кейинги ҳафта Шоҳруҳни учрашувга чақирди. Икки қатор сим тўр тортилган, фақат бақириб гаплашишга мўлжалланган учрашув хонасида одам анча сийрак эди. Симтўрларнинг у томонида онаси ва Наргиза, бу томонида Шоҳруҳ. Бир-бирларига анча вақт сўзсиз қараб қолдилар.

— Нега хомушсиз? — сўради қиз ҳайратланиб.

Шоҳруҳ бироз каловланиб тургач, ўқрайиб олди. Кейин даядил ва совуқ оҳангда жавоб қайтарди:

— Етар «мушук-сичқон» ўйнаганимиз. Сен фалокатни деб отилиб кетишимга бир баҳя қолди. Турган-битганинг шумқадам, офат сенинг! Энди силга йўлиқдим. Менинг бошимга тушган бу балоларга сен, фақат сен сабабчисан. Сендан нафратланаман, сендан ҳазар қиламан. Бошқа мени излаб келма, агар келсанг, ўзимни ўлдираман, уволим ҳам сенга бўлади. Унут мени, йўқол! Йўқол деяпман, фалокат, йўқол кўзимдан, йўқол! Тупурдим сенга, йўқол!..

Шоҳруҳ ўзи ҳам кутмаган ҳолда жазавага тушди, кўзлари олайиб, оғзидан кўпик чиқиб кетди. Қаттиқ шовқиндан учрашув хонаси нозири ёшгина сержант аёл эшикни очди-ю, врачни чақирди. Йўлақда турган икки назоратчи, врач ва ёрдамчи маҳкум учрашув хонасига кириб, симтўрни чангаллаб олганича «йўқол, тупурдим, фалокат!» деб бақираётган Шоҳруҳни куч билан тортқилаб ташқарига олиб чиқишди. Шоҳруҳ ҳамон бор овози билан бақирар эди:

— Йўқол, фалокат, тупурдим сенга, йўқол!

Наргиза аксинча — бир сўз гапирмади. Шашқатор оқаётган кўзёшларини ҳам яширмади. Шоҳруҳнинг онасини қўлтиқлаганича кўчага чиқди. Етти ухлаб тушига кирмаган бу воқеадан онаизор ҳам карахтланиб қолганди.

Наргиза озод бўлгач, бир кеча ота-онасининг уйида ётди. Эртасидан бошлаб шу кунгача Шоҳруҳнинг уйида яшаётган эди. Кўрган-билган, эшитган барчаси қизга хайрихоҳ бўлар, кексалар ҳар кўрганда дуо қилишарди.

Уйга келгач, муштипар онанинг тоби қочди. «Тез ёрдам» врачлари биринчи кўмакни кўрсатишди-ю, зудлик билан шифохонага олиб боришди. Онани кардиология бўлимига жойлаштиргач, Наргиза ўз ота уйига йўл олди. Йўл-йўлакай турли таблеткалардан харид қилди. Собиқ синфдоши ишлаётган дорихонага кириб, уйқу таблеткалари ҳам олди.

Уйига етгач, одими яна секинлашди. Эшиқдан кирибоқ, онасига дуч келди. Ичкари уйдан келинойиси гўдагини кўтариб чиқиб қолди.

— Рангингда ранг, жонингда ҳол қолмабди-ку, болам, — деди онаси кўзларига ёш олиб, — Озиб кетганингни-чи?! Қачонгача бу аҳволда юрмоқчисан? Ўшанга илакишиб, бир фалокатга йўлиқдинг, турмага тушдинг!

Наргиза «фалокат» сўзидан қалқиб кетди. Ўзи сезмаган ҳолда

онасига қаттиқ тикилиб қолди. Лекин ҳеч нима айтмади. Бир соатлар чамаси ўтирган бўлди-ю, кейин ўз хонасига йўналди.

Тунги соат ўн бирларда отаси келди. Ота-онасининг ҳовлидаги гапи қизга аниқ эшитилиб турар эди.

– Наргизангиз келган, қаттиқ толиққан шекилли, кириб ётиб олди, – деди онаси.

– Майли, хотин, майли. Тиниқиб дам олсин. Сен ҳам кўп куюнаверма.

– Шунчалик ҳам бемехрмисиз? Кўчадан эргашиб келмаган, ўз қизингиз. Наҳотки келажаги ташвишга солмаса? Ҳемирисини йўқ чалаетимнинг касрига қолиб, фалокатга йўлиқди. Яна фалокатинг ўзингга ургур ўшанинг касофатидан қутулолмай юрибди. Сизнинг эса парвойингизга келмайди!

– Нима қил дейсан, хотин?

– Ҳали у фалокат у ёқдан чиқадими ё йўқми, Худо билади. Чиқишидан чиқмаси аниқроқ. Бу ёғини сўрасангиз, келинимизнинг иккинчи акаси бор-ку, хотини ўлган, қудалар шунга сўрашяпти Наргизани...

– Қизингга айтдингми?

– Йўқ, лекин эрталаб айтаман.

– Кўнмайди, эсингни йиғ, хотин!

– Кўнадими-йўқми, мени қизиқтирмайди. Фақат сиз кўнсангиз бўлди!

– Мен нимага кўнишим керак?

– Сал қаттиқроқ бўласиз. Яъни эрталаб мен гапираман. Агар қизингиз терслик қилса, сиз аралашасиз. «Оқ қиламан!» десангиз бас. Шу гапимга кўнинг!

Отаси гудраниб-гудраниб, ичкарига юрди. Наргиза тамоман карахтланиб қолган эди. Шу ҳоли аста-секин оёққа турди. Пайпасланиб бориб, стол устидан сумкасини олди. Харид қилган таблеткаларини чиқариб, диванга ташлади. Кейин ўта оҳиста юриб, даҳлизга чиқди. Даҳлиздан ҳовлига, ундан ошхонага ўтиб, бир банка сув олиб қайтди. Диванга ўтирган кўйи таблекаларни аралашига кафтига солиб, майиз ошалагандек оғзига тикар ва ютоқиб сув ичарди...

Ҳадис: «Икки қози дўзахда-ю, бир қози жаннатдадир; Ҳақиқатни билиб, ҳаққоний ҳукм қилган қози жаннатдадир. Ҳақиқатни билиб туриб, қасддан жабр қилган қози билан ҳақиқатни билмай туриб ҳукм қилган қози дўзахдадир!»

Т Е Р М И Н А Т О Р

КРИМИНАЛ-САРГУЗАШТ ҲАЁТИЙ ҲИКОЯ

«ОҚҚУШ» ДЎКОНИДАГИ ҚАТЛ

Унча гавжум бўлмаган кўча юзига жойлашган «Оққуш» дўкони рўбарўсига сутранг «Жигули» келиб тўхтади. Машинадан бар-васта, йигирма беш ёшлар чамаси йигит тушди. Унинг қўлида

А

І

қўлида қўлида қўлида қўлида

кириб, қўлидагини ерга қўйгач, шошилмай «молния»ни туширди. Дўкондаги икки ўспирин гапини тўхтатиб, унга ярим ҳайрат аралаш қараб қолган эди...

— Юнусни чақиринглар, — кескин буюрди сумка эгаси. — Раҳим ҳам чиқсин!

Ўспиринлар бир тўхтамга келгунларича, ичкари хонадан мудар чикди.

— Ҳа, Баҳо, ўзинг келибсан-да охири, — деди мудир беўхшов жилмайиб. — Сумкангдаги, адашмасам, бизга беришинг керак бўлган беш миллион бўлса керак-а?

А

І

қўлида қўлида қўлида қўлида

ни чиқариб, мудирга тўғирлади.

— Юнус, сенларга мен керак эдим, — деди газаб аралаш. — Ўйин қоидасини буздиларинг, ўрнимга бегуноҳ акамни қийнаб ўлдирдиларинг, икки дўстимни эса ногирон қилдиларинг. Энди қарз узиш навбати сенлардан. Раҳим қани?

Мудир жойида қотиб қолди:

— Йўқ, бу ерда йўқ Раҳим. Уйида бўлиши керак, — деди овози бўғилиб.

Автоматдан кетма-кет тўртта ўқ узилди. Бўйни ва қорнидан яраланган Юнус чалқанчасига йиқилди. Сумка эгаси қуролни

А қўлида

І

қўлида қўлида қўлида қўлида

— Ҳайданг, — буюрди машинага ўтираркан, — йўлни ўзим кўрсатаман.

Машина кенг йўлдан елдек учиб, икки чорраҳадан ўтгач, чапга бурилди. Ўн дақиқа орасида кўзланган манзил — Раҳим яшайдиган тор кўча бошланишига келиб тўхтади. Йигит бу гал сумкани машинада қолдириб, автоматни кўтариб тушди. Тор кўчага киргач, таниш дарвозани тақиллатиб, уй эгасини чақирди:

— Раҳим, ў-ў Раҳим!

Уй эгаси аввал овоз берди, сўнг бироз оқсоқланган кўйи дарвоза томон юрди. Дарвозадан чиқиб оқ автомат тутган йигитга кўзи тушди. Сўз айтишга улгурмади. Кетма-кет узилган ўқ кўкрагини тешиб ташлади. Тўрт-беш сония ичида сутранг «Жигули» жойидан қўзғалди...

Ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас бутун туман ҳудуди тўс-тўполон, ваҳимали гап-сўзга тўлганди. Воқеа баёни соат сайин кўпириб борар, ҳатто туман милицияси идорасида ҳам мавҳум кайфият ҳукмрон эди.

Гарчи, ошкор айтилмаса-да, лекин гап-сўзлар аксарият битта хулосага бориб тақаларди: «Баҳо, барибир кўймабди, акаси учун қотиллардан ўч олибди!» Лекин жиноятга мойил гуруҳлар ҳамда маиший тўдалар бу масалада ягона тўхтамга кела олмадилар. Айримлари марҳумларга ачинди, баъзилари қасд олувчини ёқлади.

Орадан йигирма кун чамаси ўтиб, яна гап-сўз кучайди: «Баҳодир қўлга тушибди, шериги ҳам бор экан!»

ТЕРГОВ ҲИБСХОНАСИДА

Қамоқхонага илк келтирилган куни тинтув хонасидаги зобит Баҳодирга тикилиб тургач, ёнидаги назоратчиларга гап қотди:

— Босиқлигини қаранглар, кўринишидан, ўзини тутишидан сираям икки одамни ўлдирганга ўхшамайди, — сўнг маҳбусга ўгирилди. — Ростини айт, чиндан ҳам икки кишини отиб ташлаганмисан?

Баҳодир шошилмай зобитга синчиклаб қараб олди. Кейин қисқагина жавоб берди:

— Қилишим шарт бўлган ишни қилдим, начальник!

Тергов осон кечмаслигини, тайинланадиган жазо меъёридан ортиқ бўлишини Баҳодир жуда яхши ҳис қиларди. Негаки, акасининг ўлимига даҳлдор тўда аъзоларидан икки нафари катта лавозимли шахсининг арзаңдаси эди. Шунини чуқур англаган Баҳодир ғоялар тўқнашуви дейилмиш «ҳеч ким ўзини ноҳақ ҳисобламайдиган» савол-жавоб баҳсига, ҳатто қўлланилиши эҳтимолдан холи бўлмаган сўроқ усулларига ўзини руҳан тайёрлаб улгурган эди.

— Нима учун айнан Юнус билан Раҳимни ўлдирдингиз? —

сўради терговчи ёзув машинкасига қўйилган қоғоздан кўзини узмаган ҳолатда.

— Мен, энг аввало, акамнинг қасдини олдим, марҳум акамни улар бегуноҳдан-бегуноҳ ўлдиришди. Биласизми, ваҳшийларча калтаклаб, азоблаб, суякларини синдириб, сўнг қопга солиб, ахлат уюмига ташлаб кетишди. Мен улар каби ваҳшийлик қилганим йўқ, яна уларга ўхшаб ҳеч бир гуноҳсиз одамни ўлдирмадим, бегуноҳ одамнинг қўлини темир билан уриб синдирмадим. Уларга ўхшаб гуноҳи йўқ йигитларни троссга боғлаб, машинада судратмадим. Фақат ўша бегуноҳ ўлдирилган акам, бекорга азобланган дўстларим учун ҳаққоний қасос олдим. Агар уларни отиб ташламаганимда, у ваҳшийлар оиламизни сиқувга олиши, мени эса ўлдиришлари аниқ эди!

Баҳодирнинг дадил жавоби терговчини анча ўйлантириб қўйди. Лекин у — терговчи! Шу боисдан ҳам ҳаётда ёзилмаган, аммо мавжуд қонунларга эмас, балки фақат китобларга киритилган тамойилларга амал қилиши керак. Иши шунақа!

— Дейлик, марҳумларнинг жиноий қилмишларидан хабардор экансиз, нима учун ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилмадингиз?

Гарчи саволи тош босмаса-да, терговчи белгиланган андазага мувофиқ шу саволни сўроқ баённомасига киритиши лозим эди. Айбланувчи унинг аҳволини тушунгандек, киноянамо бош чайқаб қўйди. Сўнг муҳим гап айтмоқчидек овозини пасайтирди:

— Ҳуқуқ-тартибот идораларидагилар ҳаммасидан хабардор. Яъни, Юнус ҳам, Раҳим ҳам жиноий гуруҳ тузиб, ўз хоҳишича ҳаракат қилиши, акамнинг ўлдирилиши, икки оғайнимнинг оғир тан жароҳати олиши, мен яшириниб юрган дала-ҳовлининг портлатилиб, ўққа тутилганидан хабардор ўша идоралар. Ҳатто сиз ҳам хабардорсиз. Лекин чора кўришга ожизсизлар. Негаки, бу зўравонлардан бирининг отаси полковник, яна бири прокурорга эркатой. Қўнғиз ҳам боласини оппоғим дер экан!

Ечимсиз саволару эътирозларга тўла, аммо баённомаларда фақат андазага мувофиқ келадиганлари қайд этилган тергов жараёни қарийб тўрт ойга чўзилди. Сўнг икки кунда «айблов хулосаси» ёзилиб, тасдиқ учун прокурорга чиқарилди. Ниҳоят суд жараёни ҳам бошланди. Бу муҳокамалар йиллар давомида такомиллашган амалиёт шаклида ўтказилди. Зеро, ўзини ҳимоялаш, ор-номус, бурч деган инсоний тушунчалар, терговда бўлга-

ни каби суд амалиётига оид китобий қарашларга сира мувофиқ келмасди. Шу боисдан ҳам судлов ҳайъати ўзининг «жиноятга жазо муқаррар!» деган китобий ақидасига содиқ қолди. Худосизлар жамиятида вояга етиб, амалга минган судья учун «Ал-қасосу мин-ал ҳақ!» таъкиди мутлақо бегона эди.

ҲУКМ ВА «ЗИНДОН»

ДАЙДИ итдек отиб ташланган жабранувчилар томони қасос олувчини қотил деб атадилар.

Жиноят олами вакилларига хос айнан одам ўлдириш билан боғлиқ ҳаётнинг ўз ёзилмаган тушунчалари мавжуд. Яъни, сўнгги чора сифатида одам ўлдириш ва ноҳақдан-ноҳақ арзимаган сабаб билан қотиллик қилиш. Айниқса, жиноят оламига алоқадор одамни ўлдирган шахс ҳам қонун олдида, ҳам жиноят олами АВТОРИТЕТлари қаршисида жавоб беради.

Жиноят олами фақат асосли, аниқ ва тошбосадиган важларни қабул қилади. Акс ҳолда қотиллик «Беспредел» ҳисобланиб, уни содир этган шахс ўз умри билан товон тўлаши аниқ!

БАҲОДИР қўлга тушгач, жабранувчи томон ўша вақтнинг кўзга кўринган ва қамоқда ўтирган АВТОРИТЕТИга хабар кириштиди. Гўёки, Баҳодир «Братва»га қўл кўтарган ҳисобланди жабранувчилар учун.

Жиноят олами амал қиладиган энг асосий тамойил: Адолатга суянган шафқатсизликдир!

Қамоқхонага илк келтирилган куни Баҳодир билан қабул қилиб олувчи зобит орасида кечган қисқа савол-жавобни юқорида эслagan эдик. Шу аснода икки нафар норғул йигит келиб, Баҳодирдан қизиқишди:

– Ташкенский Баҳо сен бўлсанг керак!

Баҳодир боши билан тасдиқ ишорасини билдирди. Йигитлардан бири билагига «ДПНСИ» деб ёзилган латга таққан зобитга қаради:

– Начальник, бу биз билан!

Баҳодир йигитлар ҳамроҳлигида катта темир дарвозадан қамоқхона ҳовлисига чиқиб, чапга бурилди. Бироз юриб, яна чапга. Кейин рўбарўдаги тўрт қаватли бинога кирдилар.

Фақат маҳбусларгагина хос қисқача саломлашувдан кейин, қўлида узун мундштук тутган жуссаси ихчам ёш йигит гапни

саломлашувдан ҳам қисқа қилди:

— Баҳо, ҳаммаси яхши бўлади, буёғи ўзинга боғлиқ. Икки-уч кун дам олиб, кейин положенецга рядом бўл. Буёғини фрайерлар тушунтиришади...

Жиноят олами орқали ҳеч нарсага эриша олмаган жабрланувчи томондагилар энди суддан унинг хунини талаб қилишди. Ва ниҳоят ҳукм ўқилди: «Султонов Баҳодирга Ўзбекистон Республикаси ЖК 80-моддаси -, 4-, 6-, 8-бандлари билан ўлим жазоси белгилансин...»

Баҳодир шу тобда ўзидан кўра ҳам тутилиб-тутилиб ҳукм матнини ўқиётган судьянинг аҳволига ачинди: «Шўринг қурсин, қўғирчоқнусха ҳуқуқшунос! Ор-номус, қасос ва кураш деган инсоний тушунчалардан йироқ гуманоид!»

Қамоқхонанинг «**Ўлимга ҳукм этилганлар**» камералари жойлашган йўлак — **ЗИНДОН** бўйлаб борар экан, ўзини негадир ҳар кунгидан ҳам тетикроқ, руҳан бардамроқ ҳис этди. Йўл-йўлакай қайсидир асарда ўқигани ҳаёлидан кечди: «Инсонни ўлдириш мумкин, лекин уни енгиб бўлмайди!»

— Агар ўзини-ўзи енгиб қўймаса! — дея беихтиёр шивирлади Баҳодир.

— Гапирилмасин! — огоҳлантирди соқчи.

Яна икки одим юргач, назоратчининг қисқа огоҳи эшитилди.

— Тўхта. Деворга ўтирил!

Камера эшиги очилгач, қўлларидаги кишан ечилиб, ичкарига кирди.

Икки кишилиқ «хата» тергов камераларига ўхшамас, айниқса, бу ердаги сукунат тергов ва «осужденка» дейилувчи камералардан иборат сершовқин корпус-ауллардан кескин фарқ қиларди. Баҳодирнинг ҳаёт ва мамот деб аталувчи икки эшик бўсағасидаги мавҳум кунлари бошланди. Оёқлари бетонга қотирилган «шконка» — нарада ётиб, айнан қасос билан боғлиқ воқеаларни кўз олдига келтирар ва шошилмай бир-бир таҳлил қилар эди.

Дунёда чигиртка деган ҳашорат бор. Яна термит аталувчи чумоли ҳам. Бу ҳар икки ҳашоратнинг турмуш тарзи жуда ўхшаш: ўзгалар ҳисобига кун кўриш! Тўдага бирикиб, ҳамма ёқни нафс йўлида вайрон қилиш. Одамзод ичида ҳам чигирткасифат, термит табиатлари анчагина. Турмуш тарзи ҳам шу ҳашоротларга мувофиқ. Ўз меҳнати билан йил — ўн икки ой машаққат тортиб, асаларидек тинимсиз ҳаракат қилувчилар ҳаётда ҳеч бир ин-

корсиз чигиртканусхаларга «маош» тўлашга мажбур этилади. Бу маошни «ДАН» дейишади. Агар «ДАН» ўз вақтида берилмаса ёки тўлашдан бўйин товланса, чигириткасифатлар термит табиатга айланиб, ўз ўлжасини ҳалок этиши, хонавайрон қилиши ҳеч гап эмас.

Баҳодир тижорат билан шуғулланиб, қонундан ташқари бўлган норасмий «солиқчи»ларга дуч келди. Улар талаб қилган миқдор – «ДАН»ни тўламади. Оқибатда эса...

«Шконка»да ётганича илк тўқнашувни кўз олдига келтирди. Май байрами эди. Кечқурунги соат ўнга яқин уйларида унча узоқ бўлмаган маданият саройи дискотекасида жиянининг калтакланаётганидан хабар топди. Зудлик билан етиб борди. «ДАН» олувчиларнинг ўнг қўли ҳисобланган Дамир бошчилигидаги гуруҳ жиянини аёвсиз калтаклаётганди. Баҳодир жанжалга аралашди. Гуруҳдагилардан бири ёнидан тўппонча чиқариб, Баҳодирга ўқталди. У чаққонлик билан қуролни тортиб олиб, Дамирнинг оёғига қарата ўқ узди. Гуруҳдагилар яраланган шериклари билан овора бўлиб қолганидан фойдаланиб, Баҳодир қаттиқ калтакланган жиянини суяб, воқеа жойидан жўнаб қолди.

Айнан шу ҳодиса таранглашиб турган ипни узиб, вазиятни кескинлаштириб юборди. Дамир шифохонадан чиққач, Баҳодирни «разбор» қилиб, беш миллион сўм товон пули ундириш масаласини киритди. Гуруҳ уни қувватлаб, айбдорни излашга тушди. Икки марта қидириб, Раҳим бошчилигида Баҳодирнинг уйига бордилар. Топа олмай, аламларини унинг акаси Хотамдан олишди. – роса калтаклашди.

– Баҳо дачада экан, – деди гуруҳ аъзоларидан Ихтиёр.

– Қайси дачада? – сўради Юнус.

– Олмаликнинг йўлида, йўлни биламан, – жавоб қайтарди Ихтиёр.

Гуруҳ аъзолари икки машинада йўлга тушдилар.

Хушманзара ҳудуддаги дала ҳовлида Баҳодир, Саяна, Шавкат ва Шухрат дам олиб, ғала-ғовурлар сусайишини кутиб, вақтинча яшаб турган эдилар. Ярим кечаси узуқ-юлуқ шовқин уларнинг оромини бузди. Ҳар эҳтимолга қарши, айвондан дарахтзорга ўтиб олишди. Шу вақтда худди кинодагидек граната портлаб, кетмакет ўқ овози теварак-атрофни тутди.

– Қочдик, – деди Шавкат.

Шериклари унга эргашдилар қоронғулик уларнинг жонига

оро кирди. Юз метрлар чамаси югуриб, қамишзор зовурга яшириндилар.

Тонг отди.

— Кетгандир бандитлар? — деди Саяна.

Шухрат ва Баҳодир зовурдан чиқиб, дала ҳовли томонни кузатишди.

— Мелиса тўлиб кетибди, нима қиламиз? — сўради Шухрат.

Баҳодир бармоғи билан ерга қуён шаклини чизди. Кейин битта-битта тарқалишди.

Шунча ҳаракату оврагарчилик беҳуда кетиб, Баҳодир тирик қолганлигини эшитган Юнус ғазабидан кўзларига қон тўлди.

— Топиш керак, топиш! Гап тамом! — деди у дўкон ичида у ёқдан-бу ёққа юрганича.

— Қаердалигини билмасак, худди Апачининг ўзи, топиш қийин, — фикр билдирган бўлди Дамир.

— Апачининг қаердалигини дўстлари ва акаси билади. Ё шундай эмасми? — гапга қўшилди Раҳим.

Ҳамма жимиб қолди. Раҳим ҳам бироз жим тургач, буйруқ оҳангида фикрига якун ясади:

— Ҳозироқ Баҳонинг уйига бориб, акаси Ҳотамни ва яқин икки ошнасини олиб келасанлар!

Жиноят оламининг қоидасига кўра, Раҳим фирром ўйинга қўл урганди. Тўдабошининг амри эса — вожиб!

Ҳотам ҳовлидаги супада укасининг ошналари Шерзод ва Даврон билан укаси ҳақида гаплашиб ўтиришарди. Шу маҳал ҳовлисига бостириб кирган тўданинг зўри билан учаласи ҳам машинага чиқишга мажбур бўлди. Анча юришди. Айланма ҳалқа йўл яқинидаги кўприк тагига қурилган бильярдхонага киришди. Тор доирада бу жой «штаб гестапо» деб номланар эди. Аввалига озроқ калтаклашди, кейин сўроқ бошланди. Тўрдаги оромкурсида қўлларини кўкрагига чирмаштириб олган Раҳим, ён томондаги курсида оёқларини чалиштирган кўйи Юнус ўтирарди.

Қўллари сим билан боғланган Ҳотам, Шерзод ва Давронни чўкка қўйишган. Сўроқни Юнус бошлади:

— Баҳо биздан қарздорлигини биласанларми?

— Бу сенлар ва укамнинг орасидаги гап, бизни бекор олиб келдиларинг, — деди Ҳотам ғазаб оҳангида.

— Ўртага укамнинг жони қўйилган бўлса-чи? — савол ташлади Раҳим.

– Укам ҳарф эмас сенларга гўшт бўладиган, – жавоб кескин бўлди.

Раҳим билан Юнус кўз уриштириб олди.

– Баҳо қаерда? Айтишларинг билан уйларингга кетаверасанлар, алдаган учта ҳарф, – деди Юнус.

– Сенга керакми Баҳо? – саволга савол қайтарди Шерзод.
– Ўзинг топиб олгин ё мент акаларингга айтсанг, қидириб топиб беришади!

Юнус Шерзод томон юриб келиб, кўкрагига зарб билан тепди.

– Эй онангни... твар, – деб сўкинди Шерзод.

Яна калтаклаш бошланди. Бу сафар анча аёвсиз ва узоқ урдилар. Кейин савол, фақат Баҳодирнинг қаердалигини сўрашар, жавоб ўрнига сўкиш эшитишарди.

Раҳимнинг буйруғи билан учовини троссга боғлашди, тросс-ни машинага илиб, асфальт йўлда судрадилар. Бироқ қийноқлар дақиқа сайин оғирлашса-да, савол жавобсиз қолаверди. Улардаги чидам «гестапо гуруҳи»нинг ҳам ҳафсаласини пир қилди.

– Шаҳар четидаги «дом»имизга олиб бориб, гаровда ушлаймиз, – деди Юнус. – Кейин овоза тарқатамиз гаров ҳақида. Баҳонинг ўзи келади, буларни қутқариш учун!

– Келмаса-чи? – газабли тикилди Раҳим.

– Унда... У ёққа жўнатамиз, борса-келмаса!

Уч йигитни уриб-тепиб, судраб машина юкхонасига тиқишди. Сўнг ҳалқа йўл бўйлаб ўзларига маълум даҳадаги уйга йўл олдилар.

Эртаси яна қийноқ, савол-жавоб бошланди. Шерзоднинг қўлини темир билан уриб синдирдилар. Бу ҳам оздек Шерзод ва Давронни қайноқ сув қуйилган ваннага солишди. Ҳотамни юз-кўзи моматалоқ, боши ёрилган ҳолда узоқ тепкилашди. Азобларнинг учинчи кунни учови ҳам чалажон хушидан кетди.

– Ўлиб қолишди, – деди гуруҳ аъзоларидан Ихтиёр кўзлари чақчайиб.

– Эсиз, барибир билолмадик Баҳонинг қаердалигини, – бош чайқади Дамир. Кейин шошилмай учовини алоҳида-алоҳида қопга жойлаб, машинага юкладилар. Даҳа ҳудудидан чиқаверишдаги ахлатхона ёнида тўхтаб, қопларни ахлат уюмига улоқтиришди.

Тонг маҳал йўловчилар қон сизиб турган қопларни кўриб, милицияга хабар бердилар. Милиция қоп ичидаги чалажон ву-

жудларни шаҳар шифохонасига жўнаттирди.

Шерзод ва Давроннинг ҳаёти узоқ муолажадан сўнг сақлаб қолинди. Лекин Ҳотам уч кун шифохонада ётиб хушига келмай, дунёдан ўтди.

Акаси ва икки дўсти гаровга олинган кунларда Баҳодир бошқа шаҳарда эди. Шум хабардан фақат Ҳотамнинг «еттиси» куни воқиф бўлди.

— Энди навбат сеники экан, — деди дўсти Улуғзод. — Ҳар ҳолда шундай дейишибди, кеча «Оққуш» дўконига йиғилиб.

— Ҳали вақт кўрсатади навбат кимники эканлигини! — деди ғазабнок оҳангда.

Вақт, ҳақиқатдан, олий ҳакам! Баҳодир ўша куни тунда қабристонга борди. Акасининг ҳали совуб улгурмаган қабри олдида тиз чўкканича узоқ бош эгиб ўтирди. Йўқ, у йиғламас, юраги фарёд қилса-да, кўзларидан ёш сизмас эди. У қасамёд қиларди бутун вужуди билан.

Болалик, ўсмирлик йиллари севган машғулотларидан бири бадий китоблар мутолааси эди. Айниқса, «Ўткан кунлар» ва «Граф Монте Кристо»ни берилиб ўқирди.

Қабристондан чиқар экан, беихтиёр хаёлидан айнан шу асарлар кечди.

«Ўткан кунлар»даги Ҳомид, Содик ва Мутал гуруҳини негадир Раҳим, Юнус ва Дамир тўдасига қиёслади. «Отабек ноилож қолган, шу боис муртадларга ёлғиз ўзи қарши борган, чунки қози — қаллоб, кўрбоши — порахўр, миршаблар эса югурдак!» дея хаёлидан кечирди Баҳодир. Кейин Эдмон Дантесни эслади: «Прокурорга ишониб, Иф қалъасига қамалди, номаълум муддатга...»

Эрта тонгданоқ жанубий вилоятлардан бирига йўл олди. У ердан «АКМ» автоматини ўттизта патрон билан харид қилиб, тезда ортига қайтди. Мақсадини очиқ гапирмаган ҳолда Улуғзодни ҳамроҳ қилиб, «Оққуш» дўконига қараб юрди.

Баҳодир «ўлимга маҳкумлар камераси»да ўтган воқеаларни қайта-қайта хотирлади, кўз олдидан ўтказди ва ҳар сафар марҳум акасининг руҳи олдида, бегуноҳ азобланиб, ногирон бўлиб қолган дўстлари қаршисида юзи ёруғ эканлигидан кўнгли таскин топар эди...

Орадан етти куни кам беш ой ўтиб, Баҳодирни «зиндон» аталувчи ўлимга маҳкумлар камерасидан қамоқхона саҳнига олиб

чиқдилар. Мамлакат олий судининг тегишли инстанцияси ажри-мига кўра Баҳодирга ўлим жазоси ўрнига йигирма йилга озод-ликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган эди.

Авжи ёз чиласидаги бу хабар Баҳодирнинг ҳаётга бўлган иштиёқ ҳиссини тўлиқ қайтарганди вужудига!

Лекин эндигина бир йили ўтган йигирма йиллик жазонинг қолган қисмида ўзини қандай шўришлар қутаётганлигидан Ба-ҳодир шу лаҳзада мутлақо беҳабар эди, ҳатто тасаввур ҳам қила олмасди...

«КРИТИЙ»ДАГИ ҲУКМ

**«Онки, 3-ҳам-э дэгарон шод ҳаст:
Гуркану восэлу жаллод ҳаст!»**

Алишер Навоий

Баҳодирга тайинланган 20 йиллик жазонинг уч йилини «ёпиқ тартибдаги муассаса» — қамоқ кўринишида ўташи белгиланган эди. Лекин...

20 йиллик жазо кимлар учундир камдек туюларди. Яна ман-тиқан олиб қаралганда, Баҳодир илк — уч йиллик қамоқ тарти-бини ўтаб бўлган, қолган қисмини умумий тартибда ўташи керак эди. Бироқ қандайдир кўринмас кучлар унинг енгилроқ шароит-га кўчирилишини истамас, имкон қадар тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатишарди.

Баҳодирни аввалига, водий ва Самарқанд томонлардаги қа-моқхоналарга олиб боришди. Бу ҳол қонунга зидлигини билган қамоқхона мутасаддилари уни қабул қилмадилар. Ноилож яна «критий»га келтиришди. Кўп ўтмай, қамоқ ичида қамоққа олиш учун Баҳодирга нисбатан прокурор санкцияси берилди. Санкция борми, демак, «жиноят иши» қўзғалиши аниқ. Шундай бўлди ҳам. Уни камерадош маҳкумга тан жароҳати етказганликда айблаб, жазо муддатига бир йилу тўрт ой қўшиб қўйдилар.

— Тез кунда бу ердан зонага этап қилинасиз, — деди қамоқ-хона махсус қисм ходими. — Зона ҳар ҳолда яхши, очиқ ҳаво, кенг ҳудуд, яна имконияти ҳам кўпроқ...

Баҳодир индамади. Бир нуқтага тикилганича, бўлиб ўтган суд муҳокамасини қисқача хотирлади:

Жабрланувчи сифатида сўралган маҳкум Стукаченко тергов материалларини инкор қилиб туриб олди.

— Мени ҳеч ким ургани йўқ, — деди қатъий. — Уйқусираб юқори нарадан йиқилиб тушдим. Бундай ҳолат олдин ҳам бўлган.

— Агар терговдаги кўрсатмани бермасанг, 238-модда билан ўзингни тиквораман, — деб ўшқирди Стукаченкога судья ғазабга миниб.

Кейин навбат гувоҳларга келди. Қамоқхона хизматчи-нозирларидан беш нафари сўроқ берди. Бирортаси ҳам терговчи тўплаган «асар»ни тасдиқламади.

Суд муҳокамаси баённомаси эса қонунийлик ва одиллик таъмоиллари асосида эмас, судья ваколоти устуворлигида тузилиб, ҳукм ўқилди... «Худди цирк кетиб қолиб, томошани бошидан-оёқ фақат масхарабоз ўтказган кўриниш бўлди!» деб хотирани яқунлади Баҳодир.

ХАЙР, ҚАМОҚ! САЛОМ, ҚАМОҚ!

Баҳодирни «Ёпиқ тартибдаги муассаса»дан қаттиқ тартибдаги зонага жўнатишдан аввал қамоқхонага келтиришди. Маҳкумларни қабул қилиш жойи — «вокзалчик»даёқ зиддият бошланди.

— Начальный, — деди Баҳодир қабул қилиб олувчи зобит — «ДПНСИ»га, — мужикларга бундай муомала қилма, булар одам, сен ҳам ҳеч бўлмаса умрингда бир марта одам бўлгин!

Охир-оқибат муассаса маъмурияти унинг қонуний талабларини қабул қилишга мажбур бўлди. Зобиту назоратчилар маҳкумлар билан мулоим сўзлаша бошлашди. Камералар ўртасидаги туйнук — «кабура»лар очилди. Маҳкумларга келган йўқловлар, кийим-кечаклар юлиб қолинмайдиган бўлди. Бемор маҳкумлар тиббий кўмакни керакли миқдорда ола бошлашди.

Ташқаридаги кўринмас куч янги ҳамлага тайёрланаётганлигидан Баҳодир буткул беҳабар эди.

УЧИНЧИ ҲУКМ

Баҳодирни қайси зонага жўнатиш кераклиги масаласи ҳал бўлгунича орадан бир неча ой ўтиб кетди. Ниҳоят ҳукумат чиқарган янги қарор асосида кўплаб маҳкумлар қатори уни ҳам туғилиб ўсган шаҳрига яқин ҳудуддаги қаттиқ тартибли муассасага келтиришди.

Зоналар жиноят олами нуқтаи назаридан бир нечта турга бўлинади: «қора», «синган», «кўргазмали», «қизил» ёки «сучий».

Баҳодир «қора зона»га келди, аниқроғи, олиб келинди. Бу вақтда зонадаги маҳкумларга «Император» лақабли қиморбоз етакчи ҳисобланиб, братуха эди.

Маҳкумлар орасида келишмовчилик, баъзан гуруҳбозлик юзага келиб қолган. «Братва» аталувчи табақанинг аксарияти умумманфаати қолиб, кўпроқ ўз роҳатига берилаётган эди.

Баҳодир ҳар қандай шароитда ҳам хушёр ақл, соғлом турмуш тарзига интилар, шу боис спиртли ичимлик ичмас, гиёҳвандликдан ҳазар қилар, ҳатто сигарет ҳам чекмасди.

Жиноят оламининг амал қилиниши шарт ҳисобланган қоида-сига кўра, «Император» тахтни Баҳодирга бўшатди. Ўша кунданок ўз роҳатини ўйлаб бурчак-бурчакларни эгаллаб олган «секторской»у «барачник» аталувчи кўпгина «оголец»лар қочишга жой тополмай қолди. Беморлар ва ногиронларга, эски ва кекса «катаржан»ларга эътибор кучайди. Маҳкумлар таъминоти янада яхшиланди. Энг асосийси, ўзаро зиддиятлар, гуруҳбозликлар барҳам топди.

Баҳодир ўз ўйлари, ташвишлари билан овора, ташқаридаги кўринмас кучнинг ўзига нисбатан тайёрлаётган навбатдаги тубан зарбасидан мутлақо хабарсиз, жазо муддатини ўтаб борарди.

Қишнинг сўнгги оғи бошланган кун Баҳодирни огоҳ этишди: «Эртага этап, Сангородга жўнайсан!»

Эрталаб, қоидага кўра, жўнатилувчи маҳкумлар махсус тинтувдан ўтказилиб, алоҳида бўлмага киритилди. Соат 10 лар чамаси назорат остида махсус машина — «зековоз»га чиқарилди. Бир соат ўтар-ўтмас, «Сангород» деб аталувчи маҳкумлар шифоҳонасига келишди.

Яна соқчи ва нозирлар назоратида қабул қилиш жойи — «этап ҳовлиси»га жойлашишди. Кеч соат бешларда Баҳодирдан бошқа ҳаммани белгиланган бўлинмаларга тарқатдилар: кимдир МОПга, кимнидир «Чехотка»га, яна бирларини эски «Девятка»га олиб кетишди. Баҳодирни эса, қайтадан «зековоз»га ўтказиб, темир йўлнинг «Қизил тўқимачи» бекатига келтириб, «Столипин» дейилувчи «зеквагон»га чиқардилар.

Поезд Бухоро йўналиши бўйлаб кетиб борар, Баҳодир ҳеч кутилмаганда Бухоро йўлидаги қаттиқ тартибли муассасалардан бирига олиб келинди.

Уни бошқа маҳкумлардан алоҳида ажратиб, тўша-тўғри «Бур» дейилувчи камера шаклидаги бўлинма — ПКТга қамадилар. Яна

«қон ичиш» деб номланган савол-жавоблар, маъмурий чеклашлар ҳамда кўнгилни хираловчи зиддиятлар бошланди.

— Сенинг айтганинг бўлмайди, начальник, — дерди Баҳодир қатъий тарзда.

— Сенинг айтганинг бўладими? — кўкиш нигоҳини чақчайтирарди зобит.

— Йўқ, фақат қандай қўйилган, шундай бўлади бу ҳаётда! — чўрт кесарди маҳкум.

Бу зиддиятли савол-жавоблар ҳақида зобит ҳар куни бош бошқармага ҳисобот берарди. Шу орада изғиринли бўлса-да, баҳор келди. Март ойи ярмидан ўтди. Қайсар маҳкумнинг кўзини яна бир бор очиб қўйиш пайида юрган кўринмас куч навбатдаги маразликка қарор қилди. Баҳодирни «Сангород»га жўнатдилар. Етиб келиши ҳамон тергов камерасига қамашди. Кейин терговчи келиб, унга айб эълон қилди:

— Сиз феврал ойи бошида айнан шу муассасага келтирилган вақтингизда «этап ҳовлиси»да тинтув қилинган экансиз, тўғри-ми? — сўради терговчи.

— Тўғри, бу ҳамма муассасада бўладиган гап, — деди Баҳодир.

— Ўша тинтув вақтида чўнтагингиздан «опий», яъни, ханка; сумкангиздан «марихуана» яъни, наша топилган. Яна сиздан пул билан пичоқ ҳам чиққан. Мана протоколлари, — деди терговчи.

Орадан тўрт ой ўтиб, Баҳодирни суд қилишди. Жазо муддатига тўрт ой-у, 26 кун қўшилди. Шахсий ҳужжатлари йиғмажилди устига эса яна бир қизил чизик тортилди...

На тергов даврида, на суд муҳокамасида ҳеч ким: — «судланувчи ёнидан гиёҳванд модда топилган бўлса, нега уни қамоқ камерасига эмас, жазони ижро этиш муассасасига жўнатилганлиги»ни; «баённомаларда судланувчининг имзоси йўқлиги»ни; «жиноят иши» нима учун орадан бир ярим ой ўтиб очилганлиги»ни суриштириб ҳам, изоҳлаб ҳам ўтирмади...

Суд тугагач, кўп ўтмай Баҳодирни яна Бухоро томонга жўнатиб юбордилар. Ташқаридаги кўринмас куч эса янада қабиҳроқ режа тузишга киришди.

ПРОКУРОР «КЎРИНМАС КУЧ»ГА ҚАРШИ

Нохуш хабар Тошкентга етиб келган куниёқ Баҳодирнинг ту-

ғишган опаси Зарифа Бухоро томонга шамолдек йўналди.

— Учрашувга рухсат бера олмайман, — деди муассаса бошлиғи, — чунки Баҳодир ҳозирда тергов ҳибсхонасида.

Бирга келган адвокат ҳам жиғибийрон эди. Йўқ, эртасидан воқеа ойдинлаша бошлади. Маълум бўлишича, тўрт нафар маҳкум зонадан қочишга уринишган. Соқчи ва назоратчиларга ҳужум қилганлар. Қочишга уринганларнинг икки нафари ўлдирилган.

— Кимдир қочмоқчи бўлган бўлса, менинг укам жавобгарми? — сўради Зарифа.

— Ҳозирча ҳеч нарса деёлмайман, фақат билганим шуки, қочишга уринганлар режасидан Баҳодир хабардор бўлган, — жавоб қилди масъул зобит.

— Шунинг учун Баҳодирга 220-моддани қўйиш керакми? Ахир, бу адолатсизлик-ку! — қизишди адвокат.

Зобит бироз жим қолди. Кейин:

— Яхшиси прокурорга боринглар, ўша ҳал қилади. Биз бор-йўғи ижрочимиз, — деди оҳиста.

Прокурор ёш, аммо ўз сўзига эга йигит экан.

— Опажон, — деди Зарифага, — сира куюнманг, укангизга фақат 241-модда қўйилади.

Прокурор сўзида турди. Суд жараёнида судья Баҳодирга бир эмас, бир неча оғир айблов қўйишга интилди. Лекин прокурор барчасини қонуний асослаб, рад этди. Бир томондан адвокатнинг ёзишмалари ўз ўрнини топа бошлади. Ноилож қолган судья қонун доирасида иш кўришга мажбур бўлди. Бироқ Баҳодирга барибир ИККИ йилу уч ою йигирма тўрт кун жазо муддати қўшиб берилди.

— Ҳа, — деди Баҳодир ҳибсхонага келтирилгач, — осмон — узоқ, ер — қаттиқ!

Кейин киноя аралаш ёнидаги маҳкумга гап қотди:

— «Когда дают бери, когда бьют беги!» Шундайми, жўра!

Ташқаридан — муассаса «Даъватхона»сига ўрнатилган овозкучайтиргичли радиодан хонанданинг хониши ним қоронғу камерага ҳам аниқ эшитилиб турарди:

«Дейдилар: ит хурар, ўтадир карвон,

Ранжу маломатда куймасин жонинг.

Алам қилар экан бир умр гирён,

Итлар орасидан ўтса карвонинг!»

Баҳодир қўшиқ таъсирида анча вақт бир нуқтага тикилгани-

ча жим қолди. Кейин хаёлга берилди:

«Охири бормикан бу ноҳақликларнинг? Бор бўлса, қачон? Наҳот оилам осойишталиги, шаъни учун олган қасосим боис қайта-қайта ноҳақликка дуч келаверсам?»

Шу они кўз ўнгидан Раҳимга ўқ узган лаҳзаси ўтди. Баҳодир Юнусни оғир яралаб, Раҳимнинг уйига боргач, уни чақирди. Раҳим оқсоқланиб чиқаётиб, чап қўлини ўнг биқини томонга узатди. Бироқ тўппончани олишга улгурмади. Автоматдан отилган ўқлар қуролга узатилган қўлни, билакка тақилган тилла соатни ва қорину кўкракни тешиб ташлади.

— Агар мен эмас, Раҳим чаққонлик қилиб мени отиб ташлаганида... Унга нари борса, ўз-ўзини ҳимоялаб, одам ўлдирган деган айблов қўйилар эди, — деб ўз-ўзига гапирди Баҳодир.

Шу пайт яна радиодан хонанданинг хониши эшитилди:

«Ҳақиқат бор, ҳақиқат аччиқ,

Шундан доим балога дучор...»

«Кормушка» дейилувчи туйнукнинг шарақлаб очилиши хониш ва хаёлни тўзғитиб юборди.

— Баҳодир, этапга тайёрлан! — деди кўкрагига МБНЁ ҳарфлари битилган темир нишон тақиб олган зобит.

Эрта тонгда Баҳодирни Навоий вилояти томон йўналган «Столипин»га олиб чиқишди...

28.02 – 31.03.2004 й. Тошкент

ЛАЙЛОНИНГ АЯНЧЛИ ҚИСМАТИ КРИМИНАЛ-САРГУЗАШТ ҲИКОЯ

1. ИБЛИС ТУЗОҒИ

Хона эшиги оҳиста очилиб, остонада Лайло кўринди. Ичкарига бир қадам қўйди-ю, тўхтади:

- Чақиртирган экансиз... - деди синиқ овозда.

Оромкурсида ястаниб, сигарет тутатиб ўтирган қориндор эркак тасдиқ маъносида бош силкиди.

- Киравер, эшикни ёп, - деди кейин буйруқнамо.

Аёл шошилмай эшикни ёпиб, хона тўридаги стол яқинига келиб тўхтагунича ўн сония чамаси вақт ўтди. Бу қисқа лаҳза ичида қориндор эркакнинг шаҳватли назари хипчадек жувонга қадалган қўйи шаҳвоний ўйлари гужғон ўйнади:

«Қоматни қара-я, қоматни! Гулдор халат ичидаги бадан оп-

**поққина бўлса керак, қўллари оппоққина-ку!.. Барибир ния-
тимга егаман...»**

Аёлнинг стол яқинига келиб тўхташи қориндорнинг хаёлини бўлиб қўйди. Бироз сўзсиз қолдилар. Ўнғайсизланган Лайло кириш олдидаги гапини такрорлади:

- Чақиртирган экансиз?..

- Так, так, - деди қориндор, кейин дабдурустдан сўради: - Қанча камомаднинг борлигини биласанми?

Жувон жавоб ўрнига бошини қуйи эгди.

- Уч миллион, - ўзи жавоб қилди эркак. - Уч мил-ли-о-о-о-н, а?! Хўш, тўлайдиларми?

- Жуда унчалик эмасдир, Шокир ака, - деди аёл паст овозда.

- Нима? - ўридан турди эркак. - Нима, ҳали мени ёлғончи қилмоқчимисан? Мана бўлмаса, ўқиб ол ўзинг: тафтишчининг баённомаси-ю хулосаси!

Шокир бир даста қоғозни Лайлога узатди. Аёл оларини ҳам, олмасини ҳам билмай, қоғозларга тикилиб қолди.

- Хуллас, - деди қориндор эркак аёлга еб қўйгудек тикилиб, - ўн беш кун ичида тўлашинг шарт!

Лайло чўчиб тушди:

- Менда бунча пул йўқ! - деди кўзларини катта-катта очиб.

Шокир унинг юзига тикилиб қолди: **«Нақадар асал, а! Кўзларини қара, кўзларини. Чиройи бунча тиниқ бунинг...»**

- Хўп, унда нима қиламиз? - сал юмшаган бўлди.

- Билмасам, - деди жувон нигоҳини қайтадан ерга қадаб, - лекин менда бунча пул йўқ!

Шокир ўзича чора излаган бўлиб у ёқдан бу ёққа юрди, сигарет тутатди.

- Лайло, сен стулга ўтириб олгин, чиройли оёқларинг оғриб қолмасин, - деб қўйди кейин.

Қарийб ўн дақиқа шу зайл ўтди. Эркак чора ўйлар, пул топиш чорасини эмас, рўбарўсидаги соҳибжамолни тўшакка тортиш ҳақида ўйларди. Ўйлаб бўлди чоғи, жувоннинг тепасига келди.

- Қарзни фақат пул билан тўлашинг шарт эмас, - деди илжайиб. - Пул ўрнига натура ҳам бўлаверади.

Аёл тушунмади. Саволомиз тикилди.

- Яъни, пулни мен тўлаб юбораман, - давом этди Шокир. - Эвазига сен натура берасан.

- Қандай натура? - ажабланди Лайло.

Эркак тамшаниб, ютиниб қўйгач, мақсадга кўчди:
- Ўзинг, бутун вужудинг билан натура бўласан. Нима... ейи-
либ қолармидинг?

Аёл карахтланиб қолди. Сўнг ҳушини йиғиб, жавоб қайтарди:

- Ўйлаб гапиряписизми, Шокир ака? Ахир, менинг оилам бор!

Эркак оҳиста уҳ тортиб, елка қисди:

- Рост, мен сенга ёрдам қилмоқчи эдим. Уч миллионга ўнта
ўн етти ёшли очилмаганини топиш мумкин. Майли, ўзинг била-
сан...

Аёл эшик томон йўналди. Остонага икки қадам қолганида
Шокир уни тўхтатди:

- Ҳа, айтганча Лайло, оилангни эслатдинг. Агар камомад бўйича
ҳужжатлар тегишли жойга берилса, ўн йилга кетасан. Ўн йил
ичида оиланг... Худо билади, сени йўқлармикан? Эрингнинг аҳволи
ўзингга маълум, сонда йўқ, санокда бор...

Лайлонинг бошига гурзи билан урилгандек бўлди. «Ўн йил»-
ни эшитиб, оёғида мажол қолмади. Эшик кесакисига суянганича
туриб қолди. Кўз олдидан икки боласи ўтди фақат. Қулоғи остида
Шокирнинг кинояси янгради: **«эринг... сонда йўқ...»**

Аёлнинг ҳолатини кузатиб турган Шокир пиёлага ярим қилиб
чой қуйди. Чойни келтириб узатар экан, иккинчи қўли билан
Лайлонинг хипча белидан қучоқлади:

- Мана буни ичиб юбор, ўзингга келасан...

Аёл ҳам беихтиёр илиқ чойдан ҳўплади. Сал ўтмай чуқур
нафас олди.

- Эртага эрталаб еттига келгин, - деди Шокир аста шивир-
лаб. - Икки кунга Сижжакка бориб келамиз. Камомад ҳақида
эса... Дам олиб келгач, масалани ҳал қиламиз...

Лайло индамай, бўшашган кўйи хонадан чиқиб кетди.

2. ДАЛА ҲОВЛИДАГИ ТУН

«Танизорим игна учинда

Кўзларимда порлар қора тун...»

Аёл ярим кечагача ухлай олмади. Кўзини юмди дегунча Шо-
кирнинг илжайган башарасини кўрар, **«эрталаб соат еттига кел-
гин»**, деган овозини эшитгандек бўларди. У икки ўт орасида
ёнарди гўё.

Соатнинг жиринглашидан чўчиб уйғонди. Истар-истамас

ўрнидан турди. Юзини совуқ сувда қайта-қайта ювиб, уйқусини қочиргандек бўлди. Кейин шошилмай кийим жавони томон юрди...

Айтилган вақт - соат еттида фирма жойлашган бинога келди. Шокир машинасига суянган кўйи сигарет чекиб турарди.

Қисқагина салом-алиқдан сўнг эркак жувонни машинага таклиф қилган бўлди. Катта йўлга чиқишгач, Шокир илжайганича гап бошлади:

- Лайло, маршрутга бироз ўзгариш киритдик. Сижжақда об-ҳаво чатоқроқ экан, шунинг учун «Красногорск»ка борамиз.

Аёлга шу лаҳзада фарқи йўқ эди, назарида Швейцария ҳам унинг учун бу дунёнинг жаҳаннами бўлиб туюларди. Қаерда бўлмасин, айтилган икки кунни ёнидаги қориндор иблис билан ўтказса-ю қарз деган балодан қутулса...

Шокир магнитофонни ёқди. Атайлаб қўйилгандек, шўх ялла янгради:

«Ачом-ачом қиласиз, юзларимдан ўпасиз...»

Эркак «ҳа, дўст» деганича кўшиққа ўзича жўр бўлди:

- Ачом-ачом қиламиз, лаблариздан, томоғиздан ўпамиз, тишлаб-тишлаб ўпамиз...

Соат ўн бўлмасидан, кўзланган манзилга етиб келдилар.

- Фариштам, шу ерга кўнамиз, - деди эркак мамнун оҳангда.

Орқа ўриндиққа қатор териб қўйилган халтачалар олиниб, дала ҳовли саҳнидаги юмалоқ столга тахланди. Кейин Шокир Лайлога имо қилди:

- Юр буёққа!

Жувон сўз демай унга эргашиб, ётоқ учун мўлжалланган нимқоронғу хонага кирди.

- Мана бу жовонда, - кийим шкафини кўрсатди эркак, - халатлар бор. Эгнингдагиларни ечиб ташлаб, лойиғини кийиб чиқ, даҳлиздаги шиппакни ҳам кийиб ол.

Лайло хонада ёлғиз қолди. Беш дақиқа чамаси карахтланиб тургач, тақдирга тан берди - аввал бурма ёқали кўйлагини ечиб ташлади, сўнг ички кийимларини. Онадан туғилгандек ҳолатда жавон эшигини очди. Очдию, қотиб қолди: эшикнинг ички томонига ўрнатилган катта кўзгудан баланд бўй, хипча бел, узун оёқ, маммалари диркиллаган кумуштан нозанин - ўз акси ҳайрат аралаш тикилиб турарди. Жувон бир сесканди-ю, илгичдаги халатлардан бирини юлиб олиб, кўкрагига босди. Кўзгудаги нозаниннинг ҳам кўксидан тўпиғига қадар гулдор мато тортилганини

кўриб, енгил тин олди. Сўнг жавон эшигини ёпиб, халатни кийди. Даҳлизга чиқди-ю, учи қайрилган енгил оёқ кийимини кийди. Аёл ҳовлига тушганида Шокир енгларини шимарганича гўшт майдаларди.

- Чиқдингми, фариштам, - деди жувонга суқланиб. - Воҳ-воҳ-воҳ, жуда очилиб кетибсан-ку!

Аёлнинг бир жойда туриб қолганлигини кўриб, йўриқ берди:

- Кел, қарашиб юбор, пиёзни тўғраб, картошка арч, анави ерда газўчоқ бор... Юмалашиб бир димлама ейлик.

Жувон индамай юмушга чалғиди. Шокир гўшт, қуйруқни тўғраб бўлиб, стол четидаги қоғозга ўроғлик алланимани ўзига томон тортди.

- Бу нима, биласанми, асал? - сўради илжайган кўйи. Кейин қоғозни очиб, аёлга имлади. - Қарагин, нима экан?

Жувон истар-истамас назар ташлади.

- Билмадинг-а, - кулди эркак, - бу белнинг қуввати, буни «лампочка» дейишади, ҳи-ҳи-ҳи!..

Димлама олдидан ташланган жизза билан Шокир бир шиша коньякни ичиб олди. Лайло номигагина ул-бул еган бўлди. Пешин - соат иккига яқин димлама сузилди. Лаган охирлагунича, эркак яна ярим шиша коньяк ичди.

- Мени уйқу босяпти, Лайлошка, - деди Шокир бироз гўлдираб. - Спальныйгача етиб олишимга ёрдамлаш.

Жувон уни салгина суяб, ётоқхонага олиб кирди. Шу пайт кутилмаганда... ҳозиргина маст аҳволдаги эркак бирдан тетиклашди. Хона эшигини ёпиб, аёлнинг белидан сиқиб қучоқлади. Юзи, лаби, томоқ ва нимочиқ сийнасида тўхтовсиз ўпганича каравотга ётқизди. Лайло аввалига сал қаршилиқ қилди, лекин шунга мажбур эканлигини ўйлаб, қўлларини икки ёнига туширганича, юзини ўнг тарафга буриб олди.

3. ИБЛИСНИНГ МАКРИ

«Бунча ғариб... разиллар кўп дунёда»

ДАЛА ҳовлида кечган икки кундуз, икки кеча Лайло руҳиятини абгор қилиб ташлади. Айниқса, иккинчи оқшомдаги талаб...

Аёл уйига қайтгач, фарзандларининг кўзларига қарай олмади. Уч кунгача уйдан кўчага чиқмади ҳисоби. Учинчи кун дўкон

қоровули бўлиб ишлайдиган йигит келиб, Шокир йўқлаганини айтди.

- Тез борар экансиз, - деди қайта-қайта.

Аёл Шокирнинг хонасига кирганида, мудир оёқларини столга қўйиб ўтирарди.

- Ҳа, кўринмайсан? - гапни саволдан бошлади Шокир. - Ё чарчатиб қўйдимми?

Лайло руҳан қаттиқ толиққанди.

- Бироз тобим бўлмади, - деди гапни чўзмай.

- Гап бундоқ, кечга томон саккизда кел, иш бор!

- Қандай иш? - аёл эътирознома сўради.

- Тобинг йўқлигини айтдинг-ку, «дўхтир-дўхтир» ўйнагани борамиз! - заҳарханда жавоб қилди Шокир. Кейин санчиб олди: - Ё ўтган ҳар бир тунни бир ярим миллион сўмдан ҳисоблаб қўйдингми?

Аёл нигоҳини ерга тикди. Йиғлаб юбормаслик учун пастки лабини тишлади...

Шокирнинг бу жирканч ўйини қарийб икки ой давом этди. Ниҳоят Лайлонинг ҳам сабри тугади.

- Шокир ака, камомад қопланиб қолгандир? Қачонгача мени нотинч қиласиз? - деди Лайло ярим ғазаб аралаш.

Эркак аввалига индамай турди. Сўнг жувоннинг қўлларидан тутиб, жавоб қилди:

- Деярли қопланиб қолди, яна дала ҳовлига бир марта чиқиб келсак, ора очиқ!

- Эркакча гапми? - сўради аёл.

Шокир бош ирғади.

Шу суҳбатдан икки кун ўтиб, тушликка яқин Лайлони чақиртирди. Аёл киргач, гап уқтира кетди:

- Ҳозироқ уйингга бориб, яхшилаб кийин, тилла тақинчоқларингни тақиб безан. Хуллас, келинчақдек бўл! Икки соатдан кейин Тошкентга кетамиз. Камомад масаласи ҳал бўлибди яхши томонга. Қайтишда дала ҳовлида қолиб, эргалаб келамиз. Бўла қол, фариштам!

Лайло «ошиқ-мошиқ», шаҳвоний ўйинлардан жуда тўйганди. Яна бир кечага чидаса, эркин қуш бўлишини эшитиб, уйига шошилди. Анчадан бери қилмаган пардозини қилди. Кўпдан бери тақмай қўйган тилла тақинчоқларини сандиқдан олди.

Келишилган вақтда Тошкентга жўнадилар. Пойтахтга келиб,

тўртта идора олдида тўхташди. Ҳар гал Лайло машинада қолди, Шокир эса папка қўлтиқлаб, ичкарига кириб чиқарди.

- Ана бўлди, - деди Шокир тўртинчи идорадан чиқиб, машинага ўтиргач. - Қарздан ҳам қутилдик ҳисоб. Энди бирор жойга кириб, яхшилаб овқатланамиз! Ё дачага кетдикми?

Аёл елка қисди. Шокир машинани юргазди. Йўл-йўлакай нон, коньяк, қовурилган жўжа харид қилиб, дала ҳовлига юришди.

Овқатланишаётганида Шокирнинг тўхтовсиз қистови билан Лайло бир пиёла коньяк ичди. Иккинчи пиёладан сўнг ўзини енгил сезиб, сархушланди.

- Икки ой ўзингни мажбурлаб, тўшакка ётдинг, - деди ширакайф Шокир. - Ҳеч бўлмаса, охирги кечани маза қилиб ўтказайлик!

Коньяк таъсириданми, Лайло кулиб юборди:

- Ўзингиз-ку, бундай охирги нуқтага етказа олмай, тугатиб қўядиган!

Эркак довдираб қолди, лекин жавоб топди:

- Ғўладек ҳиссиз ётганингдан кейин менинг ҳам ҳафсалам ўлади-да! Қани сен ҳам жон-жаҳдинг билан ёпишсанг, типирчиласанг...

Бу кеча Лайло ҳам негадир шуни хоҳлади. Гарчи ўзи истаган қониқишини олмаган бўлса-да, бу галгиси аввалгидан фарқли кечди...

Эрталаб ювиниб чиқишгач, Лайло шошиб қолди.

- Шокир ака, Шокир ака, - деди йиғлағудек аҳволда, - тилла тақинчоқларим қани?

- Тилла тақинчоқларми? - шошилмай жавоб қилди эркак, - тилла тақинчоқлар эгасида!

Лайло ҳеч нимани англамади. Қўлларига, кўксига қаради. Қулоқларини ушлаб кўрди.

- Йўқ-ку, эгасида! - деди талмовсираб.

- Янги эгасида! - таҳдидли таъкид қилди Шокир, - яъни, менда!

Лайло баттар довдиради, полга ўтириб олди.

- Қўйинг-ей, ҳазилингиз қурсин, - деди зўрма-зўраки кулимсираб.

- Қанақа ҳазил? Ҳазил тугади! - чўрт кесди эркак. - Нархингни билиб қўй, нари борса, бир кечалинг беш минг сўм! Бу ер Дубай эмас, ишонмасанг, сўраб кўрарсан. Икки ой ичида йи-

гирма марта ётдинг, демак, юз минг сўм. Тақинчоқларинг ана бир миллион тўрт юз минг бўлсин. Яна бир ярим миллион сўм қарзинг қолади. Ёки бориб нархлатамизми тиллаларингни? Қайтишда камомадга оид ҳужжатларни битта идорага ташлаб келардик. А, лаббай?

Лайло полга мукка тушиб, йиғлаб юборди...

4. ҚОТИЛЛИК

Орадан икки ҳафта ўтди. Аёл ўзини кун сайин, соат сайин ич-ичидан кемирар, кундан-кунга ғариблашиб борарди. Топилган ному, алданган ишонч, йўқотилган ғурур ва қўлдан чиққан зеб-зийнат алами қоришиб, унинг вужудини куйдирар, теран мушоҳадаларни кишанлаб, хаёлларини боши берк йўлакка ҳайдарди.

Шу орада ҳарбийга кетган жияни хизматни тамомлаб келди. Лайло билан кўришаётиб, аёлнинг синиққан чеҳрасига тикилиб қолди...

- Юринг Лайло опа, бир айланиб келамиз, - деб туриб олди эрталаб нонуштадан сўнг жияни.

Аёл аввалига кўнмади, лекин жиян ҳоли-жонига қўймагач, кийиниб чиқди. Туман марказига бордилар. Истироҳат боғига ўхшатиб ташкил қилинган оромгоҳга киришди. Холироқ бўш ўриндиқ томон юрдилар.

- Лайло опа, - деди жияни аёлнинг рўбарўсига чўккалаб, - ким сизни хафа қилди?

Лайло нима деярини билмай қолди. Шунда икки ҳафтадан буён юрагини кемириб ётган аламлар кутилмаганда бўғзига қадалди-ю, ўзини тутолмай, йиғлаб юборди. Узоқ йиғлади, ўксиб-ўксиб йиғлади. Жияни ҳам овутмади - аёлни ўз эркига қўйди.

- Энди гапиринг, ким хафа қилди? - саволни такрорлади у.

Лайло дардини ичига сиғдира олмади. Бор гапни, бўлиб ўтган воқеаларни гоҳ йиғлаб, гоҳ бош эгиб, гоҳ ғазабланиб, жиянига сўзлаб берди.

- Шунақа гаплар, Мансуржон, - деди гап охирида. - Ҳозир бир ой муддат берган, бир ярим миллион сўм топишим учун! Акс ҳолда ҳужжатларни тегишли идорага топширармиш. Бир ойнинг ўн беш куни ўтди.

Жияни бир нуқтага тикилганича ўйга толди. Кейин сўради:

- У мараз дала ҳовлига тез-тез борадими?
- Кўпинча якшанба кунлари. Нима эди?
- Менимча, тақинчоқларингиз ҳам, агар бор бўлса, сизга пин-санда қилган ҳужжатлари ҳам ўша ерда.
Аёл елка қисди.
- Менга дала ҳовлига бориш йўлини чизиб беринг, - деди Мансур. - Каллага бир фикр келди.
- Нима қилмоқчисан? - ҳайратланди аёл.
- Қўрқманг, ҳаммаси яхши бўлади!
Уйга қайтишгач, Лайло бир варақ қоғозга дала ҳовлига бориш йўлини ва у ердаги хоналар жойлашувини чизиб, қисқа изоҳлаб ёзиб берди.
Жияни хайрлашар олдидан яна «яхши бўлади»ни айтиб, чиқиб кетди. Ўша куни ҳафтанинг чоршанбаси эди...
Якшанба куни пешиндан кейин Лайлони икки киши йўқлаб келди: бири фуқаро кийимида, иккинчиси ҳудуд участка ноziри.
- Раҳмонова сизми? - сўради фуқаро кийимидаги.
Лайло тасдиқ ишорасини билдиргач, ташрифчи ўзини танитди:
- Мен вилоят ички ишлар бош бошқармасидан Ризаевман, мана ҳужжатим. Илтимос, паспортингизни олиб, биз билан борсангиз.
Аёл ҳолсизгина бош ирғаб, паспортини олиш учун ортига бурилди. Ризаевнинг имоси билан участка ноziри Лайлога эргашди.
Ярим соат ўтар-ўтмас, бошқармага келдилар. Қатор хоналардан бирига киргач, Ризаев аёлни ўтиришга таклиф қилди. Кейин бир варақ оқ қоғоз, ручка қўйиб, мулойимгина гапирди:
- Лайлохон, малол келмаса, шу қоғозга исми-шарифингиз, туғилган йилингизни тўлиқ ёзиб беринг.
Аёл шошилмай айтилганни ёзди. Ризаев қоғозни ўқиган бўлди. Кейин темир сейфни очиб, ичидан бир варақ қоғозни олди. Ҳар икки варақни солиштириб, сейф ичига ташлади. Лайлога ўтирилиб, шошилмай стулга ўтирди. Стол тортмасидан сурат олиб, аёлга кўрсатди:
- Бу одамни танирмидингиз?
Сурат Шокирники эди. Аёл тек қотди. Кейин бир ютиниб, тасдиқ ишорасини қилди.
- Яхши, - деди Ризаев, тортмадан яна бир суратни олиб кўрсатди, - буни-чи?

Лайлонинг кўзи Мансур суратига тушди.

- Мана бу қоғоздагиларни ҳам, ҳойнаҳой, сиз чизган бўлсангиз керак, чунки дастхатлар ўхшаш келяпти, - Ризаев сейфдан икки варақни олди.

Варақлардан бирида Лайло ҳозиргина ёзган маълумот, иккинчисида Мансурга чизиб, изоҳлаб ёзган чизмаси бор эди. Аёл қоғозларга тикилиб турди-ю, ҳушидан кетиб, полга қулади...

* * *

Мансур дала ҳовлига бориш чизмасини олгач, икки кун хаёлида режа тузиб юрди.

Шанба куни эрталаб атайин катта йўл четига чиқиб турди. Бир соат ўтар-ўтмас Шокирнинг машинаси кўринди. Машинада бегона одам йўқ, рудда Шокирнинг ўзи. Машина ёнгинасидан ўтди. Орқа ўриндиқда картон қути турганини кўриб улгурди Мансур. Кейин кечгача кўча кезиб, вақт ўтказди.

Кун асрдан ўтгач, йўлга тушди. Дала ҳовлига етмай, икки юз метрча беридаги сув бўйида тўхтади. Қўлидаги халтачани кўз илғамас жойга қўйиб, сал наридаги сершоҳ дарахт ёнига бориб ўтирди. Атрофни қоронғулик босиб, сукунат янада қуюқлашди.

Мансур сира шошилмасди. Болалигидан тоқатли. Ҳарбийда янада чиниқди. Олти ой бокс, бир йил самбо билан шуғулланди. Етук спортчи бўлмаса-да, чайир йигит бўлиб қайтди ҳарбийдан...

Фосфор юритилган мил ва рақамли соат тунги иккини кўрсатарди. Мансур ёлғизоёқ йўлга чиқди. Дала ҳовлига яқин боргач, халтачани ерга қўйди. Шошилмай ниқоб, қўлқоп ва икки қулоч чамаси икки бўлак чилвирни олди. Ниқобни бошига, қўлқопни қўлларига кийиб, чилвирни белига боғлади. Сўнг эҳтиёткорлик билан панжарани ошиб ўтиб, чизмадан эслаб қолгани бўйича ётоқхона томон йўналди. Эшиги қия очиқ ётоқ ой нуридан гирашира ёруғ эди.

Шокир хуриллаганича ухлар, ёнидаги аёл ҳам қип-яланғоч пишилаб ётарди. Мансур оёқ учида каравотга яқин бориб, эркакни хишпа бўғди-ю, жағ қисмига кетма-кет икки мушт урди. Кейин шошилиб оёқ-қўлларини боғлади. Беихтиёр кўзи яланғоч аёлга қадалди. Ҳайратдан қотиб қолди. Оёқларини кериб, пишилаб ухлаётган аёл Мансурдан икки ҳовли нарида турадиган Гулшан эди. Эндигина йигирма беш ёшга кирган Гулшаннинг эри икки ой олдин қайсидир республикага ишлаш учун кетганини Мансур эшитганди.

«Ифлос, эри оиласи учун мусофирчиликка кўниб, ишга кетсаю, бу қанжиқ... тфу...»

Мансур ўзини тутта олмай, аёлни ҳам хиппа бўғди-ю, икки мушт туширди. Кейин чойшабни йиртиб, унинг ҳам оёқ-қўлини боғлаб ташлади. Чойшабдан қолган бўлакларни ғижимлаб, бирини Шокирнинг оғзига, иккинчисини Гулшаннинг оғзига тиқиб қўйди. Кейин тақинчоқлар ва қоғозларни қидиришга тушди. Топа олмагач, Шокирни ҳушига келтиришга мажбур бўлди. Томоғига тиралган пичоқ Шокирни «сайратиб» юборди. Бир зумда яширин ковак — остона остидаги «начка» очилиб, тилла тақинчоқлар олинди. Кутилмаганда Мансур кийган ниқобнинг тепа қисми эшик тутқичига илиниб қолди. Бехабар йигит тақинчоқларни жойлаш учун ўрнидан шаҳд билан турди-ю, ниқоби ечилди.

Вақт ўтган, Шокир уни таниб улгурган эди. Аламига чидай олмаган Мансур бор кучи билан Шокирнинг юз қисмига мушт туширди. Йигит шуури мувозанатини йўқотган эди. Шу орада Гулшан қимирлаб қолди. Уни ҳам урмоқчи бўлди-ю, лекин бирдан тўхтади. Аёлнинг дуркун кўкраклари силкиниб, силлиқ қорни ялтираб, йигитдаги ғазабни эҳтиросга айлантирди...

Мансур чайинган бўлди-ю, кетиш кераклигини англади. Лекин боши қотганди: уни иккиси ҳам кўрди.

Кейин шошилиб Шокирнинг ерда ётган шимини олиб, чўнтақларини титкилади. Бир тахлам пул чиқди, кейин машина калити. Пулни ўз чўнтагига солиб, калитни полга улоқтирди. Уч-тўрт сония ўйлаб тургач, Шокирни бўғиб ўлдирди. Гулшанни эса... Шокир боғланган чилвирни сиртмоқ қилиб, аёлнинг бошидан ўтказди. Сўнг куч билан тортди-ю, тугун солди.

Мансур дала ҳовлидан чиққанида тонг энди оқара бошлаган эди. Катта йўлгача камида икки километр бор. Аммо катта йўлга чиқишга улгурмади. Икки кун аввал шу атрофда ўғирлик юз берганлиги, айбдор тутилмаганлиги боис назорат кучайтирилганлигидан Мансур буткул бехабар эди. Катта йўлга яқин жойда соқчилик хизмати ходимлари томонидан тўхтатилди. Чўнтагидан чиққан чизма эса, Мансурни ушлаб қолиб, синчиклаб текширишларига асос бўлди. Тилла тақинчоқлар эса ҳибс этилишига кифоя қилган эди...

ДЕВОР УСТИДАГИ ЖАСАД

КРИМИНАЛ-САРГУЗАШТ ҲИКОЯ

**«Оғайнинг олақарға бўлса,
емишинг гўнг бўлади!»**

Мақол

МАҲҚУМЛАР жойлашган махсус машина «Зековоз» қаттиқ тартибдаги колония ҳудудига ўтгач, янги келтирилганларни қабул қилиш жойи - «Интизомий бўлим»га киравериш эшигига тақалиб тўхтади. Кузатиб келувчилар ва қабул қилувчи томон ўрта-сидаги расмиятчилик тугагач, беўхшов гавдали, қориндор прапоршчик машина ичига қараб ўшқирди:

-Эшик очилиши билан учиб чиқасанлар. Учишни билмаганинг ўзингдан кўр!

Кейин буйруқ бўлди: «Қани, бошладик!»

Солдат маҳкумлар ўтирган биринчи бўлма эшигини очди:

-Қани, олға! Биринчи, иккинчи...ўнинчи...

Нари борса, ўн беш кишига мўлжалланган тор чўзинчоқ бўлмадан йигирма тўрт нафар маҳкум камон ўқидек отилиб чиқиб, «Интизомий бўлим» ҳовлисидаги атрофи панжара билан ўралган саҳнга учиб боришарди. Машина билан бу усти очик қафас оралиғи 10 метрдан ошмас, аммо бу ораликда «тирик йўлак» - қўлларида резина гаврон тутиб тизилиб турган назоратчилар ваҳимаси маҳкумлар ҳаракатини янада тезлаштирарди.

-Жами 47 нафар! - Бир овоздан такрорлади назоратчилар. Сўнгра навбатдаги буйруқ берилди:

-Икки қатор бўлиб сафланинглар, қатор ораси бир метр бўлсин!

Маҳкумлар саф тортишди. Жиккақдан келган лейтенант ёнида уч нафар сержант билан саф қаршисига келди:

-Биринчи марта судланганлар ўнг томонга ўтсин!

Йигирмага яқин маҳкум ўнг тарафга ўтди. Лейтенант улар орасидаги калта иштон-шортик кийган бир маҳкумни кўрсатди:

-Сен, бери кел, яқинроқ!

Маҳкум ҳадик аралаш яқин келди.

-Статьянг? -сўради лейтенант.

-166, част 3!

-Ў-ў, зўрсан-ку, «добрий вечер» дегин. Блатноймисан?

-Йўқ!
-Демак, футболчисан.
-Йўғ-ей, начальник, мужикман.
-Нима, мужик? Нега бўлмаса сонингни кўрсатиб юрибсан?
Маҳкум талмовсиради.
-Ўнта дубинка, мужик бўлса - чидайди!
Кейин рўбарўсидаги сафга қаради:
-Сенлар камида иккинчи бор қамалишларинг. «Серқуёш»ни
биладиганлар чап томонга ўтсин!
Ўндан ортиқ маҳкум чап тарафга ўтди. Лейтенант уларга бу-
юрди:
-Қани, бошладик. Бир, икки, уч...
Ижро маъқул бўлди шекилли, қолганларга қаради:
-Ҳозир матнни илиб қўямиз, ёд олиш учун ярим соат вақт.
Сенлар ва биринчи қамалганлар ёдлайсанлар. Охирги савол: Хўш,
блатнойлар борми? Зонадан бош тортувчилар-чи?
Кечга яқин «шахсий ҳужжатлар» бўйича расмийлаштириш
бошланди.
-Эҳ-ҳе, -деб юборди бир капитан, -Оқбўтаев, нима иш қилиб
қамалгансан?
Элик ёшлар чамаси маҳкум индамай ерга қаради, кўзлари-
дан ёш сизди.
Капитанга яқин турган бир сержант сўради:
-Статяси неччи экан?
-119.
-Нима у?
Капитан қовоқ уйди:
-Ўзидан сўра!
Сержант резина гаврон билан маҳкумнинг белига урди:
-Нима иш қилгансан?
Маҳкум оғриқдан инграб юборди:
-Тухмат, начальник, худо ҳақи тухмат. Хотиним ўйнаши би-
лан тил бириктириб, менинг бойлигимни эгаллаш учун шунақа
қилди.
Капитан бироз тикилиб тургач:
-Исботлангандирки, ўн бир йил берибди, -деди, сўнг сўра-
ди, -қаерда ишлардингиз?
-Молияда.
-Уй-жой, дача, машина бормиди?

-Бор эди.
-Хотинингизнинг ўйнаши ёшдир, қаерда ишларди?
-30 ёшда эди, мелесада ишларди.
Капитан столни чертиб, бироз жим қолди. Кейин кутилмаган гапни айтди:
-Барибир ўн бир йил берар экан, шартта ўлдириш керак эди. Наридан борса ўн беш йил берарди.
Маҳкум капитанга тик қаради:
-Мент бўлсанг ҳам эркак гапни айтдинг, начальник. Майли савобнинг кечи бўлмайди, бир кун чиқарман ўлмасам!..
«Карантин» дейилган ўн кунлик муддат ўтди.
-Бугун зонага чиқасанлар. Билиб қўйларинг, кўчага кетиш ниятларинг бўлса, тинч юрларинг. Акс ҳолда иккита изолятор, учинчиси-ПКТ, иккинчи ПКТдан кейин раскрутка, яъни жазо муддатинг кўпаяди, -деди лейтенант, сўнгра ниманидир эслагандек маҳкумларга қаради, -Оқбўтаев Жовли!
-Мен.
-Сиз мен билан юринг.
Маҳкум лейтенантга эргашиб ҳовлига чиқди, ундан бошқа бир қаватли бинога киришди.
-Шу хонага кирасиз!
Маҳкум кўрсатилган эшикни очиб, тўрда ўтирган капитанни таниди.
-Келинг, Оқбўтаев, -деди зобит.
Жовли унинг қаршисидаги стулга ўтирди.
-Сигарет, чой, егуликларни олиб турибсизми? -хиёл кулим-сиради капитан.
Маҳкум шошиб қолди:
-Ҳа, лекин...
Капитан унинг гапини бўлди:
-Бу ер шунақа жойки, маҳкум зоти отасига қайишмайди. Айниқса, сизникига ўхшаган жиноят учун қамалганларга! «Айблов хулосаси» келган куни турмада камерадошларингиз сизни калтаклашгани, идиш-товоғингизни бўлак қилишгани ростми?
Жовли индамай ерга қаради.
-Бу ер турма эмас, зона, -давом этди капитан, -қолаверса, бу ерда турмага қараганда бир-бирини ейиш жуда осон. Ем бўлишни хоҳламасиз?
Маҳкум карахт бўлиб қолди. Орага жимлик чўқди.

-Эсли, тушунган одам кўринасиз. Гап бундоқ, эртадан ҳамма қатори ишга чиқасиз, номигагина ишлаб юраверасиз. Норма учун қайғурманг. Қариндошларингиз учрашувга келгунча ейиш-ичиш, чекишдан ҳам қийналмайсиз. Иш вақтида, ётоқ жойида у ёқ-бу ёққа кўз ташлаб юрсангиз бўлди. Хуллас, мени тушунгандирсиз. Келишдикми?

Жовли ҳамон миқ этмай ўтирарди. Капитан кейинги босқичга ўтди:

-Мана бу нима? -деди стол устидаги қаламтарошни кўрсатиб.

-Пичоқча, -ҳайратланди маҳкум.

-Агар келишсак, бу пичоқчалигича менда қолади, келишмасак, таъқиқланган буюм сифатида сизники бўлади-ю, сиз 15 сутка ШИЗОга кетасиз. Кейин яна битта 15 сутка, у ёғи уч ой ПКТ!

Жовли қўрқиб кетди:

-Келишдик, начальник, лекин аристонлар сезиб қолса...

-Ахир, молияда ишлагансиз, бу соҳадагиларга «киши билмас»-ни ўргатишга ҳожат йўқ менимча.

Хонадан чиқиш олдида капитан огоҳлантирди:

-Мабодо бирортаси қаерга чиқиб келганингизни сўраса, «расм яхши чиқмабди, бошқатдан суратга тушдим», деб айтинг.

Маҳкум «хўп» деганича чиқиб кетди. Капитан бармоқларини шақирлатиб, кулиб қўйди.

Икки ҳафта ўтиб, ишдан қайтиш чоғи вахта (колонияга кириш)-да старшина унвонидаги мастер Жовлини «нормани топширмаган», деб «Интизомий бўлим»га олиб кетди. Ичкарига киргач, таниш эшикни кўрсатди.

Маҳкум икки ҳафта ичида кўрганлари орасидан капитанни қизиқтирган саволларга тегишлисини ажратиб, жавоб берди.

-Яхши, Оқбўтаев! Энди сизга янгилик. Эртага учрашувга акангиз келади. Бугун иложи бўлмади. Ҳозир тиббий бўлимга борсангиз, эртага ишдан озод қилиб қўйишади. Бемалол дам олиб, ювиниб кирасиз суткалик учрашувга. Аммо бу ҳақда гуллаб юрманг. Кейин акангизга ҳам гапирманг ўзаро ҳамкорлигимизни...

...Шу зайлда орадан уч йил ўтди. Ҳар йили бериладиган амнистия туфайли кўпчилик қатори Жовлининг ҳам жазо муддати қисқариб, қолган муддатни очиқ шароитдаги манзил-колониясида ўташи мумкин бўлди. Махсус комиссия тавсияси ва суд ажрими билан Жовли Оқбўтаев манзил-колониясига ўтказила-

диган бўлди. Шу арафада капитанликдан майорликка кўтарилган зобит билан сўнгги марта учрашди:

-Хўш, Оқбўтаев, энди кўчага денг,

-Худо хоҳласа, ҳар ҳолда етмиш фоиз озодликка!

-Хизматларингизни унутмайман, Жовли ака. Майорликни олишимда сизнинг ҳам меҳнатингиз бор, лекин айтмай юрардим. Мен ҳам битта яхшилик қиляпман.

Жовли савол аломатида қаради.

-Яъни, -кулди зобит, -кичкинагина яхшилик. Шахсий ҳужжатларингиз орасига сизга ижобий тавсифнома ёзиб, қўшиб қўйдим. Борар жойингизда катта фойдаси тегади.

Жовли севинчини яшира олмади:

-Минг раҳмат, миллион раҳмат. Худо хоҳласа, қутилиб олай, қўй сўйиб чақираман сизни.

Майор кулиб юборди:

-Жовли ака, қачон чақирасиз, хотинингиздан қасд олиб бўлибми ёки ундан олдинроқ-ми?

Жовли жимиб қолди.

-Ҳазил бу, ҳазил. Биринчи куни учрашганимиздаги гапингизни эслатдим-да, Жовли ака! Уч йил ичида билдим-ку сизни, қотиллик қилолмайдиган, кечиримли одамсиз.

Жовли беихтиёр:

-Барибир ҳовлига бир кириб чиқишим шарт. Бўлмаса нафақат қадримни, балки қаддимни ҳам тиклаб олишим қийин, -деб қўйди.

Зобит «бурганинг кўзию балиқнинг изини кўрган»лар хилдан эди. Жовлининг беихтиёр айтиб юборган гапидан кўп нарсани англагандек бўлди...

Жовлининг бутунлай озодликка чиққунича яна ўн етти ой ўтди. Қутилиб келгач, акасининг уйида ҳеч қаёққа чиқмай ётди. Эл кўзига оғир «командировка»дан сўнг ҳордиқ чиқараётгандек эди. Аслида эса...

Жовли Оқбўтаев қамалишидан икки кун олдин катта миқдордаги тилло буюмларни ҳовлиси четидаги ёнғоқ остига кўмиб улгурган, аммо қариндошларникига яширишга имкон тополмаган эди. У қамокдан келгунича хотини уйни сотиб, номаълум ёққа кўчиб кетган, аёлни уйнаши эса, автоҳалокатга учраб, ногирон бўлиб қолганди..

Жовлининг омади юришгандек эди. Ўша куни пешиндан кейин

бошланган ёмғир кучайгандан кучайди. Тунгги соат иккилар чамаси ҳовли орқасидаги тор йўлдан келган Жовли ҳеч иккиланмай ипак чилвирга боғланган илгакни девордан ошириб ташлади. Сўнг «Ё, пирим» деганча ҳовлига ошиб тушди. Белига қистирилган белкуракча билан ўзи аниқ билган жойни ковлай бошлади. Хаёли фақат бир нарса--кўмилган бойликка қаратилгани боис девор оша ўзига томон тикилиб турган совуқ нигоҳни мутлақо сезмади.

Иш хамирдан қил суғургандек битди-брезент халгачадаги ёғоч қутича оғирлигини чамалаган Жовли севинчдан сакраб турди...

...Эрта тонгдан атроф-теварак қий-чув бўлиб кетди. Зудлик билан етиб келган милиция, прокуратура ходимлари манзарани кўриб, лол қолдилар. Худди саргузашт хориж фильмларидагидек: ости кавланган ёнғоқ дарахти, илгак боғланган чилвир ва ярми ҳовли тарафга, ярми кўча томонга осилганча қорни билан девор устида қолган жасад, далилий ашё - марҳумнинг чап кураги остига чуқур санчилган, тиф қисми ариқчалик ўткир пичоқ! Пичоққа қараб туриб, прокуратура вакили изоҳ айтган бўлди:

-Бунақасини фақат маҳкумлар колонияларда ясашади ресордан!

Девор устидаги жасад - сирли қотилликка оид «жиноят иши» кўзгатилиб, суриштирув бошланди.

ЖАҲОЛАТ ГИРДОБИ

БИРИНЧИ ҚОТИЛЛИК

«Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ!»

Халқ мақоли

РАШОТ оиласидан ажралишгач, олти ойгача тентираб юрди. Унчалик «ит ётиш, мирза туриш» тарзида бўлмаса ҳам, аксарият бекорчиларга хос кун кечирди.

Диалетга билан тасодифий танишуви Рашотни ҳам уйли, ҳам хотинли, ҳам тўрт яшар ўғиллик қилди. У аёл билан келишиб, ҳеч бир расмиятчиликсиз оила қурди.

Диалетга фаҳшга мойил, маишатни севувчи ёлғиз аёл бўлиб, ҳатто ўғлининг отаси кимлигини ҳам аниқ билмасди. Профессионал фоҳиша бўлиш учун бу аёлга энди анчайин кўримсизлиги панд берганди. Сочи сийрак, лаблари дўрдоқ, кўзи чақчайган,

оёқлари калта Диалетта нўноқ дурадгор томонидан дидсизларча ясалган барбини эслатар, устига-устак бироз қўланса ҳиди бор аёл эди.

Ўша мудҳиш воқеа куни Рашот кўчадан титраб-қақшаб келди. Аввалига чўян иситгич - батареянинг орасидан эринмай, гугурт чақиб алланимани анча излади, тимирскиланди. Кейин бет-ўхтов сўкинганича шундоқ ҳам жиҳозлари деярли сотиб бўлинган хонани ағдар-тўнтар қилиб чиқди. Излагани топилмади. Шу орада аёл келиб қолди.

- Қани? - кўзлари олайган Рашот Диалеттанинг билегидан қисиб сўради.

- Нега ҳамма ёқни тўзғитиб ташладинг? - саволга савол қайтарди аёл.

- Қани деяпман, мараз, қани? - саволни такрорлай туриб аёлнинг сочига чанг солди Рашот.

Диалетта кўрқиб кетди.

- Нима... нимани сўраяпсан, Рашот? - деди ялинганнамо.

- Батареякалар орасига қўйгандим, зар қоғозга ўраб. Тугмачадек келарди. Ўша нарса қани? Гапир, қанжиқ!

- Худо ҳаққи, Рашотчик, ўзингни бос, мен... мен ҳеч қанақа зар-парни ҳам, тугмачадек нарсани ҳам кўрганим йўқ, жоним, Худо ҳаққи, кўрганим йўқ! - илтижоли жавоб қилди аёл.

Шу пайт эшик тарақлаб очилиб, аёлнинг ўғли- тўрт ёшли Зуфар кирди. Болага кўзи тушган Рашот ниманидир эслагандек бўлди. Болани даст кўтарди.

- Тўғрисини айт, Зуфа, ўтган куни батареякалар олдида ивирсиётгандинг, зарга ўралган тугмачадек нарсани олмадингми?

Бола кўрқиб кетиб, нажот тилагандек онасига қаради. Аёл ундан баттар аҳволда эди.

- Айтақол, ўғлим, Рашот сўраган нарсани олдингми? - дея олди онаси.

- Гапир итвачча, тўғрисини гапир, йўқса ташлаб юбораман сени ҳозир, - деганича Рашот болани тепароқ кўтарди.

Зуфар кўрққанидан қотиб қолганди. Бирдан Рашот уни ташлаб юборди. Бола оғриқдан чинқириб йиғлай бошлаганди, Рашот унинг бошига мушт туширди.

- Ўчир овозингни, ҳароми! Ўлдираман ҳозир. Гапир! Зарга ўралган нарса қани?

Боладан садо чиқмай қолгач, Рашот уни аёвсиз силталай бош-

лади. Бола қаттиқ қўрқиб кетди. Қўрқувнинг кучидан иштонини булғатиб қўйди.

- Ҳа, итвачча, сен зар қоғоз ичидаги героин ўрнига ахлатингни пеш қияпсанми ҳаммаёқни саситиб?! - Рашотнинг вожоҳати шу қадар ваҳшиёна тус олдики, бола ҳам, онаси ҳам овоз чиқаролмай қолишди.

- Ҳозир, ҳозир мен сени тарбиялайман, итвачча! Билиб қўй, ҳароми, булғатишни билган одам тозалашни ҳам билиши керак. Қани ҳароми, ахлатингни қўлингга олгин-чи!

Бола қурқувдан ўз ахлатини чангаллади.

- Энди оғзингга тиқ, е бун!

Диалетга Рашотнинг оёғига ёпишди:

- Ёлвораман, болани тинч қўй, қийнама!

Илтижо эвазига кетма-кет мушт еди, сўнг аёвсиз тепкиланди. Аёл ҳушсиз йиқилди.

- Онанг ўлди, ахлатингни емасанг, сени ҳам ўлдираман, - ўдағайлади болага.

Қўрқиб кетган Зуфар чангалидаги ахлатни оғзига тиқди...

* * *

Аёл ўзига келганида, қоронғи тушиб бўлганди. Чироқ ёқилмагани боис хона ичи ҳам қоронғу эди. Пайпасланиб ўрnidан турди. Боши ғувиллаб, вужуди зирқирарди. Хиёл чайқалганича эшик томонга юрди. Иккинчи қадамни қўяётиб юмшоқроқ ниманидир босиб олди. Аста чўккалаб, оёқ остини пайпаслади.

«Ким бу? Зуфага ўхшайди жуссасидан», хаёлидан ўтказди аёл. Шу вақт чироқ ёқилди. Зуфар бармоқларини оғзига тиққанча миқ этмай ётар, эшик олдида пичоқ тутганича Рашот турарди.

- Овозингни чиқарсанг, болангга қўшилиб у дунёга кетасан! - Рашотнинг кўзларида қон акси бордек туюлди аёлга.

Диалетга ўғлининг эндигина совий бошлаган танасини қучоқлаганича юзини боланинг кўксига босди.

Соат тунги иккени кўрсатарди. Рашот боланинг жасадини қопга солди, жасадга қўшиб бир неча тош ва темир бўлақларини ҳам тиқди. Атайлаб қопнинг бир четини бир қарич йиртиб қўйди. Пастқам, қоронғи йўл билан уч юз метрча наридаги каналга йўл олдилар.

Бир соатга қолмай иш битди - боланинг жасади солинган қоп қорайиб оқаётган канал тубига чўқди.

- Кўмсақ бўларди, Рашот, - йиғламсиради аёл.
- Ўчир, умуман, ўчиб юргин, акс ҳолда сен ҳам сиғадиган қоп топилади, - таҳдид қилди Рашот...

ИККИНЧИ ҚОТИЛЛИК

ОРАДАН тўрт кун ўтиб, хонадоннинг доимий ташрифчиси Галим меҳмонга келди. Ўттиз ёшлар чамасидаги бу эркак Диалеттанинг уйига тез-тез келиб турар ва ҳар гал бирор фоҳиша билан келиб, кўнгилхушлиқ қилиб кетарди.

- Ўғлинг кўринмайдими? - гап орасида сўради Галим Диалеттадан.

Аёлнинг ўрнига Рашот жавоб қилди:

- Зуфани менинг холаваччам олиб кетди. Дала жойда яшайди, беш-ўн кун ўйнаб келсин, деб жўнатдик.

Галим маъқул ишорасини қилди...

Орадан яна бир ҳафтача ўтди. Рашот сархуш ҳолда уйга келди. Эшик олдида таниш туфли турарди. Хонада нотаниш аёл ўтирибди. Диалетта билан Галим эса ошхонада эди. Рашотнинг кўнглига ғулғула тушди, бироқ сир бой бермади.

Тўртовлон ўртамеъна безатилган дастурхон атрофида йиғилишди. Овқат пишгунича икки шиша ароқ ичилди. Галим билан бирга келган аёл енгилгина ювиниб чиққач, хизмат ҳақини олдида, учрашуви борлигини, агар мижоз келмаса, қайтиши мумкинлигини айтиб, жўнаб қолди. Уч кишилашиб яна икки шиша ароқ ичишди. Кутилмаганда Галим Рашотга қараб сўради:

- Зуфа кўринмайдими?

Рашотнинг миясига қон урилди:

- Айтгандим-ку, амакиваччам бошқа шаҳарга олиб кетган деб, - ўшқирди Рашот.

Галим бармоғини инкор тарзида силкиди:

- Йўқ, Рашотчик, айтмагандинг.

- Айтгандим.

- Йўқ, амакиваччам демагандинг, холаваччам, дегансан. Яна дала жойга кетди, дегандинг. Ростини айтавер, Зуфа қаерда, мен унга тўппонча олиб келгандим.

Рашот меҳмонга тикилди: «бу мараз бирор нарсанинг ҳидини олган, балки мен келгунимча Диалетта айтгандир?»

Бу орада Галим шимининг чўнтагидан ўйинчоқ тўппонча чиқарди. Рашотга ўқталган бўлди:

- Қани, иқрор бўл, ростини айт, Зуфа қаерда?

Рашот иккиланиб ўтирмади, стол устидаги пичоқни олиб, Галимга ташланди. Меҳмон ҳушини ўнглаб олгунича Рашот унга кетма-кетин пичоқ урди. Кейин шошилмай узала ётқизди. Қўлтигидан судраб, ошхонага олиб чиқди.

Диалетта ҳайкалдек қотиб қолганди.

- Пичоқни олиб кел, - ўшқирди Рашот.

Аёл ҳуд-беҳуд пичоқни олиб борди. Рашот пичоқни олгач, бироз ўйланиб қолди. Кейин шошилганича балконга чиқиб, сопи калта болтани олиб кирди.

Жасадни бўлаклаб ташлади. Аёл тамоман карахт ҳолда безгак тутгандек қалтираб турарди.

- Қопни олиб кел!

Рашотнинг буйруғи аёлни ҳушига келтирди. Қопга тананинг ўзи зўрға сиғди. Қўллар, оёқлар ва бошни алоҳида хўжалик сумкачасига жойлашди.

- Қопни мен кўтараман, сумкани сен оласан, тушундингми? - сўради Рашот аёлнинг томоғидан хиёл бўғиб.

Аёл бош силкиб, розилик билдирди.

Тун ярмида Галимнинг бўлакланган жасади Зуфар вужудини ютган каналга ташланди. Икки кун ўтиб, қўшни туман ҳудудида сувга қалқиб чиққан қўл-оёқ ҳақида гап тарқалди...

ҚОТИЛЛИКЛАРНИ ОЧГАН ЖИНОЯТ

СОДИР этилган бу икки мудҳиш воқеа, айниқса, ўғлининг ваҳшийларча ўлдирилганлиги Диалеттага қаттиқ таъсир этди. Тинимсиз ичадиган, маст бўлгач, шишадошлари билан жанжаллашадиган одат чиқарди. Шундай ичкиликбозликлардан бирида дугонаси - доимий ҳамшишаси Рита билан гап таллашиб, жанжаллашиб қолди.

- Ўчир овозингни, бузуқ, - деб ўшқирди Диалетта.

- Ким бузуқ, кимнинг тагидан тортиб олгансан мени? - Рита шундай деганича пиёладаги винони унинг юзига сепиб юборди. Бунга жавобан Диалетта яримлаб қолган шиша билан Ританинг бошига туширди. Иккинчи зарба масалани ҳал қилди. Ўша ерданоқ аёлни мелисахонага, дугонасини шифохонага олиб кетишди.

- Мени қамашади энди, - кайфи тарқаб, ўзига келгач, шивирлади аёл.

Уч кун туман, икки кун шаҳар КПЗсида ўтиргач, тергов ҳибс-хонасига жўнатилди. Судгача икки ойга яқин қамоқда ўтирди. Суддан кейин яна бир ой. Шу ўтган давр ичида Рашотдан дарак бўлмади. Айниқса, уч кун давом этган суд жараёнида Диалетта уни зориқиб кутди. Бироқ Рашот келмади.

Ниҳоят ҳукм ўқилиб, аёлга уч йилу олти ой озодликдан маҳрум этиш жазоси туйинланди. Сўнгра аёллар колониясига жўнатилди. Икки ойгача ўндан ортиқ хат ёзди Рашотга. Хатлар ҳам жавобсиз қолаверди. Кутилмаганда қўшни уйда - рўбарўдаги кўпқаватли уйда яшовчи ва турар-жойларига яқин бекатдаги дўконда сотувчи бўлиб ишлаган аёл наркотик модда билан қўлга тушиб, қамалган экан, колонияда учратиб қолди.

- Қачон келдинг? - сўради Диалетта.

- Икки кун бўлди, - деди қўшни аёл.

- Менга эса уч ойдан ошди, срогимнинг ярим йили ўтди. Маҳалла қалай, тинчми?

- Икки ярим ой олдин тинч эди, - кулди қўшни аёл.

- Рашот юрганмиди?

Савол жавобсиз қолди.

- Нега индамайсан, Рашотни кўриб турармидинг?

- Хавотир олма, жазманинг тинч, нинасини уриб, кайфини қилиб юрибди. Уйингни эса кимларгадир ижарага берган.

- Кимларга?

- Янглишмасам, бозорчи хотинларга. Юк қўйишади чамамда.

Диалетта индамади. Тун бўйи ухламай, тўлганиб чиқди. **«Ярамас, мараз, Рашот! Ўғлимни ўлдирдинг. Рўзғорга яраб турган Галимни бўлакларинг. Менинг шу аҳволга тушишимга сабабчилардан бири ҳам сен, аблаҳ Рашот! Ортимдан йўқлов олиб келиш тугул судимга келишга ярамадинг. Шошилма энди, етар, бас! Мени отмас экан, аёллигим учун. Сени турмада чириттираман, менга нари борса, яна беш ё етти йил қўшар. Уч йил ўтирдим нима-ю, ўн йил ўтирдим нима! Ўн йил берса ҳам майли, лекин сен чирийсан, Рашот! Эшитяпсанми, чирийсан сен, Рашот, чирийсан!..»**

Сўнгни жумлани бор овози билан айтиб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Нонушга ва текширувдан сўнг колония тезкор ходимлари бошлиғига бориб учради:

- Менга қоғоз ва ручка беринг!

Столга мук тушиб, ёза бошлади: «Республика бош прокурорига...»

ҚУЁШ ҚОРАЙГАН КУНЛАР МАИШИЙ-ҲАЁТИЙ ҚИССА

– 1 –

**«Учратдимۇ қолдим балага,
учрамасанг яхши бўларди!»**

Қўшиқдан.

Шарофат дардини кимга айтишни билмас, суянай деса, бу шаҳри азимда тоғи йўқ. Арз қилмаган жойи қолмади ҳисоб, ҳатто радиога, газетага борди. Натижа чиқмади. Ишдан ноҳақ бўшатирилган аёлга амалий кўмак берувчи кучли қўл топилмади. Лекин «Чиқмаган жондан-умид!» — дейдилар. Шикоят ёзиб, яна газетага борди. Шикоятни ўқиб чиққан мухбир йигит унга чин кўнгилдан ёрдам беришга тайёрлигини билдирди.

— Фақат бунинг учун бош муҳаррирдан расман рухсат олишим зарур, — деди аёлни кузатиб чиқаётиб, — у киши эса, ҳозир чет элга кетганлар делегация билан. Келаси ҳафта қайтсалар керак.

Мухбир йигит аёлга имкон қадар далда бўлувчи сўзларни айтиб, биринчи қаватгача бирга тушди. Кейин бирдан тўхтаб:

— Анави одамни кўраяпсизми, ҳа оқиш костюм-шимли, уни сизга худонинг ўзи етказган бўлса, ажаб эмас, — деди ва аёлни «худо етказган одам» томон бошлади. Салом-алиқдан сўнг:

— Дилшод ака, шу опанинг арзларини эшитиб, бир гаплашиб кўринг, — деб илтимос қилди.

— Мен ўн дақиқада тушаман, — деди Дилшод, — агар вақтингиз бўлса, биргалиқда тушлик қилиб, арзи ҳолни ҳам эшитамиз.

Дилшод лифтга чиқди. Шарофат мухбир йигитга юзланди:

— Бу одам ким, нима иш қилади?

— Шаҳар миқёсидаги раҳбарлардан, лекин камтар, яхши одам, — жавоб қилди мухбир йигит, — энг муҳими, ноҳақликни ёқтирмайди, тутган ерини кесади... Асосийси, сиз ишлаган идорага қарашли бўлган бошқарма бир жиҳатдан шу одамга ҳисобот беради...

Мухбир йигит муболаға қилмаганди. Дилшод Шарофатнинг

– 88 –

арзини тинглади, ёзма шикоятини олиб қолди. Бошқармадан нуфузли комиссия тузилиб, бир ярим йилдан бери ҳал бўлмаётган муаммо икки ҳафтада ўз ечимини топди: Шарофат қайта ишга тикланиб, муассаса раҳбари хайфсан олди, раҳбар ўринбосари вазифасидан четлатилди.

«Ёш бўлса ҳам сўзи тошни синдирар экан, — ўйлади Шарофат, — эринмаганини-чи, комиссиянинг яқуний йиғинига ўзи келди. Бошқармадагиларга ҳам сўзини бермайдиган директор «сувга тушган мушук»дек бўлиб қолди. Бу яхшилигини қандай қайтарсам экан?».

Аёл Дилшод ҳақида бир нарсани аниқ билиб олди. Яъни, йигит тушлик қилиш учун фақат нашриёт ошхонасига келар, шанба кунлари ҳам пешингача ишлаб, шу ошхонада овқатланиб, кейин уйига кетар экан.

«Яхшиликни қайтариш» фикри аёл хаёлига ўрнашиб қолганди. Шу боис икки-уч марта шанба кунлари Дилшоднинг тушликка келиш вақтини мўлжаллаб борди. Йигит уни ҳар гал яхши муомала билан кутиб олар, овқатланишга таклиф қиларди.

— Дилшод Худоёрович, — деди аёл бир сафар, — очиги мен сизни меҳмон қилсам дегандим, лекин ҳар гал аксинча бўлаяпти.

Дилшод кулимсиради:

— Меҳмон қиладиган одам уйига чақиради, уйнинг таоми бўлак, кўчанинг овқатини бўлса, ҳар куни еб юрибмиз.

Аёлнинг жимиб қолганини кўриб, жиддий тортди:

— Узр, Шарофат Қадамовна, мен шунчаки айтдим. Агар ҳар бир ишим учун зиёфатга бораверсам, ишлашга умуман вақтим қолмасди.

Аёл ҳам ўзи сезиб-сезмай тўғриси айтди:

— Уйга чақиршни ўйловдим сиз билан бирга мухбир йигит Маликжонни, лекин қўшнилардан истиҳола қилдим. Негаки, мен — ёлғизман, бошимда эрим йўқ!

Дилшод бир қараб қўйдию, ҳеч нарса демади...

* * *

Шарофат — гўзал аёл эди! Мактабда ўқиб юрган йиллари биринчи синфдан бошлаб мактабни битиргунча бадий гимнастика билан шуғулланган, шу боис қомати келишган, таранг аёл эди.

У Дилшодни йўқлаб яна икки-уч бор келди. Назарида йигит

ташвишли кўринди. Тушлик вақти «иштаҳа очиш» баҳона ароқ ҳам ичадиган одат чиқарибди... Аёлнинг бу «келиб-кетиш»лари оқибатида ҳеч кутилмаган воқеа юз берди.

Ўша шанба куни ҳам Дилшодни излаб борди. Тушлик тугаса ҳамки, йигитдан дарак бўлмади. Кейин «визитка»да кўрсатилган рақам бўйича уйига қўнғироқ қилди. Гўшакни Дилшоднинг ўзи кўтарди. Овози қандайдир бўғиқ эди.

— Бугун ишга келмабсиз, тинчликмикан, деб қўнғироқ қилаётгандим, — деди аёл салом-алиқдан сўнг.

— Бетоб бўлиб қолдим, иситма қирққа чиқди, — жавоб қилди йигит, — вақтингиз бемалол бўлса, касал кўргани келинг. Бу ҳам савоб!

Шарофат озроқ жимиб, ўйланиб қолди: «Хотини нима деркан агар борсам? Бормасам бўлмас!

Шу баҳона совға-салом ҳам олиб бораман... Кейин бунақа имконият бўлиши қийин!» Шу ўй билан таклифни қабул қилгач, йигит унга манзилни тушунтирди.

Дилшод аслида бетоб эмасди. Балки хотини билан жанжаллашган, уч кун аввал Сожида болаларни олиб, ота уйига кетиб қолганди. Йигит аламига уч кундан бери ичарди. Шарофат қўнғироқ қилганда ҳам озроқ ичганди.

Телефонда гаплашиб бўлгач, Дилшод бир нуқтага тикилганча нималарнидир режа қилган бўлди. Ваннага тушди, соқол олди, уст-бошини алмаштирди. Меҳмонхонага стол тузади. Ичкиликнинг ҳидини йўқотадиган «япон зўлдирчаси»дан бир жуфтини тилининг остига ташлаб олишни ҳам унутмади. Шу орада Шарофат ҳам келиб қолди.

— Э, келинг-келинг, Шарофат Қадамовна, — деб кутиб олди меҳмонни, — қийналмай топиб келдингизми?

— Бизга яқин турар экансиз, — деди аёл ичкарига кираётиб, — менинг уйим икки бекат нарида.

— Икки бекат кунчиқаргами ёки кунботарга томон? — сўради йигит.

Аёл турар ерини аниқ тасвирлаб берди. Дилшод у жойларни яхши биларди. Меҳмонхонага кириб, безатиғлик стол атрофига ўтирдилар; аёл диванга, уй эгаси унинг рўбарўсидаги креслога.

— Қани, илоҳа омин, сиз келдингиз, бало келмасин, — фотиҳа қилди йигит. Бало деганда хотинини назарда тутганди.

— Қаерингиз оғрияпти? — худди врачлардек сўради аёл.

Дилшод жилмайди, кейин юрагини кўрсатиб:

— Мана шу ерим, — деди ва қўшиб қўйди, — қаттиқ сиқилиб, овриги миямга чиқиб кетади баъзан. Яхшики, сиздек меҳрибонлар бор экан ҳолимдан хабар олиб турибсизлар.

— Оилангиз кўринмайдими?

Йигит бироз жим қолди. Ўрнидан туриб, стенка барини очди, гуржиларнинг «Самтрес» коньягини олиб, столга қўйди. Шундан сўнг жавоб қилди:

— Бу хотинга нима етмайди ўзи, билмадим. Сал нарсага жанжал чиқариб, отасиникига жўнаб қолади. Ҳафта-ўн кунлаб келмайди. «Эримнинг ҳоли нима кечди?» деб ҳам ўйламайди. Энди ажралмасам бўлмайди.

Дилшод гапира туриб коньякни очди, биллур қадахларга қуйди. Биринчи қадахни Шарофатга узатди:

— Мана шуни олинг!

Мен ичмайман, сира ичиб кўрмаганман, — деди аёл шошапиша.

— Мен ҳам ичинг демаяпман, олинг деяпман!

Аёл беихтиёр қадахни олди.

Ҳозир бир гап айтаман, шу гапдан кейин ҳам ичмасангиз, ихтиёр ўзингизда, — деди йигит.

Шарофат худди илон рўбарўсидаги қуёнга ўхшаб, карахтла-ниб ўтирарди.

— Бу дунёда ҳамма нарса омонат, — гап бошлади Дилшод, — мен Аллоҳдан бир нарсани сўрайман, яъни сизнинг менга нисбатан қуюнчақлигингиз, оқибатингиз, менинг эса сизга бўлган эҳтиромим, омонат бўлмасин! Қани шунинг учун ичайлик.

Аёл ноилож қолди. Унда-бунда шампандан бошқа ичимлик ичиб кўрмагани учун биринчи қадах ютуми аччиқроқ туюлди. Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас қадахлар қайта тўлдирилди.

— Бир гап айтайми? — сўради Дилшод ва жавоб кутиб ўтирмасдан давом этди, — Аллоҳ ҳар бир жонзотни жуфт яратган. Фақат ўзига мос жуфтни танлашни жонзотларнинг ўз ихтиёрига берган. Мен бу борада сал янглишган кўринаман. Билишимча, сиз ҳам адашгансиз. Келинг, тангри берган бу имкониятдан яна бир фойдаланайлигу, иккинчи бора адашмайлик.

Сеҳрланган қуён — Шарофат, авровчи илон — Дилшод узатган қадахни олди...

«Нимага ҳам бордим? Ўзи ҳам ўлиб турган экан!» деб ўйлагандир... Вой шарманда» — аёл ўзини-ўзи койир, қўйишга жой топа олмас эди.

Дилшод Шарофатни кузатганда соат кечки 9 лар бўлганди. Уйга қайтиб киргач, бардан иккинчи коньякни олди. Кейин кулимсиради: «Ичмайман, сира ичмаганман, деб шиша бўшагунча шериклик қилди. Аммо ўзи ҳам жуда таранг нарса экан, оҳ-оҳ-оҳ... Юрган эканманда мен ҳам битта сигирмижозни хотин санаб... Яна аразлашини-чи хотинчамнинг, юравер аразлаб... Шарофат эмас, нақд офатнинг ўзи-я! Сочи ҳам сонига тушар экан, турмаклаб юрганига билмагандим. Бадани-чи?! Оёқлари-чи?!»

**«Кумуш бадану сийнаи ларзонинга
қурбон ўлам, оҳ ўламей, жон ўламей,
сийнаи ларзонинга қурбон ўлам...»**

Шиша яримлаб, Дилшодни уйқу босди. Диванга чўзилиб, донг қотиб ухлаб қолди.

Дилшод Шарофатни кузатиб чиқаётганида Сожида билан бирга ишлайдиган қўшни аёл кўрган эди. Дарҳол Сожидага қўнғироқ қилди. Сожида бепарвороқ эшитган бўлди-ю, лекин ичига ўт тушди: «Ҳа, аблаҳ! Кўчада ўтлаб юргани камдек, уйга ҳам етаклаб келишни бошлабди-да ғунажинларини!» Тунги ўн бирларда уйига келди. Эшикни ўзидаги калит билан очиб кирди. Эри меҳмонхонадаги диванда қотиб ётар, столдаги айқаш-уйқаш идишлар эса, меҳмондорчилик зўр бўлганлигини билдириб турарди. Бехосдан гиламга тушган пишлоқ бўлагини босиб олди. Эзгиланган пишлоқни қошиқ билан сидириб, ойнадан улоқтирди. Оёғини чайиб олиш учун ювиниш хонасига кирди.

— Ифлослар, ҳаммаёқни нахс бостириб чўмилганини-чи! — Сожида димоғида минғирлаб оёқ-қўлини ювди. Қўл артишга сочиқ олиш учун ўгирилдию, ток ургандек қотиб қолди: «Ич кўйлак!.. У қанжиқ атайин қолдирдим ёки унутиб?»

Шарофат бўлиб ўтган ишдан қаттиқ қарахтланганлиги боис ва ичкилик таъсиридан ич кўйлагини кийишни унутганди. Сожида ҳовлидан чўп синдириб келиб, ич кўйлакни илаштирди. Кейин целлофан идишга солиб, ювиниш хонасидаги АГВнинг орқасига ташлади. Сўнг ота уйига кетди.

Телефоннинг устма-уст чириллаши Дилшодни уйғотиб юборди. Истамайгина бориб гўшакни кўтарди:

– Эшитаман.

– Кайфлари тарқадими? – Сожида гапни саволдан бошлади. – Ким эди у бузуқ?

– Қанақа бузуқ?

– Кеча сиз билан коньякхўрлик қилган жалабни сўраяпман.

– Яна бошқа тухматлари бўлса, айтсинлар онаси, бош оғрига аналгин ўрнида ичиб юборавераман.

– Тухмат эмиш. У қанжиғингиз шошганидан ич кўйлагини ҳам киймай кетибди-ку!

– Қанақа қанжиқ, қанақа ич кўйлак?

– Қанжиқнинг қанақалигини кўрганим йўқ, ич кўйлак эса янгигина, оч ҳаворанг. Ишонмасангиз, АГВнинг орқасини қаранг, виждонсиз...

Дилшод гўшакни жойига қўйиб, телефонни узиб ташлади. Айтилган ерни қаради, целлофан халтачадан кеча Шарофатнинг эгнидан ўз қўллари билан ечиб ташлагани – оч ҳаворанг ич кўйлакни олди. Бироз ўйланиб тургач, бир қарорга келди. Сигарет чекди, яхшилаб ювиниб чиқди. Меҳмонхонани йиғиштириб, уйни тартибга келтирган бўлди. Уйдан кўнгли тўлгач, кийинди. Ич кўйлакни тахлаб, оқ қоғозга ўради ва хорижий ёрлиғи бор целлофанга солди. Бекатдаги дўкондан пишлоқ, товуқ, коньяк харид қилиб, таксига ўтирди. Йўл-йўлакай икки дона патир нон ҳам олди.

– Ким у? – Шарофатнинг овози эшитилди.

– Меҳмон, – деди Дилшод, – ажойиб совғаси ҳам бор.

Аёл ўзини қандайдир ҳолсизлангандек сизди. Эшикни очди, бироқ ердан кўзини узмади:

– Ассалом алайкум, келинг!

Йигит алик олиб, ичкари кирди. Уй бекаси кўрсатган хонага томон юрди. Стулга ўрнашиб ўтиргач, фотиҳа қилди:

– Ўзидан бегона қилмасин, Аллоҳу акбар! – сўнг аёлга деди,

– асал, битта илтимос, мана бу идишдагиларни чиройли қилиб келсангиз, тўғриси, қорним ҳам очиққан.

Дастурхон тузалди. Коньяк очилганда аёл шошилиб:

– Менга қуйманг, илтимос! – деди.

Дилшод индамай иккита пиёлани тўлдирди. Кейин:

– Ҳа, айтганча, совға олиб келгандим-ку! – деди кулимси-

раб. Целлофанни аёлга узатди. Шарофат шошилмай аввал халтачани очди, сўнг ҳафсала билан ўралган қоғозни. Бу орада йигит пиёлани бўшатиб, газак қилиб улгурди. Аёл қоғозни очиб, тахланган ич кийимни кўрдию, ичидан зил кетди.

– Ювиниш хонасида унутиб қолдирибсиз, — изоҳ берди Дилшод, лекин Сожида билан бўлиб ўтган гап-сўз хусусида «лом-мим» демади... Эртаси кун ишга Шарофатнинг уйидан кетди. Чамаси бир ойгача кун ора, уч кунда бир келиб, ётиб қолар, агар 4-5 кун келмай қолса, Шарофат хавотирга тушар эди. Бу орада Дилшоднинг битта қўнғироғи билан аёл бўлим мудирлигига кўтарилди. Дилшод хотини билан қонуний ажрашиб, Шарофатни никоҳлаб олди. Эҳтиросларга тўла «асал»ойи нинг охири йўқдек эди...

– 3 –

Айди зоҳид: «Юрма кўп дилдораларнинг қасдида!»

Мен дедим: «Сўз айтмагил дилпораларнинг қасдида!»

Айди зоҳид: «Тангри бергай охиратда зўр жазо!»

Дедим: «Наҳот, тангри мендек бечораларнинг қасдида!..»

Дилмурод САЙИД.

– Сиз меникисиз энди, фақат меники! Сизни мен ҳеч кимга бермайман, эшитяпсизми, ҳеч кимга бермайман! — Шарофат паст, ҳансираган овозда, йигитни маҳкам қучоқлаганча, бу гапларни қайта-қайта айтишдан лаззатланарди. Дилшод эса, аёл оғушида бир сўз демай, фақат унинг сўзларини тинглаган ҳолда кулимсираб ётарди. Аёл Дилшоднинг сочларидан сийпалади, лабларини лабларига яқинлаштирди ва оҳиста, эркаланиб сўради:

– Нега индамайсиз, жоним? Бирор сўз айтинг, овозингизни эшитгим келаяпти, айтинг, энди ҳамиша бирга бўламиз, а? Мени ташлаб кетмайсиз, а?

Дилшод жавоб ўрнига аёлни маҳкам қучоқлаб, лабларига лаб босди...

– Битта аччиқроқ чой дамла, — деди йигит, — ваннадан кейин чой танани яйратади.

Шарофат қўлларини кўксига қўйиб, таъзим қилганча ошхонага йўналди. Дилшод сигарет тутатиб, дераза олдига борди. Юдузларга тикилганча хаёлга чўмди:

«Тавба, буларнинг тупроғини бир ердан олганми, Сожида ҳам шундай дерди, меникисиз дерди. Сал кеч келсам, гўё ўпишиб

– 94 –

кутиб олардию, аслида ҳидлаб кўрарди. Бегона атирнинг исини дарров билади аёл зоти. «Ўлдим кўйдим» дейдиган хотиним — болаларимнинг онаси қаматиб юбормоқчи бўлди-я! Асли бу дунёнинг ўзи ёлғон, вафо нималигини билмайдиган фоний!»

Унинг хаёлини бўлиб, Шарофат патнис кўтариб кирди. Устига хитойи сочиқ ташланган кийик суратли чойнак, бир жуфт пиёла, биллур идишчада қиём қўйилди столга.

— Марҳамат, чой тайёр, султоним. Эр амри — вожиб! — деди аёл чиройли табассум билан. Йигит пиёладаги чойга тикилиб қолди. Яна хаёл тортди: «Сожий ҳам чойни шунақа — уч марта қайтариб, дам едириб кейин қуярди. Лекин чой узатиши сал беўхшов эди. Бу — назокатлироқ!»

Туйқус болаларини элади. Кўз олди бирдан қоронғулашиб, сиқилганини ҳис этди.

— Тур, — деди аёлга жиддий, — ароқни олиб кел!

Шарофат тезда ошхонага йўналди. Музлатгичдан ароқни олиб, ликобчага пишлоқ, колбаса қўйиб, бежирим пиёла билан келтирди.

«Фаросати бор экан, — ўйлади Дилшод, — газату пиёла ҳам қўшиб келибди. Сожий бўлганда...»

— Қуй энди бу сабил шайтоннинг кўз ёшини!

Аёл бурама қопқоқни қовушмайроқ очдию, пиёлани тўлдириди. Қопқоқни қайта ёпиб, шишани столга қўйгач, назокат билан пиёлани узатди.

— Бирор нарса денг, жоним, — эркаланди аёл. Дилшод унинг қўлидан тортиб тиззасига ўтиргизди. Бўш қўлини аёлнинг белидан ўтказгач, дона-дона қилиб қадаҳ сўзи айтди:

Май ич — мангу ҳаёт, ҳайҳот, мана шу,

Ёшликнинг даврони, эй зот, мана шу!

Гул фаслида маю гўзал ёр билан —

Тунни тонг эт — асли ҳаёт мана шу!

Бўшаган пиёлани чап қўлаб чаққон олганча Шарофат ўнг қўли билан газак тутди. Кўп ўтмай йигит вужудини сархушлик эгаллади...

— Сиз меникисиз, фақат меники! Сизни ҳеч кимга бермайман, жоним! Энди ҳамиша бирга бўламиз, мени ташлаб кетманг фақат, илтимос! — дерди Шарофат йигитни маҳкам қучоқлаган кўйи...

**«Бузулди рўзгорим, хонаи айшим хароб ўлди,
На роҳат кўргамен энди бузулган рўзгоримдин!»**

НОДИРАБЕГИМ

БЕНОМУС! Шарофат титраб-қақшаб яна такрорлади: БЕНОМУС!

Дилшод айнан мана шу сўзни ҳазм қилолмади. Қаршисида зор-қақшаб турган аёлни қулочкашлаб урди, Шарофат хона тўригача гандираклаб бориб ағдарилди...

Дилшоднинг шу куни эрталабдан таъби хира эди. Тушлик вақти ишхонасига яқин бўлган ресторанга борди. Номигагина овқатланган бўлдию, лекин анчагина ароқ ичди. Кейинги 2-3 ойда узлуксиз ичадиган бўлиб қолганди. Дилшоднинг ширакайф келишига, уйда ҳам ичишига Шарофат кўникиб қолган, имкон қадар унинг кўнглини олишга интиларди. Бугун — 30 декабрь!.. Анчайин нуфузли идорада яхшигина лавозим эгаси бўлган Дилшоднинг оилавий масалада омади чопмаганди. Бу ҳақда сал кейинроқ тўхталамиз.

Ароқнинг таъсирими ё бошқа сабаб, ресторандан чиқиб, кўчанинг бу тарафига ўтаётганида мункиб кетди. Кимдир елкасига қўлларини қўйиб суяб қолди. Дилшод қўл соҳибига қаради: чиройликкина, ораста кийинган ёшгина аёл экан.

— Яхши йигит, кўринишингиздан бинойидексизу, кўпроқ ичиб қўйибсиз-да! Агар ушлаб қолмасам, йиқилиб тушишингиз мумкин эди, — қулгичлари ярашган ҳолда жилмайиб сўз қотди аёл. Дилшод ҳам дарҳол ўзини тутиб олди ва:

— Минг раҳмат сизга, — деб ҳеч тортинмай аёлнинг юзидан ўпиб қўйди.

— Вой, қандай одамсиз ўзи, куппа-кундузи атрофдагилардан уялмай ўпишини-чи?! — Аёл овозида норозилиқдан кўра нозлаиш кучлироқ эди. Дилшод буни сезди.

— Узр, мен фақат ташаккуримни билдирдим, — деди ва аёлни йўл четига бошлади, — агар бу ишим беодоблик бўлса, ўпични қайтиб бера қолинг.

Аёл хандон ташлаб кулди.

— Жуда ёқимли кулар экансиз, — Дилшод «хужум»ни давом эттирди, — асли қаерликсиз?

— Гуллар шаҳриданман, — жавоб қилди аёл ширин жилмайиб.

— Машраб бобо юртидан биз томонга қайси шабада келтирди сиздек гулни? — Дилшод аёлнинг қўлтиғидан олди.

– Раққосалар танловига келгандим, ўта олмадим, – деди аёл қошини учириб.

– Демак, ҳакамлар ҳайъатида бирорта ҳам кўзи очиқ эр киши йўқ экан-да! – деди йигит аёлнинг чиройига суқланиб тикилиб. Аёл елка қисди...

«Шарофат кеч соат еттида келади, ҳозир эса энди икки бўлди», – ўйлади Дилшод. Раққоса аёл – Насиба ҳам йигитнинг «бир пиёла чойга таклиф»ини кўп зориқтирмай қабул қилди. Дилшод бир нарсани, яъни бугун 30 декабр эканини, Шарофат учун ҳам қисқартирилган иш қунилигини эътиборга олмаганди. Айнан шу ҳол...

Шарофат уйга кирдию, қотиб қолди. Ҳеч кимга беришни ис-тамагани – Дилшоди бегона аёл билан худди пляжда ўтиргандек эдилар. Насиба ўзини йўқотмади – дарҳол салом берди.

– Бу ким? – деди Шарофат саломдан ҳушига келиб, – сиз-дан сўраяпман, бу – ким?

– Танишинглар, бу – Насиба, раққосалар танловига келган, – деди Дилшод бамайлихотир. Кейин Насибага ўтирибди, – бу эса менинг хотиним – Шарофат!

– Ифлосгарчилик қиларкансиз, бошқа жой тополмадингиз-ми? – Шарофат Дилшодга юзланди, – уйни нахс бостириб нима қиласиз? Нега индамайсиз, сизга айтаяпман **беномус?**

БЕНОМУС! Дилшодга оғир ботди бу сўз, Шарофатни қулочкаш-лаб урди, аёл хона тўригача гандираклаб бориб ағдарилди. Дил-шод унинг тепасига келди:

– Беномус менми ёки сен? Гапир, қанжиқ! Ё эслатиб қўяйми, ярим йил аввал ўзинг ҳам худди шу аёлдек уйимга боргандинг. Тўғри, устимизга Сожида келиб қолмаганди, лекин сен ич кўйла-гингни ювиниш хонасида қолдириб кетгансан. Битта ич кийим сабаб менинг оилам бузилиб кетганини биласанми, қанжиқ?.. Энди айт, инсоф билан айт, ким беномус? Менинг феълим ўзинг-га маълум – сенга ўхшаганлар сабабу хотинимнинг калта ўйли-ги боис маишатга берилганман. Шуни кўра-била туриб уйингга киритдинг. Лекин менда ҳали номус бор, сен билан яшай бошла-ган кунимоқ ўзингни етаклаб бориб, никоҳ ўқитиб келганман. Бу нарса сенинг хаёлингда ҳам бўлмаган. Бугунги аҳвол мен учун – **тасодифий** ҳол, сен учун эса – **қайтар дунё!** Энди тур йўқол, эрталабгача бизни безовта қилма!

«Эй, худо! Мен бечоранинг кўргуликларим каммиди?! Кам-

бағалнинг оғзи ошга етганда, пешонаси тошга тегиб, бурни қонаши наҳотки рост бўлса?! Дилшод тўғри айтди, тўғри; бу — мен учун қайтар дунё! «Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса — бошқага!» — деган машойихлар. Мен бу ҳикматни энди тушуниб турибман. Менинг ич қўйлагим сабаб оиласи бузилиб кетган эканда, нега шунча вақтдан бери индамай юрди? Минг лаънат ўша кунга ҳам, ич қўйлакка ҳам... Осмон — узоқ, ер — қаттиқ, ичимга ютишдан ўзга чорам йўқ. Майли, яшаш учун курашаман. Менинг ҳимоям ҳам, қуролим ҳам чидам бўлади. Ахир, бир кун инсоф бериб қолар. Дилшод ўзи яхши одам, фақат аламзада!..»

Шарофат ўзига ўзи таскин берувчи хаёллар билан ошхонада ўтириб тонг оттирди. Унинг ўзга чораси ҳам йўқ эди. Дилшоднинг устидан ҳеч кимга арз қилолмасди. Арз қилса, фақат ўзи шарманда бўлишини яхши тушунарди.

— 5 —

«Пешонангга ёзганидан айрилма, ёр!»

Қўшиқдан.

ДИЛШОДНИНГ пешонасига Сожида ҳам, Шарофат ҳам ёзилмаганди. Унинг тақдири илк марта 20 ёшида Дилбар билан боғланган. Не-не умиду иштиёқ билан уйланганди. Тўққиз ой яшадилар. Кейин Дилшод қамалиб қолди. У қамалгач, орадан бир ярим ойча ўтиб, Дилбарнинг кўзи ёриди. Дилшод у ёқдан келганида қизи уч яшар бўлганди. Шу фарзанд туфайли яшаб кетмоқчи эди. Аммо...

Яқин дўст деб билгани Ақром унга бир «муҳим гап»ни айтди:

— Оғайни, сен у ёқдалигингда хотининг аборт қилдирган...

Дилшод вазмин эди:

— Қайси туғуруқхонада боласини олдирибди?

— Шу... — Ақром туғуруқхонани маълум қилди.

— Сен қаердан билдинг?

— Ўша пайтда синглим ўша туғуруқхонада ётганди.

— Қачон?

— Ўтган йили.

Дилшод индамади, сигарет тутатди. Орага узоқ жимлик чўқди.

Кейин Ақромга юзланди:

— Билиб қўй, аҳмоқ, яширинча аборт қилдирадиган аёл ҳеч қачон давлат туғуруқхонасига бормайди, тушундингми?

Ақром ўзини йўқотиб қўйди, жавоб топа олмади...

Дилбар норасида болани ўртага қўйиб, худонинг зорини қилди, ажрашмасликни сўради. Лекин ростми-ёлғонми, «гап ўрмалаб, фишт қолипдан кўчиб» бўлганди.

Ярим йил ўтар-ўтмас Дилшод катта тўй қилиб уйланди. Институтда қолиб кетган ўқишини тиклаб, тугатиб олди. Яна бир йил ўтиб, нуфузли идорага ишга жойлашди. Алоҳида рўзғор қилди. Эътиборли иш, яхшигина маош, хизмат машинаси, котиба...

«Дилшод Худоёрович»га айланди. Лекин арзир-арзимас оилавий келишмовчиликлар унинг асабини кемирар, айниқса, хотинининг тез-тез аразлаб уйига кетиб қолиши, атрофдагиларнинг оилавий ишига аралашуви Дилшодни руҳан синдирди. Уйдан топмаган роҳатни кўчадан излашга тушди, маишатга берилди... Оқибат Шарофатнинг «шарофати»ю хотинининг калта ўйлиги боис оиласи бузилди.

Сожида Дилшодга ишонмас, бу ҳол аёлнинг калта ўйлигидан юзага келганди.

— Сиз барибир Дилбарни яхши кўрасиз, акс ҳолда уни иж-роқўмга ишга жойлаб қўймасдингиз, — дерди Сожида эрини айблаб. Дилшод бу ноҳақ маломатдан кўйиб кетарди:

— Онаси, тушунинг ахир, Дилбарга яхшиликни мен ўртадаги фарзандим учун қиламан. Яхши жойда ишласа, кўпроқ маош олса, қизимга ҳам фойдаси тегади-ку! Оддий ўқитувчиликдан олган пулини қаёққа етказди?

— Бола баҳонаю, дийдор ғанимат! Шундайми? — гезарарди Сожида.

Бундай келишмовчиликлар кўпинча Сожиданинг калтак ейиши ва ота уйига кетиб қолиши билан яқунланиб, хотин тарафнинг Дилшодга, унинг эса хотин томонга нисбатан ҳурматсизликларига элгарди...

Дилшод энди аввалги Дилшод эмас, том маънодаги маънавий МАНЯКка айланганди. У ўзининг тубан кетишига, таназзулига фақат АЁЛ сабабчи деб билар ва бу қарашидан заррача орта чекинмас эди. Ўз қадрини билмайдиган қиз-жувонларни алдаб, кўнгилахушлик қилиб яшашни одатга айлантириб олди.

Шарофат уни кечирди, ялиниб-ёлворди ҳам. Дилшод зоҳиран ён берган бўлса-да, ботинан кулди: «Ҳамманг бир гўрсан, нодон!»

Шарофат «қайтар дунё» сабаб ошхонада тонг оттирганда Дилшоднинг инсофга келишини орзу қилиб, қаттиқ янглишган эди.

Йигит ҳам унинг чин дилдан кечирганлигига ишонмасди.

«Ёсуманлик хотин зотига Момо Ҳаводан мерос, — ўйларди Дилшод, — Одам Атони жаннатдан маҳрум қилган Аёлнинг бугунги авлоди истаса эр учун бу дунёни бир лаҳзада дўзахга айлантириб қўяди!.. Устига бир бузукни олиб келган эркакни қайси аёл кечиради? Бунақаси эртақда ҳам йўқ! Шарофат бир балони бошлаши аниқ. Тезроқ бирортасини топиб, бу ердан кетишим керак!»

Дилшоднинг бундай мулоҳазага боришига Шарофатнинг бир қалтис ҳаракати ҳам сабаб бўлганди. Насиба билан тонг оттиргач, эрталаб киши кўзига аёлни жўнатиб юборган бўлди. Лекин бир соатдан кейин учрашишга келишиб олдилар. Йигит келишилган вақтда ўзи белгилаган жойга борди. Насибага алоҳида ижара уй топиб, жойлаштириб келди. Энг ёмони шундан кейин бошланди. Агар Дилшод ишдан қайтишда Насибани кўриб ўтмаса, аёлнинг ўзи тонг саҳардан уни излаб Шарофатнинг уйига келар эди. Дилшоднинг кеч келишига шу раққоса сабабчи бўлаётганлигини тушунган Шарофат иложини топиб, Насибанинг изидан тушди. Қаерда яшаётганлигини билиб олди. Ўша куни узоқдан кузатиб турди. Дилшод таксидан тушиб, Насиба яшаётган ҳовлига кириб кетди. Шарофат ҳам ўн дақиқа оралатиб, ҳовли томон юрди. Омадига эшик тамбаланмаган экан. Ҳовли қоп-қоронғу, фақат тўғридаги хонада чироқ ёниб турарди. Аёл девор ёқалаб бориб, деразадан ичкарига қаради. Столда егуликлар, очилган ароқ. Насиба Дилшоднинг тиззасига ўтириб, бўйнидан қучоқлаб олган. Шарофат чидолмади, хонага бостириб кирди. Насиба ҳам, Дилшод ҳам бу қутилмаган ташрифдан аввал қотиб қолишди, лекин сал ўтмай раққоса ўзини тутиб олди.

— Келинг, Шарофат опа, — деди салом бергач, тирсиллаб очиқ турган оппоқ кўкракларини халати билан яшириб. Дилшод «бу ёғи энди нима бўлар экан?» деган ўй билан индамай сигарет тутатди. Шарофат йигитга бир қараб қўйдию, кейин Насибанинг қўлидан тутди:

— Юринг, раққосаой, сизда икки оғиз гапим бор.

— Шу ерда айтаверинг бегона йўқ-ку! — кулимсиради Насиба.

— Дилшод акамиз аёлларнинг гапини унча хушламайдилар, қолаверса, мазза қилиб ўтирибдилар, оромларини бузсак яхшимас!

Насиба калишини кийиб, бошига уйғурча телпагини бостириб ҳовлига йўналди. Ҳовлида бошланган «олатасир»га қизиқиб, йигит ҳам чиқди. Насиба ерда ғужанак тушиб ётар, Шарофат эса унинг қон чиқмас жойларига тепарди. Дилшоднинг боши қотди. Насибанинг «оҳ-войи» кучайгач, орага тушди:

— Бўлди қил, қўшнилари эшитади!

— Раҳмингиз келаяптими? — деди Шарофат ҳансираб. — Менга-чи? Менга ҳам раҳмингиз келсин!

Шу орада Насиба ўрнидан турди. Икки қадамча нарида ётган тахтачага ёпишди. Лекин Шарофат чаққонлик қилди; оёқларининг узунлиги иш берди — бир қадам ташлаб, ўзига томон ўгирилаётган рақибасини тепиб ағдарди. Кейин бориб сочидан тортиб туриб, мушт туширди. Дилшод чинакамига арашалуви зарурлигини ва тезроқ бу ердан жўнаш лозимлигини англади. Шарофатни четга суриб, Насибани ўрнидан тургазди. Охирги мушт юзига тушгани сабаб раққосанинг бурни қонаганди.

— Ичкарига кир, яхшилаб ювин, тушундингми?

Насиба ҳам шуни хоҳларди.

— Сен, — деди Шарофатга кўрсаткич бармоғини таъкид қилиб, — кириб палтом билан телпагимни олиб чиқ. Лекин манавига қўлингни ҳам, оёғингни ҳам теккизма, етади, тушундингми?

Шарофат индамай хонага кириб, палто билан телпакни, унга қўшиб стол устидаги сигаретни ҳам олиб чиқди. Йигит қўлларини шимининг чўнтақларига тиққанича турар эди. Шарофат келиб телпакни кийгазди, кейин палтони тутди.

Уйга кела-келгунча гаплашмадилар. Фақат кийимини алмаштираётди, Дилшод кулиб юборди.

— Эй, қойилман-қойилман, из топишда Шерлок Холмсу мушглашишда Лайло Али экансан-ку, — деди галстугини Шарофатнинг елкасига ташлаб.

— Энди ишдан кечикмай келарсиз?! — аёл шундай деб йиғлаб юборди. Дилшод уни қўлидан тортиб бағрига босди. Шарофат бироз ҳиқиллаб тургач:

— Юринг ваннага, ўша маразни кучоқладингиз, ювиниб чиқинг, ўзим қарашиб юбораман, — деди Дилшоднинг билагидан тутиб...

Йигитнинг «бирортасини топиш» ҳақидаги режаси жуда тез амалга ошди. Бир илмий текшириш институтидан тушган шико-

ятни ўрганишга борди. Институт директорининг ўринбосари хонасида ёшгина аёлга дуч келди.

— Яхши, меҳнаткаш ходимларимиздан, — мақтади ўринбосар аёл чиқиб кетгач.

— Эр-хотин бирга ишлашса керак, — ўсмоқчилади Дилшод. Ўринбосар соддароқ экан чоғи, текширувчининг тағдор гапини илғамади.

— Энди Дилшод Худоёрович, ҳар тўқисда бир айб ёки камчилик бўлар экан. Бу аёлнинг айнан оилавий масалада омади чопмаган. Уч-тўрт ой аввал эри бир пулдор хотинга илакишиб, қандайдир машинаю, бойлик учун ўзидан ўн беш ёш катта ўша бойвуччанинг кетидан кетиб қолган. Яқинда — бир ойча олдин суд орқали ажрашишди, — изоҳ берди директор ўринбосари.

— Қўл остидаги ходимларнинг шахсий ҳаётидан ҳам хабардор бўлиб туриш ҳақиқий раҳбарлик фазилати, — мақтаган бўлди Дилшод.

Директор ўринбосари мамнун жилмайди...

Текширув баҳона Дилшод институтга яна 3-4 марта келди. Аёл билан ҳам яқиндан танишиб олди. Айниқса, аёлнинг собиқ эр қилмишидан аламзадалиги, қасд олиш ниятида юрганлиги йигитга қўл келди. Шунингдек, айрим ҳисоботу ҳужжатларни Дилшоднинг ишхонасига шу аёл олиб келиши айни муддао бўлди. Аёлни кузатиб қўйиш баҳонасида кафега таклиф қилди. Бироз суҳбатлашиб ўтиргач, дангалига кўчди:

— Ҳанифабону, мен сизни ҳар ҳолда тушунаман, шу сабаб ҳал қилувчи сўзни сизда қолдираман, — деди мулойим, аммо дадил, — хотинимдан ажрашганимга бир йил бўлаяпти, аёл киши ёлғиз қолса, кунини кўра олар балки, аммо эркакка ёлғизлик тўғри келмас экан...

Ҳанифанинг дарҳол рози бўла қолмаслиги аниқ эди. Шу баробарида таклифни ҳам рад этмади.

— Дилшод ака, сиз анча юқори лавозимли одамсиз, қолаверса, қиз бола олишга ҳам кучингиз етишига ишонаман, мен сизнинг тенгингиз бўлмасам керак, — аёл шундай деб тўхталиб қолди. Йигит айни нишонни мўлжаллади:

— Аввало, худонинг олдида барчамиз баробар! Менинг лавозимимни эслатдингиз, унутманг, бундай мавқедаги одамлар жиддий бўладилар. Таклифим ҳақида бир ўйлаб кўринг. Маъқул бўлса, шанба кун соат 12 да шу кафега келинг. Маъқул келмаса, сизни

кутиб-кутиб кетавераман!

Ҳанифа аламзада эди. Харидорлари ҳам кўп эди, аммо аёл уларнинг ичидан Дилшодни маъқул билди. Негаки, йигит бошқаларга қараганда ёш, энг муҳими мавқеи баланд. Собиқ эрига хаёлан писанда қилди: «Кўриб қўй ношукур, мени ҳали кимлар олмайди!».

Аёл шанба куни айтилган вақтга келди. Ишни чўзиб ўтиришмади — аср намозидан олдинроқ мачитга бордилар. Дилшодга яхши таниш имом уларни никоҳлаб қўйди. Йигит Шарофатга хайр-маъзур ўрнида «уч талоқ» иборасини айтиб кетди...

— 6 —

**«Мен йиғлаб бўлганман кўп тўйиб,
Умиду ишончлар бегона.
«Муҳаббат!» — десалар, жилмайиб —
Сўрайман: — У қандай афсона?»
Дилмурод САЙИД**

ҲАНИФА Дилшодни очиқ чеҳра билан қабул қилди. Лекин йигит бу ерда вақтинчалик эканини яхши биларди. Сабаби... Сожида билан ажрашганида хотини бир гап айтгандики, йил ўтса-да, бу гап унинг кўксига тошдек турарди.

— Энди ким тегарди сизга, икки марта хотин қўйдингиз, қамалиб чиққансиз, — деганди Сожида. Дилшод эса:

— Агар ўзимдан ўн ёш кичик қиз болага тўй қилиб уйланмасам, Дилшод эмасман, — деб айтганди. Ҳанифа билан уч ойгина кўнгилахушлик учун яшади. Кейин Сожидага айтган гапининг устидан чиқиш учун ҳаракатни бошлади. Бир қизни беш йилдан бери танир, муносабатлари жуда яхши эди. Энг муҳими, қиз Дилшоддан ўн ёш чамаси кичик. Ўтгиздан ошган Дилшод сўзининг устидан чиқди — тўй қилиб йигирма икки ёшли МАҲЛИЁга уйланди. Маҳлиё ёши гарчи йигирмадан ўтган бўлса-да, кўриниши ва жуссасининг кичиклиги боис Дилшоднинг хотинидан кўра қизи тенги кўринарди. Наридан бериси ярим йилча яшадилар. Атрофдагилар ҳайрон: «Нега уйландию, нега қўйиб юборди?» Дилшодни эса, фақат бир нарса ташвишлантирарди: «Ишқилиб, ҳомиладор бўлмасин!»

Маҳлиё юкларини ортиб кетдию, лекин тезда ажраша қолмади. Бир неча бор кўнғироқ қилиб, Дилшодни учрашувга чақирди. Дилшоднинг туғилган кунида кинога таклиф қилди, совға берди.

— 103 —

Кейин «тўйимизнинг икки йиллиги» деб, учрашишга яна ташаббус кўрсатди. Лекин Дилшод аввалги Дилшод эмасди. Маҳлиё ҳам тушунди шекилли, уни тинч қўйди. Фақат охирги учрашганларида ораларидан шундай суҳбат кечди:

— Дилшод ака, мен сизни илк таниганимда 18 ёшга тўлиб-тўлмагандим. Сиз жуда яхши, ҳаммага бирдай меҳрибон одам эдингиз. Қанчадан-қанча одамларга ёрдамингиз текканлигини биламан, кўрганман. Менинг ҳам университетга кириб, талаба бўлишимда хизматингиз бор. Умуман ичмасдингиз ҳам. Нега бунақа бўлиб кетдингиз? — деди Маҳлиё кўзларида ёш билан.

Дилшод аёлига узоқ тикилиб қолди. Кейин унинг юзини сийпаб, жавоб қилди:

— Балки сен тушунмассан, негаки аёлсан! Мен ўзим ҳам анча кеч тушундим. «Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотини бўлади!» деган ҳикмат чин ҳақиқат экан. Мен бу ҳақиқатни ўз танамда синаб, ўз бошимдан кечирдим. Оилада аёл оқила бўлмаса, эрнинг мансаби ҳам, обрўсию пули ҳам ҳеч нима қилиб бера олмас экан. Ўзинг яхши биласан, менда барча зарур нарса бўлган: мавқе, мол-мулк, илму иқтидор. Бироқ энг муҳими — сабрли ва оқила аёлим бўлмади!

Дилбар билан ажрашгач, ўзимдан қарийб уч ёш катта қиз — Сожидага уйландим. Ёшроғи топилмаганлигидан эмас, балки шу мени тушунар, ўқимишли ҳам ўзига мустақил, деган фикр билан уйлангандим. Сожида ҳақидаги бу фикрим — ҳаётимдаги энг катта хатоим бўлди! Тўғри айтдинг, мен бунақа эмасдим. Ҳаммага бирдай, меҳрибон бўлишга интиланман. Лекин... Навоий ҳазратларида бир байт бор, биласан:

**Меҳр кўп кўргиздим, аммо меҳрибоне топмадим,
Жон баса қилдим фидо ороми жоне топмадим!**

Буюк шоир, яна бир улуғ салтанатнинг муҳрдори шундай деб тургач, мен нима дейин?! Балки Яратганнинг синовидир бу, яна билмадим...

Маҳлиё Дилшодни ҳеч маҳал бундай эзгин аҳволда кўрмаган эди.

— Дилшод ака, нима қилмоқчисиз бу ёғига? — сўради аёл. Дилшод сигарет тутатиб, анча ўйланиб қолди. Кейин хотинининг кўзларига тикилди.

— Сен билан яшашим қийин энди, негаки сен ҳам ўз ақлингга таяниб эмас, яқинларинг хоҳишига қараб иш тутадиган хили-

дан чиқдинг, — деди салмоқлаб, — оғир кунда ярамаган дўсти нодондан қўлида яроқ тутган душмани доно афзал! Олдиндан бир нарса дейишим қийин, бу ёғини вақт кўрсатади. Фақат сендан бир илтимос, менга нисбатан тутган йўлингни, агар қайта турмуш қилсанг, унга қўллама! Оила жуда муқаддас даргоҳ, унга мелиса тугул имкон бўлса, ҳатто ота-онани ҳам аралаштириш керак эмас... Шундай аралашувлар сабаб опангнинг ҳам, ўзингнинг ҳам турмушинг бузилиб кетди, десам мендан ранжимассан. Тўғри, оилавий масалада менинг омадим чопмади. «Бегона аёлларга назар солиш — иблиснинг заҳарли ўқидир!» — деган ҳадис бор. Мен ўз омадсизлигимдан кўра — била туриб иблиснинг оғули ўқиға интилдим. Бу ўқ менинг кўксимга келиб қадалди. Заҳари эса, вужудимни эгаллади. Бундан қутилишга уриниб кўраман — ёлғиз яшайман, ёлғиз!

— 7 —

**«Битта сих топилмас қалбимни сихлашга,
Армондан эзилган танамни михлашга.
Мен ҳамдард кимсани изламам, лоақал —
Бир маймун топилмас ҳолимга йиғлашга!»**
Дилмурод САЙИД.

ДИЛШОД Маҳдиёни кузатиб қўйгач, «Анҳор» бўйига қайтиб келди. Сокин оқаётган сув унинг дардкаши бўлиб қолган эди. Кимсасиз қирғоқ бўйлаб юриб, хаёлга берилди:

«Одам — одамга дўст! Дўстнинг энг яхшиси — оғир кунда синалгани!

Одам — одамга ёв! Ёвнинг энг ёмони — ўз ичингдан чиққани!

Эҳ, Акром, Акром! Сен ёвнинг энг ёмони бўлдинг. Сенинг Дилбар ҳақидаги айтганларинг менинг ҳаётимни остин-устун қилиб юборган. Айнан ўша кундан бошлаб мен на СЕВГИга, на ДЎСТЛИКка ишонмай қўйганман, эй дўсти нодон!

Сожида! Сен ҳам ўз ичимдан чиққан ёв бўлдинг. Мени хиёнатда айбладинг, аммо бу хиёнатта йўлни ўзинг очиб юборганлигини тан олгинг келмади. Ахир, мени ҳайҳотдек ҳовли-жойда ёлғиз қолдириб, ўн кун — ярим ойлаб отангнинг уйига бориб ўтиришинг оқибати шундай тугаши мумкинлигини наҳот ўйлаб кўрмадинг, эй калта ўй хотин?!

Маҳдиё! Мен сени тушунаман. Негаки, тўйимизгача беш йил

— 105 —

давомида сен мени мансаб курсисию, башанг кийимларда, из-зат-икромда кўриб, ўрганиб қолгансан. Обрў-эътиборли, зиёли Дилшод ўрнида маишатбоз, маънавий бузук, ҳақоратгўй Дилшодни тасаввурингга сиғдира олмаганинг аниқ. Шу боисдан ҳам менга суянчиқ бўла олмадинг, чунки шу вақтгача ўзинг менга суяниб келгандинг!..

Ўзим-чи, ўзим? Шунча нарсага етган фаҳмим бир нарсага — «Бургага аччиқ қилган одам кўрпани куйдириши мумкин» лигига етмади! Қачон қараса, ўз йўриғимни тўғри санадим. Ана шу тўғри билган йўриғим боис кўнгли ярим Шарофатни, эзилган Ҳанифани таҳқирладим, беобрў қилдим. Ҳали турмуш қурмаган Маҳлиё «ит теккан қовун» бўлди. Қўлимдан шунча макру алдов келар экан, шу ҳунарни Сожидага ишлатиб, яшаб юрсам бўлмасмиди? Ахир, «Хотин киши қовурғадан яратилган. Уни тўғирлайман десаңг, синдириб қўясан. Муроса қилу яшайвер!» деган ҳадисни била туриб, амал қилмадим. Шу нодонлигим сабаб фарзандларим ҳам тирик егим бўлишди.

Ўзимга етган азиятни ҳисобга олибману, аммо ўзимдан ўзгаларга етган зулмни торозуга солиб кўрмабман! Нега?.. Менинг энг катта фожеам — ҳар бир муаммони ўзим билганимча ҳал этишни хуш кўришимда бўлса ажабмас...

Дилшод «Анҳор» бўйлаб узоқ юрди. Кейинги тўрт йил ичида илк марта шундай ҳолатга тушиши эди. Таъбир жоиз бўлса, у ўз руҳияти билан баҳслашар, ўтган умрини сарҳисоб қилар ва тинимсиз чекарди.

— Лекин барибир инкор этмайман, — деди ўзига-ўзи паст овозда, — хотиннинг идроксизи дажжолдан ёмон бўларкан. Машойихлар авлиё, билиб ва синаб айтишган, ҳақиқатдан ҳам эрни қаро ер қиладиган хотин бўлар экан...

Тепароқдаги йўл четига келиб тўхтаган енгил машина магнитфонидан хонанданинг хониши эшитилди:

Найлайин дарду ситам айлаб дилим қон йиғлатур,

Гоҳ алам, гоҳи хаёл, гоҳида армон йиғлатур.

Мен уни жоним дея кўксимга жо этган эдим,

Оқибат қийнаб таним қалбимни ул жон йиғлатур!..

Дилшод шеърни яхши идрок этар, мусиқанинг фарқига борарди. Қўшиқ унга қаттиқ таъсир қилди чоғи бир нуқтага тикилиб қолди. Кейин аста шивирлади:

— Менга ўхшаганларга атаб ёзилган экан:

«Гоҳ алам, гоҳи хаёл, гоҳида армон йиғлатур!»

Яна битта сигарет тутатди. Сокин оқаётган сувга термулганча чекиб, тагин хаёлга берилди: «Ноумид — шайтон! Мен ахир инсонман-ку! Инсон эса, ҳамиша умид билан яшаши керак. Ҳатто олам чароғи, беқиёс ёруғлик манбаи Қуёш ҳам куюб қоп-қорайиб кетади. Инсон умри ҳам қуёшга ўхшаган. Умрни ҳеч қачон текис йўлга қиёслашмаган, аксинча, сўқмоққа менгзаганлар. Сўқмоқдан чиқиш вақти келган кўринади. Кучим етармикан? Иродам-чи?»

Дилшод сигарет қолдигини оёғи остига ташлаб эзфилади. Гўёки, шу билан нафрату аламларини, руҳиятидаги тушкунликни эзиб ташлагандек бўлди.

Кейин зинапоялардан кўтарилиб **КЕНГ ЙЎЛ**га чиқди...

И Л О Н П А Р И

ҲАЁТИЙ ҲИКОЯ

**«Кеч!» — дедилар ҳаваслардан, кеча олмадим,
Ўз майлимча ўзимга тўн бича олмадим.**

**Минг бир чигал саволларга ечим топдим,
Ўз кўнглимнинг бир тугунин еча олмадим!**

Дилмурод САЙИД.

— Аҳволинг шу экан, бузуқи, эрингдан ажрашиб нима қилардинг! — Севара шундай деганча ўзини ўнглаб ердан тураётган Шоҳсанамнинг орқасига тепди. Онасига астойдил ёрдамлашаётган ўн беш ёшли Нигора тепки зарбидан қўлларига таяниб қолган аёлнинг сочидан тортиб, юзига шапалоқ урди.

Ўндан ортиқ қўшнилари можарага аралашини ҳам, аралашмасликни ҳам билолмай иккиланиб туришарди. Бу ҳолни ўзига нисбатан хайрихоҳлик деб тушунган Севара баттар авжланиб, тилига зўр берди:

— Бетингдан олсин сен ер юткур беҳаёнинг, бетгинангдан олсин-а! Одам қуригандек, оилали, бола-чақали эркакка осиласанми-я, осилмайгина ўлгур! Бузуқи қиз туққунича кучук турса бўлмасмиди онанг?! Сен... Вой юрагим, вой юрагим-ей...

Севара кўксини чангаллади, қизи шошиб унинг қўлтиғига кирди. Пайтдан фойдаланган Шоҳсанам бор кучини тўплаб ўрнидан турди-ю, қочиб қолди. Соат тунги ўн иккидан ошгунича театрда

ишлайдиган дугонасининг уйида бўлди. Омадига дугонасининг эри хизмат сафарига кетган экан. Ювиниб чиқиб, дугонаси берган кийимларни кийди. Кейин «қуруқ туҳматга қолгани»ни йиғлаб бир неча қайта ҳикоя қилди. Дугонасидан озроқ пул олиб, тун ярмида уйига қайтди. Эшикни ичидан қулфлаб, чироқни ҳам ёқмай, пайпасланиб ётоқхонага кирди.

«Эринг бошшингдан қолсин, бақалоқ — ичида койина бошлади Шоҳсанам. — Нима, мен эрини куч билан тўшакка тортибманми, ўзи осилди-ку! Оиласи борлигини гапирсам, эшитишни ҳам истамади... Эркак бўлмай қолгур, хасислик қилмай, шаҳар четидан бир хоналик уй олиб қўйганида-ку, оламгулистон эди-я!»

Шоҳсанам уйнинг ва ўзининг ҳужжатларини, зеб-зийнат, қимматбаҳо пардоз анжомларини олди. Кийимларидан сиққанича жомадонга тахлади. Такси чақиртириб, тонг ёришмасданоқ Назарбек томонда яшайдиган холасининг уйига жўнади. Йўл-йўлакай уйни тезроқ сотишни, иш жойини ҳам ўзгартиришни ўйлаб кетди:

«Шунча қўшнидан лоақал биттаси ажратай демади-я! Вой қўшни бўлмай ҳар бало бўлгурлар! Қараб турларинг, уйимни ёлўлига ёки жухудга сотаман. Ишни ҳам ўзгартириш керак, бўлмаса Севар бақалоқ шўртумшуқ қизини эргаштириб бориб, у ерда ҳам жанжал кўтариши ҳеч гап эмас. Шошма, Севар гумбаз, ҳали эрингни ўзингга қайраб, сени бир дўппослатмасам, Шоҳсанам отимни Итқарам қўяман!»

Уйни сотиш масаласи жуда тез ҳал бўлди. Касби адвокат бўлган яхудий уйни кўрибоқ айтилган нархга сотиб олди. Жиҳозларини эса, Шоҳсанам янги уй олгунича холасининг пешайвонига кўчириб келди. Бу орада дугонаси икки хоналик арзонгаров уй топиб берди. Омадига янги олган уйининг ёнгинасида жойлашган тикувчилик ширкатида иш чиқиб қолди. Жуда зўр бўлмаса-да, ҳар ҳолда аёллар кўйлагию халатини келиштириб тикиб юрган Шоҳсанамнинг чеварлиги ширкатдагиларга маъқул бўлди. Икки ой ичида аёл ўз ҳаётида буткул ўзгариш ясади. Лекин шармандаларча калтакланганлигининг алами юрак-бағрини каламушдек кемирарди...

**Макру алдов бошқадир, ким бевафолик ўзгадир,
Бедаволик бошқа тургай, бенаволик ўзгадир,
Англасанг: қуллик бўлақдир, жон фидолик ўзгадир**

**Чин ҳақиқат йўли бошқа, чин вафолиқ ўзгадир
Ҳақ қолиб, Ҳаққон қолиб, ёлғон билан овворамиз!
Дилмурод САЙИД
(«Фарида Афрўз ғазалига мухаммас»дан).**

Ҳошимжон жисмонан бақувват бўлса-да, табиатан мўртроқ эди. Ўз роҳати, маишати учун ҳеч нарсадан қайтмасди. Яна сурбетлиги ҳам бор бўлиб, айнан шу одати боис хотинининг жаврашларига унча эътибор қилмасди. Шоҳсанамга эришувида ҳам шу одати қўл келганди...

«Кўчиб кетгани яхши бўлди, — ўйлади Ҳошимжон, — йўқса, Севар тагига босиб, ўлдириб қўярмиди?.. Лекин янги жойни айтиб кетмади шуниси чатоқ бўлди-да!»

Ҳошимжон бугун ҳам миясидан шу хаёлни ўтказганди. Тушликка яқин телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарди:

— Алло, эшитаман.

— Ҳошимжон ака, ўзингизмисиз? — аёл кишининг ноз аралаш ёқимли овози эшитилди, — ассалом алайкўм, арслон йигит!

Ҳошимжоннинг баданидан чумоли югургандек бўлди, лекин тезда ўзини ўнглади:

— Ваалайкўм ассалом, қочқоқ оҳугинам, бормисиз бу бевафо дунёда? — деди креслога ястаниб.

— Худога шукр, дуои жонларини қилиб юрибмиз, оагинам, — нозли овоз буёғига қичиқли тус олди, — қочириб қўйиб, хабар олмайсиз!

Ҳошимжон қийқириб кулди:

— Гапнинг ҳам юз-кўзини очиб гапирасиз-да, санамгинам!

— Қўшничиликда имо-ишораю пичир-пичирдан нарига ўтмас эдик, энди эшигимизни ҳам, тешигимизни ҳам пойлайдиган йўқ, очиб гапирамизда...

Бепарда пайров-қочириқ оҳангида анча гаплашдилар. Софинганликларини исботлаш учун қайта-қайта қасам ҳам ичдилар. Сўнг учрашувга келишишди.

Бир соатдан кейин «Уголок» қаҳвахонаси яқинида кўришдилар. Ҳошимжон ишхонасига «Бетоб бўлиб қолганлиги, поликлиникага боришини» айтиб чиқди. Йўл-йўлакай бирров шифокорга учраб, «қабулда бўлганлиги ҳақида» қоғоз ҳам, уч-тўрт хил дори-дармон ҳам ёздириб олди. Ҳар эҳтимолга қарши-да, мабодо хотини иш жойига қўнғироқ қилиб қолса...

Шоҳсанам учрашувга чорак соат кечикиб келди. Вужудини

сидириб тушган оппоқ кўйлаги, таранг тортилган кўкраклари, дид билан терилган қуюқ қошлари, қоп-қора, қалин, ёйиқ сочи ва нозли жилмайиб, сузилиб қарашлари Ҳошимжонни тирик ўлдирди...

«Уголок»да овқатлангач, кўздан панароқ жойдаги ўриндиқни эгаллашди. Чиллалик келин-куёвдек бир-бирларини эркалаб, хўрозқанддек ялаб-юлқаб, кунни кеч қилдилар.

— Қачон энди хумордан чиққунча гаплашамиз, санамим? — кўзлари ўйнаб, энтикканича қайта-қайта сўрарди Ҳошимжон.

Унинг хайрлашув олдидаги аҳволини дарё лабига келиб, сув ичишга арқони калталик қилган хўкиз ҳолатига ўхшатиш мумкин эди. Шоҳсанам бу ҳолни кўриб, ич-ичидан завқланарди. Унинг юзидан сийпаб, жилмайганча жавоб қилди:

— Сабр қилсангиз, ҳалво битади. Насиб қилса, сиз мантию, мен хасип еймиз, насиб қилмаса, Севар бақалоқ иккимизни ейди!

Улар хайрлашдилар. Аёл манзилени айтмади, кузатиб қўйишга ҳам кўнмади. Ўзи кўнғироқ қилишга ваъда бериб, таксига ўтириб кетди.

Бундай учрашув яна икки бор такрорланди Ҳошимжоннинг тоқати тугади:

— Хўп денг, санамгинам, бугун мен айтган жойга борайлик!

Шоҳсанам бироз жим қолди. Кейин:

— Ҳошимжон ака, тўғри тушунинг, мен бегона жойга бормайман. Дуч келган тўшакка ётадиганлар бошқа! — деди таклифни рад этиб.

— Унда уйингизга борайлик.

— Уйимнинг тўрию бор-йўғим сизники, аммо Севарангиз мушукдан ҳам тез ис олади. Яна сиз четда қолиб, мен уй сотиб, тентираб юраманми?

— Хўш, унда нима қил дейсиз?

Шоҳсанам жиддийлашди:

— Шаҳар четидан уй олинг ёки шароити кўнғилдагидек ижара жой топинг!

— Уйни кимнинг номига оламан?

Шоҳсанам кулди:

— Бу баҳона ҳам, муаммо ҳам эмас. Соққасини чўзсангиз, ҳаммасини ўзим ҳал қиламан.

Сув тинимсиз томаверса, тошни ҳам тешар экан. Ҳошимжон-ку одам!

Қандай қилиб икки ярим минг долларни Шоҳсанамнинг қўлига тутқазганини ўзи ҳам билмай қолди. Пулни олгач, аёл чамаси бир ой кўринмай кетди, лекин ҳар уч кунда телефон қилар, уй олганлигию сингисининг номига расмийлаштирганини, энди таъмир қилдираётганлигини айтиб турарди. Ниҳоят учрашдилар. Янги уйга боришди. Шаҳар четроғида, тинч мавзеда экан. Таъмири ҳам жуда нозик дид билан баланд нарҳда қилинган.

— Гап йўқ, — деди Ҳошимжон, — лекин нега бўм-бўш, ҳеч бўлмаса, битта диван топилмадими?

Шоҳсанам унга суйкалди:

— Ётадиган тўшагингизгача олиб келсам, нафсониятингизга тегадимикан, дедим-да! Қолаверса, сиз ўта нозиктаъб одамсиз, шунинг учун жиҳозларни бирга танласак дегандим...

Ҳошимжон эртасига жиҳозлар учун Шоҳсанам айтган «арзимас минг кўки»ни олиб келди.

Ташландиқ гўдакдек қалбим йиғлайди,

Ўйлар бева аёл каби аламнок.

Вужуд қафасига тоқат сиғмайди,

Ишончим дарвешдек юпун, ёқа чок!

Дилмурод САЙИД.

Русларда «кечикиб ўт олувчи», деган ибора бор. Ҳошимжонда шундай бўлди:

«Эҳ, пул топиб, ақл топмаган лақма, уч ярим минг долларни нимага ҳаражат қилдим? Ахир, кечқурунлари мен у ерга бора олмайман-ку!»

Лекин «кечикиб ўт олган КамАЗ» учун орқага йўл йўқ эди. Шу боисдан ҳам, айниқса, кечқурунлари ўзидан-ўзи асабийлашадиган одат чиқарди. Хотинию фарзандлари ҳайрон. Қоронғу тушди дегунча, Ҳошимжонга «Битта гап кам, иккита гап кўплик» қилиб қоларди. Бу асабийлашиш, ҳардамхаёллик ўз кучини кўрсатди.

— Ичингизда қурт борми, бир жойда ўтиролмайдиган бўлиб қолдингиз? — «жуволдиз»ни санчиди Севара бетоқат эрига бир куни кечки овқатдан кейин.

— Ўчир овозингни, ҳе онангни... — сўкинди Ҳошимжон.

Хотин жим бўлиш ўрнига яна «жуволдиз»ини санчиди:

— Ичингизда ит ҳам ўлганми дейман, сасиб сўкинаяпсиз?

Қизи эндигина келтириб қўйган чойнакни Ҳошимжон қандай

қилиб қўлига олдию, қай йўсинда хотинига қараб отди, ўзи ҳам билмай қолди. Ўн етти йил бирга яшаб, эридан чертки емаган Севара буни сира кутмаганди. Фақатгина қизининг чаққонлиги сабаб чойнак тегмай ўтди. Яқин турган Нигора онасини ўзи томонга тортиб қолди. Лекин деворга урилган чойнакнинг чинни парчаларию қайноқ чой Севаранинг устига сочилди. Аёл шунда ҳам эсини йиғмади. «Эс йиғиш» унинг табиатига зид эди. Қора қўнғиздек ёнбошига ағдарилди, кейин бойқушдек ҳурпайиб, яна «жуволдиз»ини ишга солди:

– Айтишарди-я, бувим раҳматли ҳам айтганлар, бегона аёлга илакашиб, унинг сийдигини ичган эркак қутуради, жинни бўлади, деб. Вой-дод, мусулмонлар, Шоҳсанам бузуқнинг сийдигини ичиб қўйганга ўхшайди. Эрим қутураяпти, вой-дод, ёрдам беринглар.

Нигора ҳам қўрқиб кетганидан бақриб йиғлаб юборди. Ҳошимжон эса, «шайтонга ҳайф» беролмай қолди.

– Эй, ўша бувингням, ўзингням оналарингни... – деб сўкинди, – ўчирларинг, бўлмаса сўйиб ташлайман икковингни ҳам.

Нариги хонага дарс тайёрлаш учун чиқиб кетган кичик қизи ва ўғли ҳам шовқинни эшитиб киришди. Севара бадтар авжига минди:

– Оталарингни кўриб қўйларинг, бир бузуқнинг сийдигини, унга қўшиб ҳаром қонини ичиб қўйиб, энди қонсираб қутураяпти.

Бу маломатдан Ҳошимжон ақлий бошқарувни буткул йўқотди. Семиз, қора хотини вазоҳатидан опала-ажинадек кўринди шу тобда. Икки қадам ташлаб, хотинининг оғзи-бурни аралаш шундай куч билан урдик, Севаранинг боши деворга қаттиқ урилиб, ерга йиқилди. Ҳошимжон унинг беҳуш бўлиб йиқилганидан беҳабар биқинига кетма-кет тепа кетди. Фақат фарзандларининг уввос солиб йиғлашлари уни ҳовлига чиқишга мажбур қилди.

Кўп ўтмай келган «Тез тиббий ёрдам» машинаси Севарани олиб кетди. Олинган жароҳатларга таяниб навбатчи врач милицияга қўнғироқ қилди.

Бу пайтда Ҳошимжон бир даста пулни ёнига солганича, Шоҳсанам олдирган уй томон кетиб борарди...

ШАҲВАТ КАНИЗАГИ ЁКИ ҚИШЛОҚ ҚИЗИНИНГ

«ИШҚИЙ» САРГУЗАШТЛАРИ

БИРИНЧИ ҚАДАМ

**Шаробнинг кучидан кўзлар сузилди,
Вужудлар тўлғониб, ҳислар узилди.
Эҳтирос тўфони босиб, бу кеча –
ИФФАТ аталмиш зўр қўрғон бузилди!
Забон «Йўқ!» деди-ю, Кўнгил тиланди,
Қон тўкиб ғунча ҳам гулга айланди.
Оппоқ бўйин ила сийна «лолагун» –
Бўлгач, қиз бўшашди инграниб... мамнун!..
Дилмурод САЙИИД.**

Милиция ходимлари бостириб киришганида Гуландом чекилган наша таъсиридан тўлиқ қутилмаганди. Шу боисдан ҳам формалик эркаклар рўбарўсида қип-яланғоч ўтирганлигини идрок этолмас, карахт нигоҳлари эса, бемаъно эди.

– Қотиб қолибди-ку, устига чойшабни ташланг, – буюрди ёши ва унвони каттароқ ходим сержантга.

Сержант буйруқни бажарди.

– Ювиниш хонасида ҳам иккитаси бор экан, бир аёл, бир йигит, – деб хабарлади уй йўлагини қараб, балконга ўтаётган милиционер. Кейин ушланганларга бақирди: – Чикларинг буёққа маразлар!

Фақат белидан пастини сочиқ билан ўраган 25-30 ёшлар чамаси эркак ва 20 ёшлардаги аёл қўрқа-писа чиқиб, хонага кирдилар.

-Хўш, уч киши – икки байтал, бир айғир! – деди капитан бармоқларини шақирлатиб. Сўнг: – менимча, яна бир кавалер бўлиши керак, негаки, «шиптак» иккита, «оёқ» битта!

Уч милиционер икки хоналик уй, ошхона, балконни қидиришди.

– Бошқа ҳеч ким йўқ, ўртоқ капитан! – деди сержант.

– Ҳожатхонани ҳам қарадингизми?

Ҳожатхона эшиги кўча эшиқдан кираверишда чап тарафда бўлгани учун эътибордан қолганди. У ердан 45 ёшлар чамаси эркакни топишди.

— Кийинларинг, қолганини бўлимда гаплашамиз, — буюрди капитан.

Пастда турган «УАЗ»га аввал эркаклар, кейин икки аёл чиқарилиб, эшик ёпилди. Олдиндаги енгил машинага капитан ва сержант минди.

Кўп ўтмай пештоқига «Туман ички ишлар бошқармаси» деб ёзилган, атрофи панжара билан ўралиб, кириш эшигида автоматли соқчи турган бино олдида тўхташди.

Барча ёзув-чизувдан иборат расмиятчиликлар тугагач, икки аёлни бир камерага, эркакларни эса, қафасмонанд хонага қамаб қўйдилар.

— Ничего Гуличка, бу первый раз эмас «выйти замуж», — кулди шериги, — нари борса икки ё уч соат, адресни текширишади, кейин бирорта бошлиққа беседага олиб чиқишади ва... яна кўчага.

Гуландом ҳам шундай бўлишини биларди. Шеригига қараб жилмайди.

— Вой Гуличка, ёмон чиройли куласан-да. Эркак бўлганим-дами, сени фақат ўзимники қилиб олар эдим, — деди шериги ва яқин келиб уни белидан қучоқлади. Кейин эркалай бошлади:

— Асалим, Гуличкам, жоним! Кел, ўпишайлик. Ташится қилайлик. Ваннада зўр бўлаётганди, ментлар келиб, кайфолом бўлди. Сенинг мижозинг қалай мужик экан, анча қийнади шекилли...

Гуландом жавоб ўрнига «олхўри» бўлиб кетган сийнасини кўрсатди. Шериги жуда қизиқувчан эди.

— Гуличка, хотя бы вақтни ўлдириш учун гаплашиб ўтирайлик. Масалан, биринчи мартаси қандай бўлган? Ахир, биринчиси эсдан сира чиқмайди-ку! Ўзим ҳам баъзан эслаб тураман. Ўшанда — икки йил аввал энди 18 га киргандим. Шу ёшгача қишлоқда бирор йигит қучоқлаши тугул, ҳатто қўлимдан ушлатган эмасман. И вдруг, ўқийман деб келдим, қандайдир 2-3 ойда... Шаҳар барибир шаҳар-да! Йигитлари ҳам гапга уста, пулдор... Исми янглишмасам, ё Шухрат эди, ё Шавкат... Хуллас. Икки-уч йўлимни кесиб чиқди, кейин машинасида сайр қилдирди. Кейин тоққа таклиф қилди. Кечгача қайтамиз, деб ваъда берувди. Лекин... Маст бўлиб қолибман. Беш киши эдик: уч йигит, икки қиз. Комплементларга маҳдиё бўлиб, икки пиёла шампан ичганим эсимда. Хуллас, икки кун қолиб кетдик. «Группавой секс» қандай бўлишини ўша икки кунда билиб олгандим. Шеригим анча

«профессионал» экан. Кўпроқ мен билан бўлишди йигитлар... Шаҳарга қайтгач, бир ҳафта ғужанак бўлиб ётдим, худди маткам ёрилиб кетгандек... Йўқ, ўн кундан кейин яна тоққа чиқдик. Бу гал бошқа компания билан... Ўзингда қандай бўлган биринчиси?

— Мен ҳам шу сенга ўхшаб ўқигани келгандим. Мана ўқитиб қўйишди, юрибман сексология фани бўйича ҳали у «оппонент», ҳали бу «оппонент»нинг хизматини қилиб, — деди Гуландом шеригининг кўкрагидан сийпай, — биринчиси... Ўзим хоҳлаганман. Ўзимдан ўн ёш катта одам билан ётганман. Биласанми, нега? Ўша кишига тегмоқчи эдим. Мен ижара турган жойда яшарди. Эшигимиз ҳам тўғрима-тўғри эди. Хотини Дубайми, Туркиями қайсидир шаҳарга кетиб қолган. Бир қизчаси ота-онасида бўлиб, ҳар якшанба олиб келарди. Бир-икки марта қизчасига қараб туришимни илтимос қилди. Уйига чиқдим. Анчагина бой яшаркан. Бир куни, аксига олиб, «хозяйкама» касалхонада, шеригим уйига кетганди. Дилшод ака чақириб қолди.

— Гуландом, ёрдамнинг зарур, — деди ёқимли кулимсираб. Қизчасининг туғилган куни экан, дастурхон безадик. Овқат пиширдим.

— Меҳмонлар қачон келишади, ахир қоронғи тушаяпти-ку, — дедим.

Дилшод ака туғилган кун оилавий нишонланишини тушунтирди.

— Сиз ҳам оиламиз аъзосидек бўлиб қолдингиз, Мухлиса қизим сизни жуда ҳам яхши кўради, — деди.

«Имененник» қизчага яхши тилаклар билдириб, «Бренди» ичдик. Кўп ўтмай, қизча ухлаб қолди. Кейин видео кўрдик, аввал Юлдуз ва Мирза «записи»ни, кейин сал эротик фильм. Бу орада «Бренди» бўшади, қандайдир таъми ширин, ўзи ўткир шарбат ичилди. Аввалига Дилшод аканинг эркалашлари, ўпиб-қучоқлашидан бироз уялдим, тортиндим ҳам. Лекин лаблар томоғимни куйдириб, қўллари белдан пастимни, сийнамни сийпалагач, оёқ-қўлим бўшашиб, ўзим ҳам бир нималарни хоҳлаб қолдим. Кутилмаган оғриқдан қаттиқ инграб юбордим... Эрталаб никоҳ ўқитиб келдик. Ўқишга кирдим, контракт билан. Кейин очиқчасига яшай бошладик. Ҳомиладор бўлиб қолдим. Дилшод ака аборт қилдиришим шарт эканини келиштириб тушунтирди. Кўндим. Кейин... Хотини келди чет элдан. Улар расман ажрашмаган эканлар. Аввалига мени роса дўппослади хотини. Маҳаллага, участкавойга

судраб чиқиб, тоза шарманда қилди. Қишлоғимга, ўқиш жойимга олиб бормоқчи бўлди. Дилшод деганлари «қуённинг расми»ни чизиб юборди. Битта мелиса ҳаммани чиқариб юбориб, мен билан очиқ савдога ўтди:

— Қадимда «андом» деб аёллар жинсий аъзосини айтишган. Агар кўнсанг, гулга қиёсланган жойингдан бир баҳра олдирсанг, сени бу шаллақидан қутқараман, яна бир тинч ижара уй ҳам топиб бераман. На ўқишингда, на қишлоғингда билишмайди бу машмашаларни. «Ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолади!» Акс ҳолда Дилшоднинг законный хотини гул ўрнига тикан ўстириб юборди.

Мен тинч бўлиш учун, ҳатто ўлимга ҳам розийдим, лекин жон-ширин! Мелиса гапининг устидан чиқди, мен ўша кеча бегона тўшакка ётдим. Орадан бир кун ўтиб, янги ижара уйга кўчдим. Ўша куниеқ уй эгаси — ўрис кампир мени бошқатдан ювинтириб, ҳатто массаж қилди. Янги усти-бош кийдирди. Кечқурун эса, қандай ижара уйга келганимни тушундим, аммо орқага йўл йўқ эди. Ўша кечаси икки эркакка хизмат қилдим. Бир кун ўтиб, яна иккитасига.

Гуландомнинг гапи бўлинди. Камера эшиги очилиб, навбатчи сержант кўринди.

— Қани чиқинглар, жононлар! Озодлик, суюнчини унутмангиз бўлди, — деди сержант.

— Ҳозир берақолай, начальник, — деганча соқчига суркалди иккинчи аёл, — «тўрқовоқ»ни очайми, «бедана»нг сайрайдими ўзи?

Навбатчи ҳам пишиққина экан:

— Биззи бедана эски тўрқовоқни ёқтирмайди, — деди аёлнинг думбасига аста шапатилаб.

— Ҳо, шунақами? Ўзи тўрқовоқ кўрганми?.. Ёки...

Пайров чала қолди. Аёллар «даъволари йўқ»лиги ҳақидаги қоғозга имзо чекишгач, кўчага чиқариб юборилдилар...

ЭР КИШИНИНГ ОРИ

Гуландомнинг отаси муаллим, онаси қишлоқ кутубхонасида ишларди. Беш фарзанд — тўрт қиз, бир ўғил, Гуландом тўнғич қиз эди.

Қишлоқ жойда зиёли кишига алоҳида ҳурмат билан қаралади. Аксарият далада ишлайдиган ҳамқишлоқлари ўз болаларини

тергасалар ҳам, албатта, зиёли хонадонни мисол қилиб: «Бегим муаллимди ули, қизини кўргин, қандай уқувли. Сен ҳам пўстакка ўхшамай, каллангди ишлат, уккағар! — деб айтишарди. Тўймаъракада раислик бегим муаллимга берилар. Аёли Момохол кутубхоначи эса, қишлоқ аёлларига маслаҳатгўй саналар, айниқса, оилада қиз бола тарбияси масаласида Момохолга мурожаат этиларди.Лекин...

Қишлоқчилик — ҳар қандай хабар товуш тезлигида тарқалади.

«Гуландом бузилиб кетибди!», «Яширинча эрга теккан экан, кундоши келиб қолибди!», «Мелисанинг фоҳишалар рўйхатида турар экан!» қабилдаги гап-сўзлар Бегим муаллимни «Тўрдан тушуриб, тўшакка йиқитди».

Қизни келин қилиш умидида ота-онага беқиёс мулозаматда юрган Райим чавандоз, Эшназар бригад, Матқобил фермер муаллимга салом бермай қўйишди. Фарзанди учун Бегим муаллимдан танбеҳ эшитган Маҳамат кўкнор билан Қўйлибой чойхоначи, айниқса, жиртакни қаттиқ чалишди.

— Агар менинг қизим шу ишни қилсами, чатаноғидан йиртиб, тириклай кўмардим, — деб кўпирди кўкнор.

— Ўзи кўзи сал ўйнақироқ эди чамамда, — мой қуйди гапга чойхоначи, — шунини билиб туриб отаси катта шаҳарга жўнатганини қара!

— Чавандоз келин қилмоқчи эди, «Ўзим ўқитаман» ҳам деганди... Райини синдирган муаллим... — давом этди кўкнор.

Аёлларга-ку, худо берди:

— Баласини олдирибди ёсуман, қўрқмаганини қаранг, — деди Халича дўкончи.

— Катта шаҳарда бола олдириш ишми, ҳожатга кириб-чиқишдек гап, — деди мактаб фарроши Сония.

Она барибир она! Момохол эрта тонгда йўлга отланди. Анчагина пулни белига боғлаб, аввал туман марказида яшайдиган укасининг уйига келди.

— Бирга борасан, Норқул, — деди укасига.

Автобусга ҳам қаноат қилмай, киракаш енгил машинага миндилар. Йўл бўйи ўйга толди она: «Охирги марта тўрт ой аввал келиб-кетган эди. Тўғри, анча қиммат кийимлар кийган, бироз толиққандек ҳам кўринганди. Бир кеча ётиб, шаҳарга қайтганди. Ҳеч гап йўқ эди-ку? Ахир, бузуқ бўлса, икки йилдан бериси

хабар топардилар-ку!» Йўқ, бу гаплар ёлғон, бизни кўролмайдиганларнинг фисқи фасоди. Ўзи ким топиб келибди? Ҳа, Матқобил фермернинг бева укасидан чиққан, дейишди...»

Фермернинг чиндан ҳам хотини ўлган укаси олиб келганди бу хабарни. Уч йил олдин хотини ўлган бу кишини Истам итбоз дердилар. Ҳаромдан ҳазар қилмай, ит савдоси билан шуғулланиб, мўмайгина пул топар, ишратга «суяги йўқ» киши эди. Айнан ит савдоси сабаб Тошкентдан ҳам уч-тўртта ошна орттирганди. Ҳар тўрт-беш ойда катта шаҳарга тушиб, аёллар билан маишат қилиб қайтар, лекин ҳар ҳафта туман марказидаги таниш «жонон»ларни ҳам йўқлаб туришни канда қилмасди. Унинг ҳам Бегим муаллимда кеки бор эди. Ўтган ёзда кўпнинг ичида муаллим уни «Бузуқи, қишлоқнинг бўйнидаги тавқи лаънат», деб айтганди.

Фақат акасининг ҳурмати учун Истам индамай кетган эди.

Тошкентга бу галги сафари Истамга омадли бўлди. Иккита кучук боласини сотиб, нақд 500 доллар фойда кўрди. Фойдадан 100 долларни маишатга ажратди.

— Ёш, ўйноқисидан бўлсин, — деди кўзлари йилтираб.

Шундай «касб» бор — қўшмачилик! Истамдан ит харид қилган йигит айнан шу иш билан шуғулланарди.

— Гап йўқ, ока! Қайси миллатдан бўлсин? — деди илжайиб.

— Ўзбек бўлсин, 20-22 ёшларда.

— Ҳисоб, танланг, — йигит Истамнинг олдига бир даста сурат ташлади, — студенткалар.

Истам ютоқиб-ютоқиб ярим яланғоч, деярли яланғоч қизлар суратини томоша қила бошлади.

— Оҳ-оҳ, оҳ! Қани энди иложи бўлса-ю, ҳар бири билан бир кечадан... — деди сўлагини оқизиб.

— Иложи пул-да, окагинам. Ўн минг сўмдан юз «кўки»гача, ёққанига ташланг ставкани, туни билан сизники!

Истам бирдан тўхтади. Столга ташланган қиз суратини қайта қўлига олди. Чўмилиш кийимидаги жононнинг суратига тикилиб қолди. Қўшмачи йигит орт томондан ўтиб изоҳ берди:

— Бу Гуля, културада ўқийди, 20 ёшда.

— Нархи-чи, нархи? — сўради Истам.

— Бир кечаси 25 минг сўм, бир мартага ўн минг, ижара уй ҳақи алоҳида, — жавоб қилди йигит.

— Суратнинг ўзи қанча?

Қўшмачи аввал ҳайратланди, кейин кулди:

— Минг сўм беринг, майли!

Истам бир даста пул орасидан битта мингталикни столга ташлади. Суратни авайлаб, паспорти ичига солди. Кейин шошилмай гап уқтирди:

— Йигирма беш эмас, ўттиз минг оласан. Фақат бошқа одам киради. Мен эса, унинг қичиғини томоша қиламан озроқ. Келишдикми?

Қўшмачи маъқул ишорасини қилиб, бош силкиди. Кечқурунги соат 9 да учрашадиган бўлдилар. Истам шаҳарда туриб, мардикорчилик қиладиган, асли қўшни қишлоқлик тенгдошини излаб топди. Меҳмон қилди, ароқ ичишди. Зиёфат охирлаб қолганида:

— Бир ёш жононга ваъда қилгандим. Лекин боролмайдиганга ўхшайман, — деб аёл суратини олиб кўрсатди.

Мардикорнинг кўзи ўйнади:

— Зўру, а, жўра, зўру! — деёлди холос.

— Истасанг, сен борақол, ошна, — деди бепарво.

Мардикорнинг бўғзига бир нима тиқилгандек, кўзлари олайиб кетди.

— Тур кетдик, жонон кутиб қолмасин!

Чеккароқ мавзедаги уй олдида уларни қўшмачи йигит кутиб олди.

Истам уни четга тортиб, пул тутқазди:

— Айтилган 30 минг яна 5 минг ижара учун, жами 35 та. Анали ошнамни олиб кирасан. Кейин сездирмай мени!

Қўшмачи ва мардикор уй йўлагига кириб кетдилар. Ўн беш дақиқа чамаси ўтиб, иккинчи қаватдан йигитнинг боши кўринди:

— Ҳов ака, чиқинг, иш бошланди!

Истам иккинчи қаватга кўтарилиб, ичкарига кирди. Пардаси қия сурилган эшик ойнасидан хона ичига қаради. Икки оёғи тепага кўтарилган аёл, унинг устида мардикор ҳаракатларини бироз томоша қилди. Кейин балконга чиқиб сигарет чекди. Шу орада аввал эркак, кейин аёл ювиниш хонасига кириб кетишди. Лекин ичкаридан қулфламдилар. Истам аста бориб салгина қия очиқ жойдан ичкарига мўралади. Қоп-қора сочлари юз-кўзини тўсган, кўкраклари дуркун, қомати келишган, оёқлари узун, сонлари бўлиқ жувон душ тагида турар, мардикор эса аёлнинг ортидан қучиб, маммаларини эзгиларди. Аёл юз-кўзини тўсган

сочларини икки қўллаб тепага кўтарди. Истам унинг бор-бўйига қўшиб юзини ҳам аниқ кўрди. Вужудида шаҳват эмас, ўч ҳисси кўпирди: «Шошма энди, Бегим муаллим! Ким бузуқи, ким қишлоқ бўйнидаги тавқи лаънат экани эрталаб аниқ бўлади қишлоқдошларга!»

Кейин балконга қайтиб, мардикорни бир дақиқага чақиришни сўради қўшмачидан.

Уят жойини катта сочиқ билан ўраган мардикор чиққач:

— Қалай экан? — деди шивирлаб.

— Зўр, гап йўқ. Ўзинг ҳам бир кўргин, жўра, — деб илжайди мардикор.

— Келаси сафар! Фақат кетаётганингда уч кундан кейин яна келишингни айтиб, учрашув тайинлаб қўйгин. Бир ўзи иккови-мизга етар!

Кўчага чиқишгач, қўшмачи йигит гап қотди:

— Гулянинг «Бозори чаққон», агар ростдан ҳам уч кундан кейин келадиган бўлсангиз, закалат ташлаб кетинг, ока!

Истам ўнта мингталикни узатди. Сўнг:

— Бугун сешанба, худо хоҳласа, шанба куни кечки олтига тайёрлаб қўйгин. Эшиқдан кирганимизда, фақат чўмилиш кийимида бўлсин, яна қирқ минг оласан. Ёнимда нозик одам бўлади. Ҳа, унгача ўқишига ҳам бормасин. Келишдикми?

Қўл ташлашдилар...

... Момохол қизини кўриб, аниқлик киритиш учун пайшанба куни пешиндан кейин институтга келди. Эртасига ҳам кун бўйи кутди қизини, курсдошлари «Билмадик», «Балки бетобдир», «Қишлоққа бормоқчи эдим-ей» қабилида жавоб айтишди.

Гапни қишлоқдан эшитинг энди.

Бу хунук хабар биринчи бўлиб Истамнинг жияни, Матқобил фермернинг катта ўғли Муртазони газабга келгирди.

— Ўйлаб гапираяпсанми? — деди акаси Истамга қаҳрли тикилиб.

— Амаки, худодан кўрқинг! — деёлди жияни.

— Гапни Бегим муаллимга ўхшаганлар ўйламай гапирди. Худодан ота-онасию қишлоқдошларини бадном қилиб, фоҳишалар қилиб юрганлар кўрқсин!

Муртазо чиқиб кетди. Ака-ука ёлғиз қолдилар.

— Исботинг борми, ука? — деди укасининг биллагидан силталаб фермер.

— Бор! — Истам суратни кўрсатди ва кимдан олганлигини ҳам айтди, — керак бўлса, тирик исбот ҳам бор!..

Муртазо амакиси уйдан чиқиб, Бегим муаллимнинг уйига борди. Бегим шипга тикилганича қимир этмай ётарди.

— Маллим, — деди Муртазо, — амакимни ҳамма билади қандайлигини. Мен Гуландомга ишонаман.

Бегим бир сўз демади. Фақат кўз ёши — икки кундан буён тош бўлиб турган томчилар ёноқларидан сизиб, ёстикқа тўкилди. Ва... бирдан, ҳеч кутилмаганда ўкраб-ўкраб йиғлаб юборди Бегим муаллим.

Муртазо бироз каловланиб турди-ю, сўнг ортига ўтирилди. Жон-жаҳди билан югуриб Истамнинг уйига кириб борди.

— Амаки, тўғриси айтинг, муаллимдан ўч олиш учун шу ёлфонни тарқатдингиз, а?!

Жиянининг кўзидаги оловни кўриб, бироз ҳадикланди: «Кутурган буқа гунажин учун катта буқага тик чиқар экан!»

— Бери кел, — деди жиянини имлаб. Кейин кўрпачага имо қилди, — ўтир!

Орага қисқа жимлик чўқди.

— Биламан, севасан уни! Гап бундоқ, эртага барвақт кел. Акамга индама. Бир жойга олиб бораман. «Юзта эшитгандан, бир кўрган афзал!»

Шанба куни амаки-жиян кеч соат тўртга яқин шаҳарга келишди.

— Фақат жиянимлигини билдирма. Итбоқарман дейсан, — уқтирди Истам.

Қўшмачи йигит уларни тавозе билан кутиб олди. Кафега бордилар.

— Соат беш ярим бўлди, ока, — эслатди қўшмачи.

Манзилга етиб боришганида соат олтини кўрсатарди.

— Мен йўлақда қоламан, ҳамкасбим — шу йигит дам олади, — деди Истам, — мана бу қолган қирқтаси.

Кейин қўшмачини четга имлади ва аста гапирди:

— Агар ҳамкасбимга ёқмаса, ўзим кираман. Ҳозирча ҳув гаражнинг панасида тураман.

Истам гараж томонга юрди, икки йигит уй йўлагига.

Эшикни ўрис кампир очди. Ичкарига кириб эшик ёпилгач, қўшмачи тўғридаги хонага имо қилди:

— Ўша ёққа кирсанг, бас. Ечиниб кутиб ётибди.

Муртазо ичкарига юрди. Хонага кириб, икки одим юргач, таққа тўхтади. Кўзлар тўқнашдилар. Бир лаҳзалик бу тўқнашув ҳаммасини ҳал қилди. Муртазо шаҳд билан ўтирилди-ю, кўча эшикка йўналди. Ундан йўлакка. Оёқлари зиналарга тегиб-тегмай пастга тушиб, кўчага ўқдек отилиб чиқди. Кейин катта йўлга қараб югуриб кетди.

Тошкент XI.2004 йил

ҚИЗАЛОҚНИНГ КЎЗЛАРИ

- Мани адам алкаш, бизани ташлаб кетган, деди қизалоқ дабурустан. Кейин онасига қараганди, аёл мамнун жилмайиб қўйди.

Элёрга бу ҳолат вайритабий туюлди. Она-болани кузатиб қўйгач, уйига етгунча ўйлашиб келди. Қизчанинг ҳазин овози қулоғига ўрнашиб, миясида акс-садо берарди: «МАНИ АДАМ АЛКАШ!..»

ЭЛЁР ҳаётда, айниқса, оилавий турмушида кўп ноҳақлиг-у оғирликларни бошдан кечирган бўлгани боис анча вақт сўққа-бош юрди. Кейин «одамлардек яшаш» фикри кучлилиқ қилиб, зимдан ўзига мувофиқ умр йўлдоши излай бошлади. Ва, асосан, газеталарда чоп этилаётган танишув эълонларини кузатиб борди. «Оғзи куйган»лиги сабаб айрим эълонлар матнини ўқиб, баъзан чуқур «ух» тортиб қўяр, собиқ хотинини эсга олиб: «Илк танишганимизда у ҳам шу эълонда ёзилгани каби гапларни айтганди» деган ўй кечарди кўнглидан. Айнан эълонлар орқали уч нафар аёл билан танишди. Иккиси Элёрга маъқул бўлмади, бирига эса ўзи ёқмади.

Бир ярим ойча аввал Шоҳиданинг эълонини ўқиб қолди. Ўзи сезмаган ҳолда энтиқкандек бўлди. «Олий маълумотли, пазанда, саришта тўрт ёшли қизчаси бор, касби муаллима бўлган аёл»

Элёр шундан кейин негадир эълон ўқиш одатини тўхтатди. Бир ҳафта ўтиб, йўллаган мактубига жавобан телефон бўлди. Кейин учрашдилар... Элёр Шоҳидани илк кўрганидаёқ хаёлидан шундай қиёсий фикрлар кечди:

«Худди «Ўткан кунлар»даги Зайнабнинг ўзи-я!»

Тўғриси, Элёр кўпчиликдан фарқли ўлароқ Кумушдан кўра

Зайнаб ҳолига куюнарди. Орзу-ҳаваслар қурбони деб биларди Зайнабни.

Шоҳида билан иккинчи учрашувларида, гарчи Элёр сўрамаса ҳам, аёлнинг ўзи гап очиб қолди.

-Одамнинг боши нимагадир тегса, кўзи очилар экан, Элёр ака,-деди аёл сокин анҳордан кўз узмай,-лекин унда анча кеч бўларкан. Менимча, «ҳеч бўлмагандан кўра, кеч бўлгани» ҳам дуруст!

Элёр индамай эшитганча, сўзсиз — бош қимирлатиб, тасдиқ ишорасини билдирди.

-Эълон бериб, ким биландир танишиш етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган ҳол,-жилмайиб гапида давом этди аёл,-ўзимга ўзим айтаман, бўлар экан-ку оила масаласида ҳеч кимнинг кўнглига қарамай, ақлга суяниб йўл тутса! Эсиз, саккиз йил умрим шамолга кетди. Энг куядиганим, ўз яқинларимнинг орзу-ҳавас шамолига учди умримнинг саккиз йили.

Элёр Шоҳидага қаради. Унинг сиймосида Зайнабни кўрди.

«Менинг Кумушим йўқ, мен Отабек эмасман, сиз менинг хаёлимдаги Зайнабсиз, Шоҳида!»-деган ўй кечди кўнглидан. Ва шу топда аёлнинг қизчасини эслаб қолди:

-Шоҳидахон, ўтганни эслайвериш мияни толиқтириб қўяди, олдинга юравериш керак. Қизалоқ билан мени таништиришга шошилмаётганга ўхшайсиз?!

Аёл анҳорга тикилганча бироз жим қолди.

-Фақат якшанба кунлари олиб чиқишим мумкин, бошқа пайт боғчада бўлади,-деди йигитга ўтирилиб.

-Демак, индинга учрашар эканмиз-да,-деди Элёр.

-Фақат пешиндан кейин, негаки, якшанба аёллар учун кучайтирилган иш куни,-кулди Шоҳида,-ҳафта бўйи йиғилиб қолган рўзғор юмушлари — супур-сидир, кир ювиш дегандек.

Йигит маъқул ишорасини билдирди.

Якшанба куни соат тўртда «Мирзо Улуғбек боғи»га кираверишда кўришдилар. Элёр метродан чиқиб, уч-тўрт одим юрмаёқ она-болага кўзи тушди. Келишилган вақтга ўн дақиқача бор, лекин улар олдинроқ келишибди. Онасининг имоси билан қизча Элёр томон юрди. Қизалоқнинг нигоҳидан қандайдир ҳадик сезилиб турса-да, йигит буни бегонасираш деб тушунди. Қадамини тезлатиб, қизчага яқин борди-ю, кўтариб олди. Қизалоқдаги титроқ Элёрга ҳам ўтди.

-Мана бу сенга, Шоҳиста,-деди йигит ўзи билан олиб келган ўйинчоқ — момикдек айиқчани қизчага тутқазиб. Қизалоқ она-сига қаради. Аёлнинг ияк кўтариб қилган ишорасидан сўнг қизча ўйинчоқни олди. Шу орада Элёрга салом берган аёл қизига юзланди:

-Нима дейиш керак?

Қизчанинг овози жуда ҳазин эшитилди:

-Раҳмат.

Кейин учови боғ ичига киришди. Сайрни баланд чархпалакка чиқишдан бошладилар. Қизча ўйинчоғини бир қўллаб бағрига босганча, ердан кўзини узмай ўтирарди. Музқаймоқнинг ярмини онасининг зўри билан еди.

-Хафа бўлманг, Элёр ака,-деди хижолатомуз тарзда аёл,-отасининг ёввойи феъли-ю бешафқат ур-тўполонини кўравериб, қизим бояқиш кўрқоқ, одамови бўлиб қолган. Худо хоҳласа, ҳали келишиб кетасизлар. Ўзи жуда эсли, зийрак. Ҳалитдан анчагина ҳарфни танийди. Фақат ҳозир айтганимдек, сал зада бўлиб қолган.

Элёр беихтиёр қизчанинг юзига тикилди, сочларидан сийпади. Кейин авайлаб кўтариб, тиззасига олди. Қизалоқ худди карахт одамдек, қўлидаги айиқчани бағрига янада маҳкамроқ босганича ўтирарди.

«Соҳил қаҳвахонаси»да ҳам деярли гапирмади. Бир сих қийма кабобни ярим-ёрти еган бўлди, шунда ҳам онасининг қистови билан. Пиёлага қуйилган «Фанта»га қайрилиб ҳам қарамади. Кеч соат саккизларда уларни кузатиб, уйига қайтган Элёр креслога ҳорғин чўкканича, хаёлга берилди:

-«Бечора қизалоқ, оиладаги жанжаллар-у, ичкиликбоз отанинг ваҳший қилиқларидан жуда юрак олдириб қўйган кўринади. Шундан бўлса керак, мени кўргач, отасининг тўполонларини эслаб, кўрқиб кетди чамамда... Эй тавба, қандай одамлар бор-а!»

Келаси якшанбагача Элёр билан Шоҳида яна икки марта учрашишди. Ҳатто енгилгина қўлтиқлашиб, дўкон айланишди. Қизалоққа чиройли кўйлак харид қилдилар.

-Худо хоҳласа, якшанба кунини олиб берган шу кўйлагингизни кийдириб чиқаман,-деди аёл жилмайиб, сўнг қўшиб қўйди,-совға қилган айиқчангизни жуда яхши кўриб қолган. Боғчадан келибоқ айиқчани кўтариб олади. Исм ҳам қўйиб олибди Полвонча, деб...

Элёрнинг кўксида қизчага нисбатан илиқлик кучайгандек бўлди: «Меҳрга зор, меҳрга!»

Якшанба кун яна «Мирзо Улуғбек боғи»га кираверишда учрашдилар. Ҳақиқатдан ҳам қизчада ўзгариш катта эди. Элёрни кўрибоқ чопқиллаб келди. Элёр ҳам уни дарҳол кўтариб олганди, бунга жавобан қизча ҳам унинг бўйнидан қучоқлади, лекин негадир онасига тез-тез қараб қўярди. Элёр бунга эътибор қилмади. Шоҳида йигитга салом бергач:

-Кўйлак ярашибди-а? -деди мамнун оҳангда.

-Раҳмат, чиройликан, -бийрон қўшилишди қизча.

Бу сафар музқаймоқни ҳам, нонсиз бўлса-да, бир сих кабобни ҳам охиригача еди, «Фанта» ҳам ичди. Ва ҳар гал онасига қараб қўярди...

Боғдан қайтишаётганда Элёр қизчани кўтариб олди. Чиқиш жойига яқинлашгандилар, ҳеч кутилмаганда:

-Мани адам алкаш, бизани ташлаб кетган, -деди қизалоқ даб-дурустан. Кейин онасига қараганди, аёл мамнун жилмайиб қўйди.

Элёр ярим тунгача ухлай олмади. Қулоғига ўрнашиб қолган сас — қизчанинг овози унинг ғафлат шуурини уйғотиб юборгандек эди: «Мани адам алкаш..!» Айнан шу ғайриоддий жумла Элёрни ақл билан фикр юритишга ундади. Негаки, қизча бу гапни ўта синиқ товушда айтганди, аммо унинг қўзлари... Элёр ўша дамдаги масъум нигоҳни эслади. Вужудда титроққа ўхшаш ниманидир ҳис қилди...

Орадан икки кун ўтиб, Шоҳида билан яна учрашдилар. Ўтган икки кун давомида Элёр аниқ қарорга келиб бўлганди.

Бир соатча хиёбон кезишди, қаҳва ичиб, бир кесимдан торт едилар.

-Соат тўртдан ўтибди, -деди Элёр кулимсираб, -бир таклиф бор. Аёл хиёлгина сузилиб сўради:

-Қандай таклиф?

-Танишганимизга бир ойдан ошибди-ю, бирор марта суратга тушмабмиз, ё сурат олдиришни ёқтирмайсизми?

-Нега энди, суратга тушиш хоббиларимдан бири.

-Ундай бўлса, жуда соз. Фақат ҳар нарсанинг бутун бўлгани яхши.

Аёл ҳамон жилмайганча, Элёрга тикилиб турарди.

-Демоқчиманки, иккимиз тушсак, сурат тўлиқ бўлмайди. Ҳозир бориб Шоҳистани боғчасидан олсак-да, ишни бутун қилсак.

Аёл бирдан жиддий тортди.

-Ундай бўлса, -бироз жим қолгач, давом этди. — Ундай бўлса, якшанба куни тушайлик. Яхшилаб кийинтириб олиб чиқаман.

-Якшанбада ҳам тушаверамиз, бугун эса, дил кетди. «Йигитнинг сўзи сингунча...», нима дедингиз?

Элёр эътирозга ўрин қолдирмаганди. Аёл ноилож рози бўлди. Боғчага яқин қолганда:

-Сиз шу ерда тура туринг, мен беш дақиқада олиб чиқаман, - деди аёл.

-Нега энди, бирга кираверамиз, ахир бола ўғирлагани кел-маяпмиз-ку! - деди йигит.

Аёл яна ноилож қолди. Элёр боғчага келишда йўл-йўлакай бир неча шоколад харид қилганди. Кўчага чиқишгач, шоколаддан бирини тутқазиб, қизчани кўтариб олди. Аёл эса йигитнинг қўлтиғидан тутди. Бекатта етгунча қизалоқни эркалаб борди. Қизча мамнун шоколад ерди. Айни чоғда Элёр икки ўт орасида қолганди. Негаки, сўраши керак бўлган саволи қизчанинг чеҳрасидаги мамнунликни, кўзларидаги масъумликни чилпарчин этиши аниқ эди. Бироқ... Элёр ҳам ноилож! Икки соатлар чамаси хиёбон-у кўчаларни айландилар. Йигит қизчани гоҳ кўтариб, гоҳ етаклаб оларди. Ортиқ бу аҳволда юра олмаслигини тушунди. Қизчага бир кесик торт олиб берди. У тортни еб бўлгунича ўзи сигарет чекди. Ниҳоят... дастрўмолини чиқариб, қизалоқнинг ширали қўлчаларини, лабчалари-ю юзини арта туриб, секин сўради:

-Битта гап айтайми?

-Айтинг, -деди қизча Элёр томон бўй чўзиб.

Йигит унинг рўбарўсига чўккалаб, бағрига босди.

-Шоҳиста, мени яхши кўрасанми?

Қизалоқ қўлчаларини унинг елкасига қўйди.

-Ҳм-м, яхши кўраман.

Элёр бир ютинди-ю, юрагини тилимлагандек қийналиб, яна сўради:

-Ўзингни адангни-чи? Униям яхши кўрасанми?

Қизча жимгина бошини эгиб, кўрсаткич бармоқчасини иягига суртди. Сўнг бошини қимирлатиб, тасдиқ ишорасини билдирди.

-Шоҳиста, -деди қизалоқнинг кўзига тикилиб, -мен адангни кўрдим. Сени қидириб юрган экан. Олиб келиб берайми адангни?

Қизчанинг кўзларида шундай ўзгариш юз берганди-ки, Элёр тасвирлашга ожиз эди. Ва бирданига Элёрни қучоқлаб олди. Секингина, эшитилар-эшитилмас шивирлади:

-Қачон опкеласиз адамлани?

Элёр чидай олмади, ўз-ўзидан кўзларидан ёш қуйилаверди.

Қизалоқ ўз отасини қўмсаётганлигини, унинг учун ҳеч ким ўз ОТАсидек бўла олмаслигини Элёр бутун вужуди билан ҳис этиб турарди...

ТИЛАНЧИНИНГ ДУОСИ

ШАҲНОЗА метродан тушиб, чиқиш эшиги томон йўналди. Ташқарига чиқаётиб бир рус қизининг зинапояда ўтирган тиланчига садақа берганига кўзи тушди. Гарчи ўнг томонга бурилиши керак бўлса-да, тўғрига — тиланчи тарафга юрди. Жетон олганида қайтган ўн сўмликдан бирини чўнтагидан чиқариб, бошини қуйи эгганича нималарнидир пичирлаб ўтирган тиланчига яқин келди ва кирланиб кетган рўмолча устига ташлади. Тиланчи ўтириш ҳолатини ўзгартирмай — боши эгик, бироз чайқалган кўйи дуо қилди:

— Аллоҳ сизга мингни берсин!

Бу орада икки одимгина узоқлашган Шаҳноза дуони эшитди. Юриб кетаётиб, негадир дуони тўлдирилган ҳолда овоз чиқармай такрорлади: «Сиз менга бирни бердингиз, Худо сизга минг қилиб қайтарсин!»

Аёл бирдан тўхтади, ортига бурилиб, йигирма қадамча нарида қолган тиланчига қаради. Аксига олиб, у орқа ўтирган ҳолда метронинг чиқиш эшиklarига юз тутиб ўтирарди.

«Овози танишдек, — ўйлади аёл, — таниш овоз... Кимнингдир овозига жуда ўхшар экан?!»

Аёл эслашга уриниб, тиланчи томонга тикилиб қолди. Ногаҳон ток ургандек сесканиб кетди: «Йўғ-ей, ... у эмасдир!»

Лекин қизиқиш ҳисси кучлилиқ қилди — ортига қайтди. Негадир оёқлари тортмайгина юра бошлади. Ўн қадамча юриб тўхтади. Ички бир овоз унга: «Борма, ортингга қайт!» — дерди. Бироқ қизиқиш ҳисси овоздан зўр чиқди. Шаҳноза тиланчига қарамай, зинадан тушиб, метрога кирди. Икки эшик оралигида тўхтаб, тиланчи томонга ўтирилди. Кутилмаганда бир милиционер келиб,

тиланчини ҳайдай бошлади:

— Сенга учинчи марта айтаяпман, ярим соат олдин ҳам огоҳлантиргандим. Йўқоласанми бу ердан ё обориб тиқиб қўяйми?

Тиланчи бошини кўтариб, «қўлингдан бошқа нима ҳам келарди қамашдан бўлак!» дегандек аламли бир қаради-ю, шошилмай рўмолчасини йиғиштира бошлади. Шаҳноза ҳам шу лаҳзада унинг юзини аниқ кўрди: «Ё, тавба, худди ўзи!»

Ўн дақиқа аввал ўн сўмлик тангани Шаҳноза собиқ эрига садақа қилганди.

Аёл уйига қандай етиб келганини билмади. Тиланчининг дуоси хаёлидан кетмас эди:

«АЛЛОҲ, СИЗГА МИНГНИ БЕРСИН!»

Инсон табиатан шундай ҳилқатки, умрининг ўт-олов фаслида ҳар қандай қилмишини тўғри деб баҳолайди. Аммо Вақт номли аёвсиз ҳакам бор!

Шаҳноза хона чироғини ёқишни ҳам унутиб, диванга офир чўкканича секингина шивирлади:

— Аллоҳ, сизга мингни берсин!

Оҳиста чиққан ўз овозидан ўзи чўчиб кетди. Шу пайт устмауст чалинган эшик қўнғироғи юрагини ёргудек бўлди. Оёқ учида бориб:

— Ким? — деди қандайдир титроқ овозда.

— Очинг опа, Гулнозман!

Қизининг товушидан жони жойига тушгандек бўлди. Қизи ҳам кирибоқ, одатига кўра уни қучоқлаб олди.

— Вой, опа, нега титраяпсиз, рангингиз ҳам қандайдир оқарганми-ей, тобингиз қочдимми? — сўради қизи саломни ҳам унутиб.

— Билмасам... — мужмал жавоб қайтарди Шаҳноза кўзини олиб қочиб, — негадир...

Бирор жўяли гап келмаганидан ортига бурилди.

— Ҳеч бўлмаса, чироқни ёқиб ўтирмайсизми? — деди қизи танбех оҳангида.

Аёл эшитмади. Унинг миясида тиланчилик қилиб ўтирган собиқ эрининг дуоси бонг урарди:

«АЛЛОҲ, СИЗГА МИНГНИ БЕРСИН!»

БИР ҳафта олдин ён қўшниси «Мушкулкушод» ўтказганди. Шу йиғинда нариги кўчада яшовчи Заҳро Шаҳнозани «чақиб

олди». Чаққанда ҳам ёмон чақди — нақ юрагига тегди!

— Манзурабону, — деди Захро уй эгасига, — мовлияту мушкулкушодлар сабаб ишингиз барор чошиб, этгану қилган эҳсонингиз даргоҳига қабул бўлиб, худога шукр, эрингиз ичишни ташлади. Уч қиз чиқардингиз, ҳаммаси ўзидан тиниб, тушган ерида палаҳмон тошидек қотди.

Кейин чимирилиб Шаҳнозага қаради:

— Сиз ҳам яратганга таваккул қилиб, Шаҳнозбону, мундоқ беш-ўн кайвонини йиғиб, мушкулкушодми ё пари дастурхонми қилсангиз, ёмон бўлмасди. Зора қизингиз эри билан ярашиб кетса! Яна ажабмаски, ўн йил олдин этак силкиб кетган эрингиз ҳам қайтиб келса... Ҳар нима бўлганда ҳам эркаги бор уйнинг файзи бўлак-да, унча-бунча «қинғир» гап остонадан киролмайди.

«Ҳаҳ, ипириқси, у куни қарз сўраб чиққанида бермагандим. Ўшанинг аламини олаяпти ер юткур!» — дея хаёлидан ўтказди аёл.

Захро ҳам унинг гужанак бўлиб қолганини кўриб, сиқувни кучайтирди:

— Кичик синглимнинг эри Шаҳнозани ташлаб кетган эри билан қамоқда бирга бўлган экан, — деди «ташлаб кетган»га алоҳида урғу бериб, — ўша жойларда ҳам заифларни қўллаб, анча-мунча одамга ёрдами тегибди. Ҳатто синглимнинг эрига ҳам яхшилик қилган экан.

— Ўзи ҳам ёмон одам эмасди билишимча, ўргилай Захробону, — деб қувватлади яна бир кўшни.

— Айтадилар-ку, оповси, «Эрни эр қиладиган ҳам, қора ер қиладиган ҳам хотин!» деб. Эр қиламан дегани Манзурабонуга ўхшаб, ўз ҳаловатидан кечиб, тош келса — синдиради, сув келса — симиради. Ер қиламан дегани эса...

Уй эгаси Захронинг гапини бўлиб, Шаҳнозани маломатдан қутқарди:

— Эгачилар, қўйинглар шунақа оилавий можароларни, хотин-қизлар кенгашида эмассизлар-ку, ахир!

Кейин тўрда қўр тўкиб ўтирган отинойига юзланди:

— Отин ойи, ояти карималардан тафсир қилиб беринг!

Захро барибир сўнгги «ўқ»ни отиб қолди:

— Эрнинг устидан меласага, қозига борадиган хотинларга сўров бордир қиёматда, шундан гапиринг, отин ойи!

Захро шундай деб ёнидан яхлит мингталиқ чиқариб, хонтахта

четига қўйди. Шаҳноза эса, беихтиёр ўрнидан туриб, эшикка йўналди...

* * *

БУГУНГИ кўргани бир ҳафта олдинги гап-сўзлар билан қоришиб, миясига бигиздек санчиларди.

Шаҳнозани виждон азоби қийнаяпти, дейиш нотўғри бўлар. Чунки ўз манфаатини ўйлайдиган кимсада бундай туйғунинг бўлиши гумон! Бошқа фазилатлар кейинроқ ҳам шаклланиши мумкин дир, аммо ВИЖДОН она қорнидан бирга тушмаса, одамнинг ёши ўтгач, туғилмаслиги аниқ!

Шаҳноза ярим тунгача бетоқат ётди, кейин ухлаб қолди. Бу синоатни кўрингки, уйқуси уйғоқлигидан баттар оғир кечди. У туш кўрди:

Кайвони Захро ёнида ўша кунги отин ойи! Отиннинг ўнг қўлида қандайдир китоб. Захро бўлса, кўча бошланишида туриб олиб, бор овози билан гапираётганмиш:

— Ҳой хотинлар, мен Шаҳнозанинг эрини кўрдим. Бояқиш увадага ўралиб, метрога кириш зинасида тиланиб ўтирибди. Унинг шу аҳволга тушиб қолишига Шаҳноза сабабчи!

Аёллар «гурр» этиб Шаҳнозага ўтирилдилар. Кўрсаткич бармоқларини бигиз қилиб ўқталишди. Шаҳноза қочмоқчи бўлганди, Манзура йўлини тўсди:

— Шаҳноз, — деди қўлларини қанот қилиб ёйганича, — Заҳробегим аччиқ гапирадио, очиқ гапиради. Мен эрим билан ўттиз йил яшаб, шундан йигирма йилини ҳақ-ноҳақ сўкишлар остида ўтказдим. Лекин бирор марта мелиса у ёқда турсин, ҳатто ўз отамга, ака-укамга арз қилиб бормаганман. «Чиққан қиз чиғирқдан ташқари», деганлар!

— Ўзи-ку ўзи, — гапни илиб кетди Захро, — яна қизини ҳам олиб келиб ўтирибди. Бу кетишнинг оқибати хайрли кўринмаяпти...

Отин ойи китоб тутган қўлини баланд кўтарганди, ҳамма жимиб қолди.

— Шаҳноза эгачи, — деб гап бошлади вазмин оҳангда, — бир банданинг таназзулини, тиланчиликка юз тутишини сира истамагандирсиз балки. Бироқ бу нохушликларда сизнинг ҳам хатойингиз бордир! Эшитишимча, ўзингиз кўриб-билиб теккан экансиз. Лекин «ўйиндан ўт чиқариб», қаматиб юборибсиз. Дейлик, эрингиз нодонлик қилиб, шайтоннинг измига кетгандир. Аммо

сиз ҳам Худодан қўрқмагансиз! У-ку, сизга қилган ситами учун бу дунёдаёқ жазосини топибди, лекин ОХИРАТ ҳам бор! «Эрнинг дуоси мустажоб, агар-чи у золим бўлса ҳам!» деб ёзилган. Ишонмасангиз, мана ўқиб кўринг!

Шаҳноза чўчиб уйғониб кетди. Собиқ эри — тиланчининг дуоси ярқ этиб хаёлидан ўтди:

— АЛЛОҲ, СИЗГА МИНГНИ БЕРСИН!

Ҳолсизланган аёл ёстиқни қучганича йиғлаб юборди. У тиланиб ўтирган собиқ эрининг аҳволига ачиниб йиғлармиди ёки Худодан қўрқибми, ўзи ҳам билмас эди...

КЕЧИРИЛМАС ГУНОҲ

(«У дунёнинг ишлари» туркумидан)

«Қизим, сенга айтаман...» Халқона ибрат

«— Етар шунча кун аразлаб юрганинг, юр энди уйга кетамиз, Бону! — деди эр жуфти ҳалолининг юзидан сийпаб. Аёл эри палтосининг ёқасидан маҳкам ушлаб, бошини унинг кўксига қўйганча йиғлаб юборди.

— Бўлди, бунча йиғладинг. Қани кетдик, — деди эр аёлини кучиб.

— Боролмайман хўжайин, иложи йўқ!

Эр ҳайратланди: — Нега?

— Дадам... дадам жойнамознинг устида туриб: «Агар шу эр билан яшасанг, сендек қизим йўқ, оқ қиламан!» деганлар...

— Ҳей ўша дадангниям, ўзингниям оналарингни... — сўкинди эр, — отанг жойнамозда туриб одам ўлдиришдан ҳам оғир гуноҳни бўйнига олиб қўйибди-ку!.. Охирги марта сўраяпман, Бону, кетасанми мен билан?

Аёл ортига тисарилди.

— Минг лаънат сендек хотинга!..»

* * *

АШИР ОТА қабрга қўйилиб, тупроқ тортилгач, тиловат қилинди. Қабристондаги маросим ниҳоясига етиб, тобутбардорлар тарқала бошладилар. Шу чоғ қоронғу қабр ёришгандек бўлди. Ашир ота кўзини очди. Унинг тепасида кимдир — кўриниши одамсифат, аммо нуроний юзларида жаҳл асорати сезилиб турган ўрта яшар, қора ридо ёпинган кимса турарди.

— Эй ғофил банда, — деди нотаниш кимса гулдурос овозда, — мен сен билан савол-жавобга келдим. Аммо аввалданоқ айтиб қўй, сенинг дўзахга ҳукм этилишинг муқаррар.

Ашир отага муздек танаси титраётгандек, вужудини ўраб олган кафани торлик қилаётгандек туюлди.

— Хўш, нега жимсан? — сўради сўроқ қилувчи кимса, балки ўзингни оқлашга далил изларсан?

Маййитга айланган чол ўзини тутиб олди:

— Янглишмасам, сен...

— Ҳа, ўша... — чўрт кесди сўроқ қилувчи.

— Ахир, мен фоний дунёда обрўли мўъмин, намозхон эдим, — деди маййит дадилланиб, — Аллоҳ ҳар мўъминга фарз қилган намозу закотни, садақа, рўзаю имонни тўлиқ адо этганман. Ҳатто икки бора Ҳаж қилдим.

Сўроқ қилувчи қаттиқ кулиб юборди:

— Ҳаж қилган эмиш! Икки бора ҳаж сафарига қандай маблағу қайси мақсад билан борганлигинг бизга маълум... Гуноҳингни камайтириш учун бўлак важ изла!

Ашир ота беихтиёр ўзи ўйлаганчалик пок, комил мўъмин эмаслигини тан олгандек бўлди.

— Маҳалладаги масжид қурилишига бошчилик қилганман, — деди журъатсиз овозда, — яна ифторликлар...

Сўроқ қилувчи бу гал кулмади. ғазабнок оҳангда жавоб қилди:

— Бир неча ночор оилани киндик қони томган ердан кўчиртириб, қурилган масжидни айтаяпсан чоғи. Ёки бева-бечоралар, камбағалу юпунлар қолиб, ўзига тўқ рўзасизлар учун берган ифторликларингни, ифторлик ўтгач, Аллоҳнинг яратган неъматларини тоғора-тоғора қилиб жарликка ташлатганларингни эслаяпсанми? Унутма, сен яшаган дунё — фоний, аммо сарҳисоблидир!

Ашир ота мутлақо ҳолсизланиб қолгандек сезди ўзини.

— Ё, алҳазар, — деди паст, бўғиқ овозда, — билиб ё билмай қилган гуноҳларим наҳотки кечирилмаса? Ахир, Аллоҳни ар-Раҳмон ар-Раҳим дейдилар-ку!

Сўроқ қилувчи Ашир отанинг изтироб чекаётганлигини тушунди. Мулойим оҳангда сўз бошлади:

— Эй бандаи ғофил, ҳақиқатдан ҳам ҳақ Таоло меҳрибон, кечиримли. Ҳатто жаҳолатга юз тутиб, Каъбани вайрон қилган, Қуръонни ўтга ташлаган кишининг гуноҳидан ўтиши мумкин,

агар ўша жоҳил чин дилдан узр сўраса. Карами кенг Аллоҳ ҳатто маъжусий — оташпарастни жаннатга киритиб, эъзоз кўрсатган. Негаки, ўша маъжусий ўз хизматкорини муборак Рамазон кунлари кундуз вақти кўчада овқат еб турганлиги учун жазолаганди. Гарчи маъжусий бўлатуриб, мусулмон фарзини ҳурматлагани учун ҳам у жаннатий бўлди. Сенинг ҳам билиб-билмай қилган гуноҳларингни кечиришга Аллоҳ қодир, лекин бир гуноҳинг борки, айнан ўша учун дўзахга буюрилишинг тайин! Қара, Тангри нақадар улуғ — бир амал учун маъжусийни жаннатга, бир гуноҳ учун сени дўзахга киритмоқда.

Ашир ота хаёлга чўмди: «Қайси гуноҳи учун Худо уни дўзахга буюрмоқда?» Шу савол уни қийнар, аммо ҳаргиз жавоб топа олмасди, Вазиятни идрок этиб турган сўроқ қилувчи унга ёрдамлашди:

— Кўп хаёл сураверма, қиёмат қадар ўйласанг ҳам топа олмайсан.

Маййит ҳайратланди:

— У қандай гуноҳ эканки, ўзимга тегишлию, лекин тополмасам?

Сўроқ қилувчи кескин овозда деди:

— СЕН — ОИЛАБУЗАРСАН!

Ашир ота қотиб қолди. Кейин бирдан ҳайқириб юборди:

— Ёлғон! Тухмат! Мен ҳеч маҳал, ҳеч кимнинг оиласини пароканда қилган эмасман! Аниқ биламан!

Сўроқ қилувчининг кўзларидан учқун сачради:

— Ёлғон? Тухмат? Билиб қўй, бу сўзлар сен яшаган дунёга хос. Аммо, дорулбақода ягона сўз — ҲАҚИҚАТ ҳукмрон!

Маййит бўғриқди:

— Исбот қил!

Сўроқ қилувчи босиқлик билан далилга ўтди:

— Сен — Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам умматиман, дея даъво қиласан. Расулulloҳ эса: «Хотин учун энг ҳақлиги — эридир, эр киши учун энг ҳақлиги — онасидир!», деб марҳамат қилганлар. Тўғрими?

Ашир ота боши билан «Ҳа» ишорасини билдирди.

— Жуда яхши, инкор этмайсан. Хўш, шуни била туриб, нега қизингнинг турмушига ўринсиз аралашдинг? Охир-оқибат гоҳи чин, гоҳи ёлғон билан куёвингни ёмонотлиғ кўрсатиб, турли маҳкамаларга қатнаб, улар турмушини буздинг! Сен қанчалар дин-

дор бўлмагин, аммо билиб қўй, қизингнинг турмуши бузилиб, набираларинг тирик етим бўлган ўша кун — сенинг ҳам икки дунёнингга ўт кетганди! Бунга нима дейсан?

— Ахир, ахир куёвим ёмон эди, қизимни хўрлар экан, қизим доимо нолиб келар эди, — деди Ашир ота титраб, — мен фарзандимга ачиндим. Ахир мен — отасиман!

— Шундоқми? «Хотин учун ибодатларнинг энг афзали — эрига хизмат қилишдир!» дейилган ҳадисни қизинг-ку унутган экан, оталик қилиб сен буни эслатмадинг. Тўғри, сен — ота! Ўз фарзандингга ачинибсан. Хўш, куёвинг ота эмасмиди? Унинг фарзандларини тирик етим қилиш эвазига сен ўз фарзандингга бўлган меҳрингни исботлабсан-да, шундайми? Куёвинг ёмон бўлса, вақти етиб ўз ёмонлигига мувофиқ жазосини топар эди...

Маййит Ашир ота баҳслашмоқ буткул бефойда эканини тўлиқ тушунди.

- Наҳотки.. наҳотки... бу ёғи энди абадий азоб, дўзах бўлса? - деди пичирлаб.

Сўроқ қилувчи унинг елкасига қўлларини қўйди:

— Куюнма эй ғофил, балки кўрадиган азобинг вақтинча бўлар... Маййит энди каловланиб қолди:

-Ахир, ўзинг ҳозиргина менинг дўзахи эканлигимни айтдинг. Тагин азоблар вақтинча бўлиши мумкинлигини гапираяпсан. Ё менга ачиниб, тасалли бермоқчимисан?

Сўроқ қилувчи жилмайгандек бўлди:

— Тасалли бериш менинг вазифамга кирмайди. Шунингдек, бирор нарсага маййитни ишонтириш ҳам. Тўғри, сенинг азобларинг чексиз бўлиши ҳам, вақтинчалик бўлиши ҳам мумкин. Фақат бу сенга боғлиқ эмас. Боя гаплашдик, Аллоҳ кечиримли, меҳрибон! Ажабмаски, қизингнинг шуури эзгуликни истаб, оиласини тиклашга эришса. Фарзандларини ота бағрига йўлласа. Фақат шундай ҳолдагина сенинг ҳам гуноҳинг ечилишига имкон туғилиши мумкин. Унгача... гинанг ўзинг билан бўлаверади, эй ғофил банд!..

Қабр ичи қоронғулаша бошлади. Ашир ота қандайдир умид билан қиблага юз тутганча кўзларини қайтадан юмди...

ПУБЛИЦИСТИКА

ИЗИ ТОПИЛМАГАН ПОРТЛАГИЧЛАР ҲАҚИДА ИККИ МАҚОЛА

1-МАҚОЛА. ЙЎҚОЛГАН ДЕТОНАТОРЛАР

ЁКИ БУХОРОЛИК МИЛИЦИЯ ПОДПОЛКОВНИГИ САТТОР АТОВЕГА НИСБАТАН ҚЎЙИЛГАН АЙБЛОВ ХУСУСИДА

«Менинг куфрим айбларга
Дилимдан ўзга султон йўқ...»

Абу Али ибн Сино

Буюк ёзувчи Александр Дюманинг «Граф Монте Кристо» асарини севиб ўқиганмиз. Роман асосида яратилган киноларни ҳаяжон билан кўрганмиз. Асар оддий воқеа - қаҳрамон Эдмон Дантеснинг қандайдир сирли хатни олиб келишидан бошланади. Ва мазмуни ҳатто ўзи учун ҳам мавҳум бўлган мактуб сабаб Эдмон Дантес ноҳақ айбловга қолиб, «Иф қалъаси»га қамалади...

Бухоролик Саттор Атоевга нисбатан қўзғатилган «Жиноят иши» материаллари ва қўйилган айблов юзасидан чиқарилган ҳукм матни билан танишиш жараёнида буюк адиб яратган Граф Монте Кристо қисматига боғлиқ воқеалар ҳаёлимдан кечди. Қайсидир маънода милиция подполковниги Саттор Атоев қисмати Дюманинг Эдмон Дантеси кечмиши билан ўхшашдек туюлди назаримда!..

2002 йил август ойида Бухоро геофизика экспедицияси корхонаси Хитой давлатидан катта миқдорда электро-детонаторлар олиши керак эди. Ўзаро келишувга асосан, Хитойнинг «Норинго Шемигалс ЛТД» корпорацияси Бухоро геофизика экспедицияси учун 600 қути (яшчик) ЭД(портлатгич)ни Андижон вилояти «Дўстлик» божхонасига олиб келиб, Бухородан борган машиналарга юклаб бериши лозим эди.

Мазкур юкни олиб келиш учун Бухородан КамАЗ ҳамда ЗИЛ-133 русумли юк машиналари ажратилиб, юкни қўриқлаб келиш бухоро вилояти ИИБ ЖТСБ катта нозири, милиция подполковниги Саттор Атоевга топширилади.

2002 йил 11 август куни Хитой корпорациясининг Ўзбекис-

тондаги вакили жаноб Синг маълум сабабга кўра, қирғиз юк машиналарини Ўзбекистон ҳудудига киритишдан кўра Бухородан борган машиналарни Қирғизистон ҳудудига олиб кириб, юкни ортиш афзал эканини айтади.

Хуллас, юк қирғиз ҳудудида ортиладиган бўлиб, жаноб Синг ва юк қабул қилиш учун масъул ҳисобланган Бухоро геофизика экспедицияси вакили Саид Муқаддамов бошчилигида Бухоро ММК-5 корхонаси ҳайдовчилари Ғайбулло Бозоров, Шодмон Боймуродов «Дўстлик» божхона масканидан Қирғизистон Республикаси ҳудудига ўтадилар.

Қўриқлаб кузатиб келиш гуруҳи С.Атоев раҳбарлигидаги майор Р.Норов, лейтенант Ў.Ярашев Ўзбекистон ҳудудида қолади. Улар 11 август куни соат 11 дан 18 ларга қадар «нейтрал чизиқ» ҳисобланган майдонда юк келишини кутадилар. Юк ортилган ҳар икки машина божхона текширувидан ўтиб, Ўзбекистон ҳудудига киритилади.

Муҳим аҳамиятга эга юк 14 август куни соат 16 ларда Бухоро геофизика экспедицияси ОАЖга келтирилади. Бўлим бошлиғи И.Тўхтаев юкни ОАЖ омборхонасига туширтириб санаганида, етти қути жами 9800 дона бўлган 4837 АҚШ доллари 31 цент (3.709.926 сўм 53 тийин)лик КВТ Д2 ёрликли электро-детонатор етишмаслиги маълум бўлади.

Йўқолган юк бўйича олиб борилган қидирув ҳаракатлари самарасиз тугагач, юк қабул қилиш учун масъул ҳисобланган С.Муқаддамов ҳамда юкни кузатиб қўриқлаб келиш гуруҳи бошлиғи подполковник С.Атоевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди (раислик қилувчи С.Мирзоев)нинг 2003 йил 7 апрелдаги ҳукмига кўра 13 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланади.

«Иш»даги тегишли ҳужжатлардан айримлари Саттор Атоевга қўйилган айбловни мутлақо рад этиши негадир судлов ҳайъати эътиборини тортмаганлиги ажабланарли. Яъни, ҳужжатларда машиналарга ортилган қутилар сони «Дўстлик» божхона маскани қайднома дафтари (КҚДГ)да ҳар бир машинада 300 тадан деб ёзилган. Ҳайдовчилар кўрсатмасида эса КамАЗга 296 та, «ЗИЛ-133»га 304 та қути ортилгани айтилган.

Шунингдек, 2002 йил 18 август куни махсус комиссия назорати ва юк олиб келган шахслар иштироки ҳамда ижросида КА-МАЗ машинасига ЭД жойланган қутилар қайтадан юкланган. Бу

ҳақда уч варақли баённома тузилиб, тўққиз варақли аниқ чизмалар илова қилинган. Ва юк ортиш жараёни (ҳар бир қатор учун) алоҳида-алоҳида суратга туширилган. Тажриба-текширув хулосаси КАМАЗ юк машинасига 289 та қути ортиш мумкинлигини ва шу миқдорда ортилган юк 14 август куни келган юк ҳолатига мувофиқ эканлигини тасдиқлайди. Демак, КАМАЗ юк машинасида 296 та эмас, балки 289 та қути бўлганлиги махсус комиссия томонидан аниқланган. Янада аниқроқ айтганда, махсус комиссия хулосасига кўра жами 593 та қути ЭД олиб келинган.

Комиссия томонидан тузилган баённоманинг «Тажриба шартлари» бўлими 6-бандида шундай кўрсатилган:

«Қаторлар миқдори ва унда тахланган қутилар Қирғизистонда ортилган ҳолат (жойлашув)га мувофиқ бўлиши зарур».

Шу баённомада яна қуйидагича аниқ таъкид мавжуд:

«Кузовда ҳаммаси бўлиб икки юз саксон тўққизта қути бўлган.

Комиссия хулосаси:

1) Тажрибадан маълум бўлишича, КАМАЗ машинасида Қирғизистон ҳудудида жами 289 (икки юз саксон тўққиз)та қути жойлаштирилган.

2) Мазкур миқдор 14.08.02 й БГЭ ОАЖ омборига келтирилган 289 та қути миқдорига мувофиқ келади.

3) 296 та қути ортиб кўрилганида 10-қатор машина бортидан чиқиб қолиши аниқланди. Юкнинг бундай жойлашувини С.Муқаддамов, .Ф.Бозоров ва С.Атоев тасдиқламадилар».

Яна бир жиҳат: буюртмачи - «Ўзташқиннефтгаз» ҳам Хитойнинг «Норинго Шемигалс ЛТД» корпорациясига фақат 593 та қути ЭД учун ҳақ тўлаган. Шунингдек, корпорация ҳам «йўқолган ЭД» учун кўрсатилган (тўланмаган) 4837 АҚШ доллари 31 цент (3.709.296 сўм 53 тийин)ни талаб қилмаган.

Энди саволлар туғилиши табиий:

1. Махсус комиссия хулосасига кўра машиналарга ортилган қутилар сони 600 та эмас, балки 593 та бўлса;

2. Буюртмачи ҳам фақат қабул қилиб олган юки учун пул (ҳақ) тўлаган бўлса;

3. Юк ҳам ўзаро келишувга зид ҳолатда кузатув-қўриқлов гуруҳи назорат қилиши мумкин бўлмаган ҳудуд ва шароитда машиналарга ортилганлиги ҳам аниқ бўлса-ю, қандай қилиб милиция подполковниги Саттор Атоевнинг ҳаракатида жиноят

таркиби бўлиши мумкин?

Судлов ҳайъатининг айнан комиссия хулосасига нима учун эътибор қаратмаганлиги изоҳ талаб этадиган ҳолат...

Шу ўринда кичик, аммо муносабат билдиришга арзирли мулоҳаза:

юк туширилган, юқорида айтганимиздек, келтирилиши лозим бўлган миқдор (600 та қути) дан 7 қути кам чиққан.

Юкнинг муҳим аҳамиятга моликлиги боис бу ҳолатга тўлиқ аниқлик киритилмасданоқ махсус идораларга «Йўқолган «ЭД»-лар ҳақида ташвишли хабар» берилган. Бу хабарни тарқатган мутасаддилар ўз мавқеларини сақлаб қолиш учун ҳам «айбдорни топиш»га эътиборни қаратганлар ва... Бунга эришганлар.

Зеро, ўта офир жиноят содир этишлиқда гумон қилинган шахс (Саттор Атоев)нинг «Жиноят иши» қўзғатилгач ҳам 80 кун очиқда юриши; Саид Муқаддамовнинг ҳеч бир асослантирилмаган кўрсатмаларига таяниб, С.Атоевга нисбатан айбловни асослантириш ҳам изоҳ талаб этади.

Тошкент-Бухоро-Тошкент

2-МАҚОЛА. СОБИҚ ПОДПОЛКОВНИКНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ

ЁКИ 41-СОНЛИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МАНЗИЛ-КОЛОНИЯСИДАГИ МУЛОҚОТ

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА:

«*ADVOKAT PRESS*»нинг 2004 йил 16 декабр сонидида «ЙЎҚОЛГАН ДЕТОНАТОРЛАР ёки бухоролик милиция подполковниги Саттор Атоевга қўйилган айблов хусусида» сарлавҳали таҳдидий-танқидий мақолам чоп этилганди. Мазкур мақола юзасидан юқори турувчи судлардаги ваколатли шахслар имзоси билан бир нечта ҚОНИҚАРСИЗ ва ЮЗАКИ жавоб хатлари олинди. Юзаки (отписка) жавоблар хусусида мавзуга қайтиб руқни билан «Ҳукм ортида инсон бор!», «Ваколат кучлими ёки қонун?», «Асослантирилмаган жавоблар ёки инсон тақдирига беписандлик», «Эгри қозиққа тўғри тўқмоқ» сарлавҳали қатор танқидий мақолалар чоп қилдим.

Энг ачинарлиси, Олий суд ва Бош Прокуратурадаги масъуллар юқоридаги мақолаларга муносиб жавоб ёза олмадилар. Агар журналист ноҳақ бўлса, муаллифга нисбатан; агар журналист ҳақ бўлса, қонунга зид ҳужжатларга нисбатан ҚОНУ-

НИЙ ЭЪТИРОЗ келтиришга на Олий суд Раёсатининг, на Бош Прокурор ўринбосарларининг журъати етмаган кўринади.

Собиқ милиция подполковниги Саттор Атоев илк мақола (2004 йил 16 декабр) ёритилгач, кўп ўтмай, енгиллик тарзида манзил-колониясига чиқарилди. Мен Бессопандаги 41-ЖИЭМ (манзил-колонияси)га бориб, Саттор Атоев билан учрашиб, мулоқотда бўлдим. Қуйидаги мақола шу сафар таассуротлари ҳосиласидир.

1. АДОЛАТ ИЗИДАН

**АЙСБЕРГ-МУЗҚОЯ! Олис-олидан
Парқумонанд туман бўлиб кўринур.
Билиш мумкин фақат яқин-қўққисдан,
Аммо билган онинг буткул кеч бўлур –
Кемани ҳеч сақлаб қололмагайсан!
ЖАМИЯТ – Бир кема, ВАТАН – уммондир,
Ҳар бир ноҳақ ХУКМ МУЗҚОЯсифат!
Қози дер: «Кўринган оқлик – тумандир!»
Бош Қози жим гарчи аниқ ҳалокат,
Яшаб-яшолмайсан, ўдолмагайсан!..
Дилмурод САЙИД, 2003 й.**

Янглишмасам, Михаил Горбачев Бош котиблик даврида истибдод йиллари шаҳид ва қурбонлари воқеаси билан боғлиқ ноҳақликлар ҳақида мақола ёритиш беқиёс даражага етганди. Ҳатто шаҳид (қурбон) бир четда қолиб, эл таниган арбоблар бир-бирини хиёнатда айбловчи катта-катта мақолалар ҳам чоп этилганди.

XX асрнинг 30-, 50-йилларида бўлиб ўтган ноҳақ, ғайриқонуний судловлару бу ваҳшийликларни амалга оширган ҚОЗИлар ҳақида 50 йил ўтиб мақолалар берилди. ХЎШ, БУГУНГИ НОҲАҚ СУДЛОВ, ҒАЙРИҚОНУНИЙ ҲИБС ЭТИШ, ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ ва ҚОНУНГА ЗИД ЎҚИЛГАН ҲУКМЛАР хусусида; АДОЛАТСИЗ ҚАМАЛГАН МАЗЛУМ – ЖАБРДИЙДА инсонлар қисмати ҳақида қачон ёзамиз очиқчасига? Яна ЭЛЛИК ЙИЛ кутиб, кейин ёппасига ОҚЛОВ ҳужжати чиқаришни қўллаймизми?

Тўғри, бу мавзуда ёзаяпмиз саноқли бўлса-да! Оқлаяптилар ора-чорада! Лекин аксарият саккиз қатор ёзма жавоб (отписка)

билан чекланаяпти юқори турувчи суд ва прокуратуралардаги ваколат эгалари!

Бу ҳам камлик қилгандек, жавоб хати остига тегишли судлов ҳайъати раиси исми-шарифини қўйиб, НОМАЪЛУМ ШАХС имзоси чекилган ва: «Газетада чоп этилган мақола суд қарорларининг қонунийлигини текшириш учун асос бўлмайди» деган жумлани алоҳида ёзиб қўймоқда Олий суддаги айрим масъуллар!

Бу жумлани қандай изоҳлаш ҳар бир ақл эгасининг ўз дунё-қарашига ҳавола. Биз эса, мавзудан четламайлик.

Яна қайтараман, бугунги ноҳақликлар юзасидан қачон ҳаққоний тафтиш ўтказиб, қачон қонуний баҳо берадилар?

Мен бу саволни қўйишимдан аввал кўп ўйладим. Айниқса, Андижонда бўлиб ўтган воқеалар, хунрезликлар юқоридаги саволни қўйишимга сабаб бўлди.

Зеро, 2002 йил 11 августдан 14 августгача бўлган ораликда «Ўзташқинефтигаз» ва Хитойдаги «Норинго Шемигалс ЛТД» корпорацияси ўртасида тузилган М-688-рақамли (2002 йил 10 июн) шартномага кўра «Бухоро геофизика экспедицияси» учун олиб келинаётган К8 ТД-2 электродетонаторнинг 7 қутиси (9800 донаси) изсиз йўқолган. Ва бу воқеа юзасидан Бухоро вилоят МХХ томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилиб, жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди (раислик этувчи С.Х.МИРЗОЕВ) ҳукми билан икки киши узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этилганлар. Бу ҳақда биз аввалги чиқишимиз (2004 йил 16 декабр)да анча батафсил маълумот берганмиз.

Энг ажабланарлиси, «Иш» бўйича АЙБДОРлар қонуннинг тегишли мажмуаси (ЖК 208-, 247-, 248-моддалари!) билан жиний жавобгарликка тортилиб, озодликдан маҳрум қилиндилар. Лекин ҲАРБИЙ АҲАМИЯТДАГИ ПОРТЛАТГИЧ (9800 дона К8ТД-2 ЭД)нинг изи мутлақо очилмай йўқолиб кетди. Аниқроғи, портлатгичларни фақат Ўзбекистон ҳудуди (Андижон-Бухоро оралиғи)дангина излаб кўрилди, холос. Ҳайратланарлиси, Хитойда ишлаб чиқилиб, Қирғизистон Республикаси Нўуқат (суд ҳукмида НУХАТ ёзилган – Д.С.) туманидаги «Взрывпром» ҳудудида (ШАРТНОМА ВА ҚОНУНга хилоф равишда!) Қирғизистонлик ёлланма ишчилар кучи билан машинадан машинага қайта юкланган ДАВЛАТ аҳамиятидаги мазкур юк бўйича суриштирув ҳамда тергов ҳаракатлари МУКАММАЛ бўлишлиги учун Бухоро ви-

лояти МХХ терговчиси НИМА сабабдан Ўзбекистон ҳудудидан нарига чиқмай, ҳаракатсизлик кўрсатганлиги на вилоят, на республика Миллий хавфсизлик хизматидаги масъулларни қизиқтирмаган.

«Иш» жилдида бир ҳужжат бор. Уни қисқача «КҚД» дейилади. Ушбу ҳужжатда юк (К8ТД-2) 12 август 2002 йил Қирғизистон ҳудудида машиналарга қайта юкланганлигини кўрсатувчи қирғиз муҳри урилган. Ўзбекистон Божхонаси томонидан босилган муҳрда эса, 8 август 2002 йил (?) санаси қўйилган. Бироқ «КҚД» имзоловчи (Нажмиддинов)нинг на имзоси, на шахсий муҳри қўйилган эмас! Қойил, а!

Энг эътиборли жиҳати Қирғизистондан Ўзбекистонга олиб ўтилган К8ТД-2 ЭДнинг 600 қути эканлигини аниқ тасдиқловчи қонуний ҳужжатнинг ўзи йўқ! Мен айнан шу мавзунини 2-3 марта мақола қилиб чиқдим. **Қайта яна мақола ёзиш шарт эмасдек. Ёзмас эдим агар йўқолган юк тилла бўлганида! Афсуски, тилла эмас, ПОРТЛАГИЧлар изсиз йўқолган. Ва тўрт йил бўлдики, топилмаяпти. Энг фожиалиси, Қирғизистонда ва Ўзбекистон (Андижон) ҳудудида қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар ТЕРРОР ҳаракати қурбони бўлдилар кейинги икки йилда.**

ВАТАНИМ, ХАЛҚИМ ва АВЛОДИМнинг осойишталиги учун ҳам мен «Йўқолган детонаторлар ёки бухоролик милиция подполковниги Саттор Атоевга қўйилган айблов» мавзусига қайтишим шарт эканлигини тўлиқ ҳис этдим.

Айнан шу ҳис мени хизмат сафарига ундади. 2005 йилнинг айна саратонида Бессопандаги 41-сонли манзил-колониясига йўл олдим. У ерда менга нафақат сочи, ҳатто қошигача оқарган, жуссаси кичик одамни собиқ подполковник Саттор Атоев деб таништиришди.

Саттор ака билан суҳбатимиз қарийб беш соат давом этди.

Мен тўғрисида кўчдим:

**— Саттор ака, бумасала бир икки кишининг тақдир
рол ўйнамайди. Чунки йўқолган деб эътироф этилган юк ПОР
ТЛОВЧИ хусусиятли детонатор!**

— Ўзим ҳам бу ҳақда кўп нуфузли ташкилотларга мурожаат хати ёздим, — деди Саттор ака, — бироқ ҳеч бирида холис ўрганмади. VCKAPES
газетаси эътибор билан қараяпти. Тўғри гап, йўқолган нарса қўй бўлса эди, сўйиб кимлардир еб юборган дердим. Айниқса, қўшни

Қирғизистон ва Андижондаги қонли воқеалар мени қаттиқ изтиробга солади Менга айблов қўйганлар нафақат айбловни тўлиқ исботлаш учун, балки халқаро осойишталикни таъминлаш учун ҳам ДЕТОНАТОР воқеасининг охирига етишлари шарт эди. Улар эса, ҳануз лоқайд!

– **Тергов даврида Нўуқатдаги «Взрывпром» ҳудудига юкни қайта юклаган қирғиз фуқароларини жалб этишни талаб қил маддингизми?**

– Кимдан, МХХ терговчисиданми? **У ерда мени – милиция подполковнигини икки нафар рецедивист билан бир камерага қамаган кимса** менинг талабимни эшитишига ишонасизми? Рецедивистлар мени қийнаб, мен хизмат давримда билган Давлат сири ҳақида маълумот сўрадилар. Адвокатим эса «юкни ўғирлатиб қўйганман» мазмунида кўрсатма беришимни сўради. Бу ёғини тушуниб олаверасиз.

С.Атоевнинг жавобини тинглаб, собиқ СССР ИИВ раҳбарларидан Чурбановнинг «Годы прошедшие в тьмах» хотира-китобидаги қайдлар хаёлимдан кечди. Уни ҳам икки нафар ашаддий жиноятчи билан бир камерага қамашган экан. Кейин... Чурбанов уларнинг қотили сифатида 15 йилга ҳукм этилган...

– **Саттор ака, сиз вазият қурбони бўлгансиз. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди.**

– Тўғри, лекин сиз ҳам бир нарсани тушунинг, 9800 дона электродетанатор ҳазил нарса эмас. Менга қўйилган уйдирма айбловда таъкидланишича, мен 7 қути ЭДни 20 минг АҚШ долларига номаълум шахсга яширинча сотган эмишман. Хўш, қаерда сотибман? Қирғизистон ҳудудига фақат Хитой вакили Синг (Шен Хианглу), Саид Муқаддамов ва икки нафар ҳайдовчи ўтган. Юк (келишув ва қонунга буткул хилоф тарзда!) Қирғизистондаги «Взрывпром» ҳудудида ёлланма ишчилар томонидан қайта юкланган бўлса, нейтрал ҳудуд ва йўл бўйи назорат остида келган бўлса, мен қаерда ва қачон харидор топиб, 7 қути ПОРТЛАТ-ГИЧни сотишим мумкин? Сотиб олган одам 20 минг АҚШ доллари тўлаётган юкни текшириб оладими! Етти қути-9800 дона ЭДни кўриб-билиб олиш учун қанча вақт керак? Нега ҳеч ким кўрмаган? Булар оддий саволлар. Лекин шу оддий саволларга ҳам на терговчи, на судья аниқ жавоб топиб бера олмади.

2. МУРАККАБРОҚ ЭЪТИРОЗЛАР

Саттор Атоевнинг юқоридаги фикрлари асосли! Зеро, аввалги (шу мавзудаги) мақолаларимда мен ҳам бир қатор саволларни қўйгандим. Ва Олий суддаги баланг мартабали жаноб ҳам саволларни айланиб ўтиб, «Эл қатори жавоб»ни йўлаганди менга ва таҳририятга!

Тергов ҳаракатига назар ташлайлик. Миллий хавфсизликни таъминлашдек юксак ишонч ва беқиёс масъулият юклатилган маҳкама терговчиси, энг аввало, Ўзбекистондан борган юк машиналари қай тартибда ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИдан ўтганлигига эътиборни қаратиши шарт эди. Чунки икки давлат — Ўзбекистон ва Хитой мамлакатларидаги «Ўзташқинефтигаз» ҳамда «Норинго Шемигалс ЛТД»нинг ўзаро келишувига асосан ДАВЛАТ аҳамиятига молик юк Ўзбекистон ҳудудидагина бухороликлар машинасига юкланиши кўрсатилган.

— Бу тартиб Саид Муқаддамов ва Хитой вакили «ташаббуси» билан бузилди, дейди Саттор ака, — юк Қирғизистонга 20 км. кириб, Нўуқатдаги «Взрывпром» ҳудудида машиналарга қайта ортилган. Энг эътиборлиси, машиналардан бири, аниқроғи юк микдори кам чиққан КамАЗ-53212 (20АД133), юк ортилган «Взрывпром»да анча вақт ҳайдовчиси билан қолиб кетган. Юк бир вақтда ортилган бўлса-да, уларнинг Ўзбекистон ҳудудига кириш оралиғида 40 дақиқача фарқ бор!

Лекин терговчи бу жиҳатни ҳам ўрганмаган.

Юк бошқа мамлакат ҳудудида ортилгач, икки мамлакат божхона масъуллари иштирокида ҳужжат тузилиши шарт. Юк учун жавобгар — Саид Муқаддамов ҳам имзо чекиши зарур. Бироқ, на далолатнома, на С.Муқаддамов имзоси ҳеч кимни қизиқтирган эмас! Бир сўз билан айтганда, мақсад «айбдорликка лойиқ» номзодни топиш ва фақат жазолашга қаратилган.

Шу нуқтаи назардан ҳам А.В.Ким раислигидаги махсус комиссиянинг 2002 йил 18 август куни тузган баённомаси, берган хулосаси, фотожадвали, аниқ чизмалари (жами 21 варақ!) ўз қонуний баҳосини олмаган, қоғозлигича қолаверган.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди судьяси С.Х.Мирзоев ҳам суд ҳокимияти мустақиллиги белгиланган Конституция (Асосий Қонун)га очиқдан-очиқ хилоф тарзда «Иш»ни терговчи ўлчаб берган чизиқ — «Айблов хулосаси» бўйича кўрган. Тўғри-

да, МХХга зид бориб, эсини ебдими қози! Йўқолса — 9800 та портлагич йўқолибди-да! Қозилик ваколоти эмас-қу йўқолган! Портласа ё Қирғизистонда, ё Андижонда портляпти портлагичлар. Бухоро тинч, қозининг маҳкамаси у жойлардан йироқ! Бегуноҳ ўлаётганлар ҳам Андижон томонда, қозига мутлақо алоқаси йўқ ОДДИЙ фуқаро! Энг муҳими, қози ўз мансабида, оиласи бежавотир! Шунга кўра нима фарқи бор Саттор Атоевни қамайдими, Ато Сатторовними!

Мен 1999 йил феврал фожиаларини кўп эслайман. Ўшанда ҳам топилган портлагичлар ажабмаски, қайсидир мамлакатдаги терговчи ва қозининг лоқайдлиги боис Ўзбекистонгача етиб келмаган бўлса?!

Ҳар бир тўп портлагичга жўнатилаётган ҳудуди кўрсатилиб, ёрлиқ босилади. «Йўқолди», деб эътироф этилаётган етти қути ЭД (портлатгич)га ҳам шундай ёрлиқ босилгандир. Эртага бу «ажал уруғи» бирор давлат ҳудудидан топилса, жавобгарликни ким ўз зиммасига олади — терговчими, қозими? Ёки яна Саттор Атоевни излаб қолишар?..

Бу саволларга жавоб топиш учун, энг аввало, собиқ подполковникнинг мулоҳазаларини холисона, диққат билан эшитиш зарур. Бизнингча, у билади йўқолган детонаторларни қандай ва қаердан излаш кераклигини! Чунки ўз вақтида 15 йил тезкор вакил бўлиб ишлаган. Йўқолган қурол-аслаҳа ва гранаталарни топиб, Давлатга топширган.. Нафақат қурол-яроқ, балки қадимий олтин тангаларни ҳам топиб, давлатга топширган одамнинг ЭД сотиб кун кўришига ким ишонади?

3. ХУЛОСА ЎРНИДА

Саттор Атоев билан узоқ суҳбатлашдик. Гап орасида сўрадим:

— **Қарийб 20 йил Ички ишлар соҳасида ишлабсиз. Юқори унвонли зобит даражасига етибсиз. 20 дан ортиқ рағбатлангичришлар олган экансиз. Сизни қамашгач, Ички ишлар вазирлиги қандай муносабат билдирди?**

— Қамоққа олинганимдан кейин «Ишдан бўшатиш»лигим тўғрисидаги буйруқ ва салбий ёзилган хизмат текшируви хулосасини олиб келишди, — деб жавоб қилди Саттор ака, — гап ҳозирда менинг шаънимда эмас, гап — давлат аҳамияти ва об-

рўси билан боғлиқ воқеага нисбатан лоқайд ёндошувда. Аслида бундай юкни олиб келувчи юк машинасининг ҳар бирида икки нафардан ҳайдовчи бўлиши керак. Шу оддий талаб ҳам бажарилган эмас. Озиқ-овқат, ёқилғи таъминоти ҳақида-ку, айтмай қўяқолай!

– **Нега шуларни талаб қилмагансиз?**

– Бизнинг касбда буйруқлар муҳокама қилинмайди, фақат бажарилади!

– **Бундан кўринадики...**

– Ҳа, мен юкнинг хавфсизлигини таъминлашгагина жавобгар эдим. Ортиш-тушириш, миқдор масалалари бўйича масъулият Саид Муқаддамов зиммасида бўлган...

Мен бу жавобдан бир нарсани мантиқан мушоҳада қилган-дек бўлдим. Яъни: **«Кам чиққан ЭД учун фақат С.Муқаддамовнинг ўзини жавобгар қилиш имкони бўлмаган. Ёки аксинча. Шу нуқтаи назардан ҳам юк масаласидаги икки жавобгар шахсни жиной жавобгар қилиш мантиққа мувофиқ келган!»** Айнан шу ҳолат «Иш» бўйича суриштирув ва тергов ҳаракатларини Ўзбекистон ҳудудида олиб бориш билан чекланиш имкониятини берган. Агар қўшни мамлакатлар (Қирғизистон ва Хитой)га ўтса тергов ҳаракати, «шов-шув», ҳатто келишмовчиликлар юз бериши мумкин эди. Қолаверса, «Иш»га божхона хизмати, чегара қўшинлари ходимлари жалб этиларди. Биздаги тамойилга кўра, айнан шу хизматларда ЭНГ ҲАЛОЛ одамлар масъул ва мутасаддидирлар!

Бессопандан Зарафшон шаҳрига, ундан Навоий шаҳрига келдим. Бу ёғига яна қарийб 600 километр йўл давомида мушоҳададан тўхтамадим.

Масалани биргина Саттор Атоевга қўйилган айблов билан чеклаш терговчининг «Айблов хулосаси»дек юзаки фикр, қозининг ҳукм матнидек номукамал мулоҳаза юритиш бўлиб қолар. Давлат аҳамиятига молик юк, ҳукумат миқёсидаги масала, албатта, мамлакат Олий суди Раёсатида эътибор билан кўрилиши керак. (Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўша пайтдаги раиси В.Назаров бу масалада ўз бирёқлама муносабатини билдириб бўлган!)

Бизнингча, йўқолганлиги эътироф қилинган 9800 дона сейсмик К8ТД-2 электродетонаторлар қандай шароитда йўқолганлиги (ёки ортилмай қолганлиги!) масаласига ойдинлик ки-

ритилиши шарт. Бу муаммо ечимини топишда, энг аввало, «йўқолган ЭД» учун хитойликлар пул талаб қилишмаганлиги; 18 август (2002 й.)да тузилган, махсус комиссия тақдим этган 21 варақли Баённома, хулоса, фотожадвал ва чизмалар, Саид Муқаддамовнинг тергов ва суддаги кўрсатмаларидаги икки хиллик жиҳатларига эътибор қаратиш қонун талаби!

Менинг бу мавзуни янада батафсил қаламга олишимга сабаб Саттор Атоевга тарафкашлик қилиш эмас. Балки ўз Ватани осойишталиги, халқи осуда турмуши, алводлари хавфсизлиги ҳақида қайғуриш ҳар бир фуқаронинг бурчи. Мен эса, журналистман, демак бу борада бошқаларга нисбатан икки карра бурчлироқдирман. Токи ўз мулоҳазаларимга аниқ асослантирилган ва қонуний баҳоланган тўлиқ ечим топмагунимча, бу мавзуга яна қайтишим аниқ!

Тошкент—Бессопан—Ташкент

ОШИҚОНА

«Тушда ҳам кўз ёшинг артиб қўяман!..»

*Отабекнинг Кумушбибига
айтилмаган сўзлари*

Сиз мендан беҳуда ранжибсиз, бибим,
Қанимлар мактубин ҳақларга йўйиб.
Севгини, вафони четлаб ўтиб жим,
Рўсиёҳ қоғозни "Оқ !" дебсиз куйиб.
Наҳот мени шунча тубан кўрдингиз,
Наҳот қодир бўлсам номард ишига?
Наҳот сиз, сиз мендан юз ўгирдингиз,
Наҳот йўл бердингиз ҳайдалишимга?!
Майли, мен кетаман мағрур, қасдма-қасд
Менга илҳақ кўзлар томон бир йўла.
Унутманг! Соддадил Кумушга эмас,
Бу дунё исёнкор Зайнабга тўла!

14.VII.95

* * *

Муҳаббатим ўгай гўдақдек
Камситилди, масхара бўлди.
Орзулару ишончлар тирик
Ва кафансиз ҳолда кўмилди.
Қалбим бўлди барига қабр,
Мум тишладим қилмай овоза.
Камситилган севгим ҳам охир-
Кўмилди жим ва бежаноза...
Мотам тутдим киймасдан қаро,
Юрак-бағрим силқиб эзилди.
Гўё очдан ўлгандек гадо —
Бахт шўрлик ҳам унсиз узилди!..

15.02.2001.

...ГА

Ажралишдик!
Тоғлар қулагани йўқ,
Дарёлар тошмади қирғоқларидан.
Ажралишдик!
Ҳеч ким сўрагани йўқ,
Ажаб сезилмади нигоҳларидан.
Ажралишдик!
Оддий, мамнун, даъвосиз,
Совуққина силкиб қўлни бор-йўғи.
Ажралишдик!
Қўшиқ қолди навосиз —
Шеърга дўниб қолди УМР қўшиғи...

28.XII.2000.

“УШШОҚ”НИ ТИНЛАБ

«Қаро кўзум» оҳангига банди бўлиб
Томиримда ажиб туйғу оқиб борар.
Оҳ, қарокўз санам ёди дилни тилиб,
Вужудимни олов каби ёқиб борар.

Машшоқ танин гулоб ила ювар бўлса,
Мен май бирла дил фуборин ювадирман.
Машшоқ юзда терни кўриб ўлар бўлса,
Мен гул юзин орзусида ўладирман.

«Қаро кўзум» оҳангидан ёниб бадан,
Юраккинам инграб-инграб қолмоқдадир.
Оҳ, қаро кўз санам, сенинг кўзларингдан
Маним бахтим ҳар лаҳза ранг олмоқдадир!..

20.VI. 1992 й.

* * *

Сендан айрилганим туш бўлсин, дея
Тангрига туну кун илтижо қилдим.
Ёр яна бағримга бош қўйсин, дея
Саждага бош урдим, зор—нидо қилдим.

Эвоҳки, ўтинчлар барчаси абас,
Илтижо, нолишлар бўлмади нажот.
Армонга дўндию бир ўтли ҳавас,
Меҳробга кўмилди илк севги, ҳайҳот!

Сен эса... сен эса ҳамон ўшандоқ,
Ҳамон пойингдадир гўзаллик тахти.
Ҳамон бир бахт бўлиб турарсан чақноқ,
Фақат... Оҳ... энди бу — ЎЗГАНИНГ БАХТИ!..

25.VIII. 1991.

* * *

Сен томон йўл йўқдир, бўлмоғи гумон
Чунки у йўлкада тиғлар қадалган.
Гар оёқ боссам, оҳ, қон йиғлар товон,
Тиғларнинг нафаси кўкка қаралган.

Сен томон йўл йўқдир, бўлмоғи гумон
Чунки у йўлкада тиғлар кўмилган.
Бир марта ўтганман — қон йиғлаб товон
Тиғларнинг нафаси қонга чўмилган!..

22.VI.1992.

* * *

Тушимга кирасан ҳар кеч бирдайн:
Нигоҳингда ўкинч, кўзларингда ёш.
Бир сўз гапирмайсан, биладан лекин
Сен мендан хафасан, хафа, қора қош!
Тушимга кирасан; зирқирар юрак,

Сенга термуламан, ҳар тун куяман.
Юзларингдан сийпаб ўнгимдагидек —
Тушда ҳам кўз ёшинг артиб қўяман!..

17.XI.1991.

* * *

Кўз ёшлар қуюлса сиёҳга дўниб,
Киприklarим маним патқалам бўлар.
Қалбимнинг тубидан тошиб, юлқуниб
Дардларим қоғозга йиғлаб тўкилар:
«Бу кун ҳижрон тиғи қалбимни ўйиб,
Надомат тошидан Эҳром қурмоқда.
Оҳ, нозик белингни бой бериб қўйиб —
Бармоқларим фамнинг сочин ўрмоқда!..”

XI.1991

* * *

Кулманг, ўтинаман, кулмангиз асло
Менинг бахтсизлигим фақат меники.
«Тавба!» деб чекинманг, ачинманг ҳатто,
Толе меникидир, у — тақдир чеки!

Ўткинчидир маним маҳзун дамларим,
Ўткинчидир сизнинг кулгу ё кўз ёш.
Мен Инсон умрини қуёш англадим:
Баъзида вақтинча куяркан ҚУЁШ!

19.VIII. 1995.

ҒАЗАЛЛАР

Найлайин дарду ситам айлаб дилим қон йиғлатур,
Гоҳ алам, гоҳи хаёл, гоҳида армон йиғлатур.

Мен уни жоним дея кўксимга жо этган эдим,
Оқибат қийнаб таним, қалбимни ул жон йиғлатур

Кўзларимда ёш эмаским, бевафонинг заҳми бу,
Ваъда деб берган эди, ул лафзи ёлгон йиғлатур.

Бу жунун саҳросида кўнглим адашган йўлчидек,
Ноумидлик бир томон, бир ёнда ҳижрон йиғлатур.

Етмагай нолишларим қаттиқ эрур ер кўкси ҳам,
Ҳам баландлик кўрғазиб бошимга осмон йиғлатур.

Йиғламоқдин хийра бўлди кўзларим гавҳарлари,
Ҳолим маломат этиб ул чашми фаттон йиғлатур.

Бемуродлик ёзмиш экан гарчи номим Дилмурод,
Ойнинг ўн беши—алам, ўн беши—армон йиғлатур!

IV. 2003.

* * *

Эй дил, мотам айлагил тарк этди жононинг бу кун,
Эй вужуд, сен ҳам қўшил, ки кетди руҳ-жонинг бу кун.

Эй игна, бир дўстлик қилу кўзга чиз ёр расмини,
Эй қилич, кўксим тилиб ёз исмини онинг бу кун.

Эй фалак, синдир ўшал чархи кажрафторингни сен,
Толемдек айла тийра етти осмонинг бу кун.

Эй замин, бас юрганинг ул қуёшнинг теграсинда,
Икки сарсон бирлашайлик — оч бағри урёнинг бу кун.

Бир жаҳона икки фотиҳ сифмагай, эй Дилмурод,
Ё ажал, ё тарки ишқ-танламоқ имконинг бу кун!

XII. 1991.

* * *

Дилим гардини ювмакка кўзимда қатра нам йўқдир,
На бир ғамкаш, на бир ошно, на бир осуда дам йўқдир.

Нигорим йўлида сарсон нигоҳим, дийда зор ўлди,
Вале ондин дарак бир сўз, хабар-мактуби ҳам йўқдир.

Ва ё юз бурди ул маңдин, унутди ваъда-ю аҳдин,
Билолмай беҳуду ҳайрон, дилимда ўзга ғам йўқдир.

Ўтар кунлар, кечар тунлар, юрак дарди борар ортиб,
Рақам этмакка на меңда, на қаламда чидам йўқдир.

Куну кундин умид шаъми сўниб бормоқда, эвоҳким,
Дилмуродо, магар сўнса, бўлак ўрнига шаъм йўқдир...

24.07.1995.

* * *

Ҳисларим жиловладим, тушовлашга ожизман,
Қучоғимда жонон, лек қалбан буткул ёлғизман.

Кўнгил уйи кимсасиз кулба мисол ташландиқ,
Фақат вужуд тафти-ла яшаётган илдишман.

"Йил-тўрт фасл!"-дейдилар, ишонмасман бу-ёлғон,
Биттагина фаслим бор, у ҳам бўлса-номсизман

Азоб нима-чекинмам, шодлик надир-юкинмам,
Ўз дунёим бор маним-гоҳ саҳро, гоҳ денгизман!

Суянчим биргина шул қаро тил қалам бўлди,
Неки қаролагай ул барчасига эгизман!..

Дилмуродман фонийда, билмам боқий ким дерлар?
Ёлғон ёрга хор, балки чин Ёр учун азизман?!

31.03.2005.

ТАТАББУЪ

«Чархнинг мен кўрмаган жафоси қолдиму?..
Заҳириддин Муҳаммад БОБУР!
Не ҳабибу, не санам, кўнгул навоси қолмади,
Ғам чекиб, ташвиш кўриб ҳеч муддаоси қолмади.

Кўрғазиб лутфу карам, топдим маломат оқибат,
Мен эшитган ваъдаларнинг ҳам вафоси қолмади.

Дўсту ёрлик билдириб юрган унутди барчаси,
Кўзларимнинг оқи қолди, лек қароси қолмади.

Сокини майхона бўлдим олам элидин қочиб,
Оҳ, ки ортимдин маломат — дийдиёси қолмади.

Кимга айтиб, кимга йиғлай лавҳи тақдиримни мен:
«Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолмади!»

Мен билмаган шеваси қолди савобнинг, Дилмурод,
Чархи дуннинг мен қилмаган ҳеч хатоси қолмади.

Август, 1993.

РУБОЙЛАР

Бевафолиқ сенга одат ўлдиғин билмас эдим,
Ҳам сабр косамда тоқат тўлдиғин билмас эдим.
Ғунча лаблар бирла бир сўз менга изҳор айладинг-
Умрим гули ғунча лабдан сўлдиғин билмас эдим!

* * *

Кел, жоним, кўзларинг сузилақолсин,
Маним дил саройим бузилақолсин.
Ёлғиз болиш қучиб тирик ётгунча
Жоним қучоғингда узилақолсин!

* * *

Айди зоҳид: "Юрма кўп дилдораларнинг қасдида!"
Мен дедим: "Сўз айтмағил дилпораларнинг қасдида!"
Айди зоҳид: "Тангри бергай охиратда зўр жазо!"
Дедим: "Наҳот, Тангри мендек бечораларнинг қасдида?.."

* * *

Айди зоҳид: "Ким санам шайдоси, дўзахдир жойи!"
Мен дедим: "Менман букундан ўшал жойнинг гадойи!"
Айди зоҳид: "Тангридан қўрқ, етмасин офат десанг!"
Мен дедим: "Оҳ, қайси офатдан кам бу дилбар чиройи!"

ЁЛҒОН БИЛАН ОВВОРАМИЗ!

(Фарида Афрўз ғазалига мухаммас)

Овворалиқ кечмиш экан
чистон билан овворамиз,
Ҳал этолмасдин сира
гумон билан овворамиз,
Гоҳ давлат, гоҳи савлат,
гоҳ шон билан овворамиз,
Она Ер-туфроқ қолиб
осмон билан овворамиз,
Жон бериб, жонинг олар
жонон билан овворамиз.

Чун ажалдек ҳақ эрур
дилга бир кун вобаста ишқ,
Кимни этмабдур жаҳонда
тиф уриб дилхаста ишқ,
Йиғлатиб Лайлини, Қайсни
ўлдирди-ку чўл-даштда ишқ,
Кўзларингга жовдирар
сарсон-висол, саргашта-ишқ,
Ёш тўкиб, йиртиб яқо,
ҳижрон билан овворамиз.

МАНЗАРАЛАР

1

Шаробнинг кучидан кўзлар сузилди,
Вужудлар тўлғониб, ҳислар узилди.
Эҳтирос тўфони босиб, бу кеча —
ИФФАТ аталмиш зўр қўрғон бузилди!

Забон «Йўқ!» деди-ю, Кўнгил тиланди,
Қон тўкиб ғунча ҳам гулга айланди.
Оппоқ бўйин ила сийна «лолагун» —
Бўлгач, қиз бўшашди инграниб... мамнун!..

2

Қовушмоқ у қадар осон кечмади
Вужудлар бирлашган ойдин кечада.
Аммо ИЛК СЕВГИнинг тотти ўчмади,
Кўнгил қолаверди ЎША кўчада

"Асалим, севдигим, жоним!" деганда
Кўнгил кулар эди эшик ортидан.
Эҳтирос чекиниб, ақл келганда
ўкинч тўкиларди юрак қатидан!

"Лайли ва Мажнун"дан, ёстиқни қучиб,
Мисралар шивирлаб, унсиз йиғлардим.
Сен сира сезмасдинг, тунлар мук тушиб
Севги илоҳига тавба қилардим.

қовушмоқ шу боис осон кечмаган
Вужудлар бирлашган ойдин кечада.
Хаёлдан ЎШАнинг ёди ўчмаган
Шундан сарсон ҳануз кўнглим кўчада!

06.01.2001.

ТҮРТЛИКЛАР

Оқил илм йиғар, нодон пул этади жам,
Қорун мулкин йиғса-да, Луқмон бўлолмас.
Тилло табоқда агар кабоб еса ҳам
Ит итлигича қолур, Одам бўлолмас!

* * *

“Жаннат-оналарнинг зери пойида!”
Бу ҳадисни айтиб, сира тўймаймиз.
Юрармиз жаннатнинг илинж-пайида,
Она оёғин бир ўшиб қўймаймиз!

* * *

Бир нафас тўхтагин, дўст бўлсанг шошма,
Душманим бўлсанг ҳам тўхта, майлига.
Мен-ёлғиз йўлчига йўл кўрсат, ошна,
Қандай юрсам бўлар Замон зайлига?!

* * *

Ваъдалар-ёввойи каптарга монанд,
Кўнгиш бешикдаги гўдақдек, гўё-
Бармоғини сўриб, нигоҳлари банд,
Каптар парвозига ётар маҳлиё!

01.2002.

МУНДАРИЖА

КРИМИНАЛ-САРГУЗАШТ, ҲАЁТИЙ ҚИССА ВА ҲИКОЯЛАР

Қасоскор (қисса).....	
Ой йиғлаган оқшом.....	
Муҳаббатнинг мунгли қиссаси.....	
Термитатор.....	
Лайлонинг аянчли қисмати.....	
Девор устидаги жасад.....	
Жаҳолат гирдобида.....	

ҲАЁТИЙ-МАИШИЙ МАВЗУДАГИ ҲИКОЯЛАР

Қуёш қорайган кунлар.....	
Илонпари.....	
Шаҳват канизаги.....	
Қизалоқнинг кўзлари.....	
Тиланчининг дуоси.....	
Кечирилмас гуноҳ.....	

ПУБЛИЦИСТИКА

Изи топилмаган портлагичлар ҳақида икки мақола.....	
---	--

ОШИҚОНА

* "Тушда ҳам кўзёшини артиб қўяман!..."	
---	--

ТЕРМИНАТОР



ЛИНИК



, ЛИБУТРС

*ПУБЛИЦИСТИКА,
ОШИҚОНА.*

*Муҳаррир Ҳ.Нишонов
Бадий муҳаррир А. Турсунов
Техник муҳаррир Т. Смирнова
Саҳифаловчи Б.Ирисбоев*

**Босишга рухсат этилди 07.09.2006. Бичими 84x1081/32.
Хажми 1,25 б.т. Нусхаси 3000. Буюртма №
Нархи келишилган асосда.**

*Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.
Тошкент, Х. Сулаймонова кўчаси, 33.*